

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

“ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”
КАФЕДРАСИ

Акмалов Ш., Валиев Б., Қўшаев У.

СИЁСАТШУНОСЛИК: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР
(Университет талабалари учун ўқув қўлланма)

ТОШКЕНТ – 2008 йил

Акмалов Ш., Валиев Б., Қўшаев У. «Сиёсатшунослик: саволлар ва жавоблар» (Университет талабалари учун ўқув қўлланма): Т.: ТИУ, 2008. 84 б.

«Сиёсатшунослик: саволлар ва жавоблар» ўқув қўлланмаси сиёсатшунослик фанидан қўшимча адабиёт сифатида Тошкент ислом университетининг «Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган. Қўлланма ўқув курси ва назарий маълумотнома материалларидан иборат бўлиб, талабаларнинг маъруза, амалий машғулот дарсларига мустақил тайёргарлик кўришини ҳамда ўзининг билим сифатини назорат қилишини тامينлайди. Унинг мазмунидан сиёсатшуносликка оид рейтинг саволномалари ҳамда тест ишланмалари тайёрлашда ҳам фойдаланиш мумкин.

Ушбу ўқув қўлланма сиёсатшунослик масалаларини ўрганаётган бакалаврият талабалари ҳамда тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

Муҳаррир: Фалсафа фанлари номзоди Б. Валиев

Такризчилар: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси илмий ишлар бўлими бошлиғи, фалсафа фанлари номзоди, доцент А. Ғаниев

Тошкент Давлат шарқшунослик институти “Халқаро муносабатлар, сиёсатшунослик ва ҳуқуқ” кафедраси доценти, сиёсий фанлар номзоди Х. Умаров

1-савол. Сиёсат ва сиёсатшунослик нима?

"Политология" (Сиёсатшунослик) атамаси икки юнон сўзидан ташкил топган бўлиб, "politi" - "сиёсий тартиб, фуқаролик ҳуқуқи, ҳокимиятни амалга ошириш механизми" ҳамда "logos" - "билим" деган маъноларни англатади. Политологияга сиёсат ҳақидаги фан деб қаралади.

Сиёсат - кишиларнинг ҳокимиятга эга бўлиш ва жамиятни бошқариш борасидаги кўп қиррали муносабатлари, фаолиятлари, қарашлари, мўлжаллари, ҳулқ-атвори ва ўзаро алоқалари ифодасидир. Сиёсат бундан қарийб 3 минг йил аввал пайдо бўлган. Жамиятдаги турли кучлар, ижтимоий гуруҳлар ва уларнинг манфаатларини ифода этувчи сиёсий ташкилотлар, институтлар, ҳаракатлар ва лидерлар сиёсат юзага келишининг асосий омиллари ҳисобланади.

Сиёсатнинг мақсади –жамият ривожини инсонлар учун манфаатли томонга йўналтириш ҳамда улар учун умумий мақсадлар ва уларга эришиш воситаларини аниқлашдир.

Айни вақтда, сиёсат фан ва санъат ҳамдир. Фан сифатида сиёсат инсониятга жамият ривожланишининг сиёсий қонуниятларини, улардан фойдаланиш орқали сиёсий ҳаётга мақсадли таъсир ўтказиш йўллари аниқлашга қаратилган. Сиёсат шунингдек, санъат ҳисобланади, чунки, у сиёсий жараёнларнинг субъектив томонига боғлиқ бўлиб, тажриба, ижодий ташаббус ва истеъдоддан фойдаланишни назарда тутди.

“Политика” атамасини қадимги юнон файласуфи Аристотель (мил.ав. 382-322) киритган. Унинг фикрича, сиёсат бу –кишиларнинг маданийлашган уюшуви шакли бўлиб, "умумий фаровонлик " ва "бахтли ҳаёт"га эришишга хизмат қилади.

2-савол. Сиёсат тизим сифатида қандай элементлардан ташкил топган?

Сиёсат тизими субъектив омилни (қатнашувчилар) ва бошқа ижтимоий элементларни (сиёсий ҳокимият, сиёсий муносабатлар, сиёсий онг, сиёсий маданият, сиёсий ташкилотларни) қамраб олади.

Сиёсат субъектлари давлат ҳокимиятини амалга оширишда иштирок этувчилар ёки унга таъсир ўтказишда қатнашувчи шахслар, ижтимоий табақа ва гуруҳлар, ташкилотлардир. Субъект сифатида ижтимоий институтлар (сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, диний муассасалар, оммавий ахборот воситалари, давлат, халқаро ташкилотлар), шунингдек, ижтимоий бирлашмалар (табақалар, синфлар, миллатлар, элиталар, омма, профессионал (касбий) гуруҳлар) ва алоҳида шахслар (сиёсий лидерлар, оддий фуқаролар) ҳам эътироф этилади.

Сиёсат қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

Сиёсий муносабатлар - сиёсат субъектлари ўзаро алоқадорлигининг келишув, ҳамкорлик, низо каби шаклларида ўз аксини топади, аксарият ҳолларда “ҳукмронлик ва бўйсунтириш” тамойилига асосланади.

Сиёсий ҳокимият - ўзининг иродасини бошқага ўтказиш имконияти ва қобилияти.

Сиёсий ташкилот - шахс, гуруҳ ва жамият сиёсий манфаатларини акс эттирадиган давлат ва нодавлат институтлар.

Сиёсий маданият – кишилар фаолиятида кўринадиган сиёсий ҳодисаларга бўлган муносабат тури.

Сиёсий онг - сиёсий психология ва сиёсий мафкура, сиёсий фаолликнинг мотивлари (ғоялар, ҳиссиётлар, эҳтирослар, қадриятлар, баҳолар) мажмуидир. Сиёсий онгнинг мазмуни мавжуд баҳолашлар, муносабатлар ва тасдиқлар тизимидан иборатдир.

Сиёсат субъектлари - давлат ҳокимиятини амалга оширишда иштирок этувчи шахслар, ижтимоий гуруҳлар, табақалар, омма ва ташкилотлардир. Сиёсатнинг субъектлари сиёсий қоидалар, мақсадлар, қадриятли мўлжаллар, идеаллар ва ўзаро ишонч асосида давлат ҳокимиятидан фойдаланиш ҳамда уни тақсимлаш юзасидан сиёсий муносабатларига киришади.

Сиёсий психология -кишиларнинг кечинма, сезги, ҳиссиётларига асосланган ҳолда сиёсий воқеликни баҳолаш бўлиб, субъектларнинг сиёсий ҳаётдаги иштирокида инъикос этади.

3-савол. Сиёсатнинг функциялари ва хусусиятлари нималарда намоён бўлади?

Сиёсат қуйидаги функцияларни бажаради:

Рационализаторлик функцияси. Ушбу функциясига кўра сиёсат ижтимоий зиддият ва қарама-қаршиликларни тартибга солиш, олдини олиш ва уларни ҳал қилишга хизмат қилади.

Бошқарув ва регулятив (тартибга солиш) функцияси. Сиёсат нафақат жамиятдаги турли гуруҳларнинг эҳтиёж ва манфаатларини ифода этади, балки сиёсий қарорлар қабул қилиш йўли билан уларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлашга қаратилади. Баъзи ҳолларда сиёсат ижтимоий мажбурлаш ва зўравонликдан фойдаланиб ижтимоий жараёнларни бошқаради ва йўналтиради.

Гуманитар функция шахс ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашда, ижтимоий тартибни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашда намоён бўлади.

Ижтимоийлашув (социализация) функцияси. Сиёсат гуруҳ ва индивидуал манфаатларни амалга оширишга кенг имкониятлар очади, шахсни ижтимоий муносабатларга жалб қилади.

Сафарбарлик функцияси. Сиёсат умумижтимоий фаолиятнинг самарасини таъминлаш механизмларини яратади, индивидуал манфаатларини қондириш учун, ҳокимият орқали ижтимоий мавқени ўзгартириш учун самарали имкониятлар тақлиф қилади.

Жамият барқарорлиги ва бутунлигини таъминлаш функцияси. Сиёсат истиқбол дастурларини ишлаб чиқади, ижтимоий йўналишларни белгилаб олади ва уларни амалга ошириш учун керакли ресурсларни аниқлайди.

Сиёсатнинг ўзига хос хусусиятлари:

- хусусий ва умумий, шахс ва ижтимоий бирликлар (гуруҳ, жамият, миллат) манфаатлари алоқадорлигини ҳисобга олган ҳолда, уларни мувофиқлаштиришга эришиш;

- сиёсат бутун жамият учун умумий бўлган муаммоларни ҳал қилишга хизмат қилувчи ижтимоий институт - давлатнинг мавжуд бўлиши ва фаолият кўрсатиши;

- кенг омманинг манфаатлари ва фаолияти ўртасидаги боғлиқликни таъминлаш;

- сиёсий фаолиятнинг шартлари ва тартибини ҳисобга олувчи, соғлом фикрлашни тарғиб қилувчи мақсадга йўналтирилган фаолликни ифодалаш.

4-савол. Сиёсатшуносликнинг объекти, предмети, услублари ҳамда функциялари нималардан иборат?

Сиёсат, жамият ҳаётининг сиёсий соҳаси “Сиёсатшунослик”нинг **объекти** ҳисобланади. Ўз навбатида, ушбу объект қуйидаги даражаларда намоён бўлади:

- сиёсий тизимларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва ўзаро алмашинувининг умумий қонуниятлари, тушунчалари ва категориялари;

- реал сиёсий жараёнлар, сиёсий фаолият назарияси услубиётини ишлаб чиқиш;

- сиёсий институтлар, вазиятлар, субъектлар ва сиёсат объектларининг тадқиқоти.

Сиёсатшуносликнинг *предметини* сиёсий ҳокимиятнинг ўрнатилиши ва унинг фаолияти қонуниятлари ташкил этади.

Сиёсатшуносликнинг *асосий услублари* қуйидагилардир:

- тарихийлик;
- мантиқийлик;

- тизимлилик;
- тузилмавий-функционал;
- ахлоқийлик;
- қиёсий;
- социологик;
- меъёрий;
- институционал;
- синергетик.

Сиёсатшунослик фанининг қуйидаги **функциялари** мавжуд:

- назарий билиш функцияси - сиёсат ва унинг жамиятдаги ўрни тўғрисидаги билимларни шакллантиради;
- дунёқарашлик функцияси - сиёсий воқеликка нисбатан муайян қарашларни ишлаб чиқади;
- методологик функция - сиёсатшунослик фанининг хулосалари бошқа ихтисослашган назариялар учун асос бўлиб хизмат қилади;
- регулятив (тартибга солиш) функцияси - сиёсий амалиётларга тўғридан - тўғри таъсир қилиш йўли билан сиёсий билимларга эга бўлишни англатади;
- башорат қилиш (прогностик) функцияси - башорат қилиш йўли билан сиёсий ҳодисаларнинг ривожланиш тамойилларини аниқлайди;
- баҳоловчи (аксиологик) функцияси - воқеаларни аниқ баҳолашга қаратилган.

5 - савол. Сиёсатшунослик қандай услублар асосида ривожланади?

Сиёсатшунослик услуби - сиёсат тўғрисидаги билимларни эгаллашнинг восита ва йўллари дир. Сиёсатшуносликда ижтимоий ҳодисаларнинг ўрганишнинг анъанавий назарий ёки эмпирик (тажриба йўли билан олинадиган) услублари қўлланилади.

Қуйидагилар **назарий билиш** услублари ҳисобланади:

Диалектик услуб. Сиёсий воқеа, ҳодисаларни улардаги доимий сифат ўзгариши нуқтаи назаридан, сиёсий жараёнларнинг зиддиятли кечиши ҳамда сиёсий ҳаётнинг қисм ва бўлаклари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда ўрганилишини англатади.

Тизимли услуб. Сиёсат ташқи муҳит (табиат, иқтисодиёт, маданият, инсонлар психологияси) билан боғлиқ омилларнинг ўзаро таъсири натижасида шаклланадиган яхлитлик сифатида ўрганилади.

Формаллаштириш услуби. Турли сиёсий ҳодисалар ва сиёсий тизимларни умумий ва фарқ қилувчи жиҳатларини аниқлаш мақсадида қиёслаш, сиёсий

ҳаётдаги алоқадорлик ва интилишларнинг хилма-хиллигини кўрсатиб бериш имкониятини беради.

Эмпирик билиш усуллари – яъни, аниқ сиёсий ҳодисалар тўғрисида янги билим олишнинг восита ва усулларига қуйидагилар киради:

Таъриф бериш (баён этиш). Сиёсий ҳаётдаги ҳодиса ва жараёнларни муайян тушунчалар ва атамаларда ифодалаш.

Анкеталаштириш (суҳбатлар, интервью, сўровлар). Ижтимоий фикрнинг ҳолати ва сиёсий жараён иштирокчиларининг позицияларини аниқлаш учун хизмат қилади.

Статистик усуллар. Бу усуллар ёрдамида объектнинг ҳар хил томонлари ва ҳолатларини акс эттирувчи турли эмпирик маълумотларнинг тизимлашган йиғиндиси аниқланади.

Сиёсий маълумотларни йиғиш ва умумлаштиришнинг **математик усуллари**. Сиёсий жараёнларни моделлаштириш ўрганилаётган объектларнинг сифатларини акс эттирувчи “чизмалар” схематик образларни тузиш учун имконият яратади.

Семиотика усуллари. Бу усуллар сиёсатни ўрганишда яхши самара беради, чунки сиёсат ўзининг кўп кўринишларида (жараёнлар, анъаналар, маросимлар, сиёсий ҳужжатлар) белгили тизим, шартли маънога эга предмет ва ҳаракатлардан ташкил топган рамзий тизим сифатида намоён бўлади.

Герменевтика усуллари. Уларнинг мақсади, нафақат сиёсий ҳодисалар мавжудлигининг объектив жиҳатларини аниқлаш, балки бу ҳодисалар сиёсатда мавжуд бўлган субъектлар учун қандай маъно касб этишини ҳам тадқиқ этишдан иборатдир.

6-савол. Сиёсатшуносликнинг асосий ривожланиш босқичларини санаб беринг?

Тарихан сиёсатшунослик бир нечта асосий ривожланиш босқичларини босиб ўтган:

Қадимги шарқ сиёсий тафаккури (Миср, Эрон, Хитой, Бобил). Бу босқич сиёсий қарашларнинг мифологик шакллари билан характерланиб, уларда ҳокимиятнинг илоҳий моҳиятга эга эканлиги ҳақидаги қарашлар устувор бўлган;

Қадимги Юнонистон ва Римнинг сиёсий тафаккури. Давлат тузилиши таҳлил қилиниб, унинг шакллари таснифланган ва бошқаришнинг идеал шакллари аниқланган.

Ўрта асрлар сиёсий ғоялари. Сиёсий ҳокимиятнинг теологик (илоҳиётга асосланган) назарияси устун бўлган;

Уйғониш ва маърифатпарварлик даврлари. Сиёсий ғоялар илоҳиётдан озод бўлиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, давлат фаолиятининг қонунлари таҳлил қилинган;

Янги давр сиёсий қараишлари. Ҳокимият мафкураларининг шаклланиши юз бериб, ҳокимият бўлинишининг зарурлиги асосланиб берилди. Ҳуқуқий давлат ғояси шаклланди, давлат демократияси механизмлари ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига доир концепциялар шаклланди.

XIX асрда шакллана бошлаган **сиёсий социология** ҳам сиёсатшунослик ривожига муҳим босқич ҳисобланади. 1857 йилда Френсис Ливер АҚШнинг Колумбия университетида илк бор сиёсий фанлар кафедрасига асос солди, бу кафедра негизида 1880 йилда сиёсий фанлар мактаби яратилди. XIX асрнинг иккинчи ярмида сиёсатшунослик АҚШнинг, 70-йилларидан Европанинг кўпгина университетларида фан сифатида ўқитила бошланди.

7-савол. Сиёсий ҳаёт деганда нимани тушуниш керак?

"Сиёсий ҳаёт" тушунчаси фанга Дэвид Лейн томонидан киритилган бўлиб, сиёсатни борлиқнинг институционал ва хулқ-атворга оид (ингл. behavioral) томонларининг узилмас бирлигида кузатиш имкониятини яратади.

Сиёсий ҳаёт қуйидаги белгиларга эга:

- сиёсат ижтимоий-сиёсий институтлар, ташкилот ва тузилмаларга оид сиёсий муносабатлар ҳамкорлигининг соҳаси ва натижаси сифатида, ҳамда сиёсий муносабатлар субъектлари фаолиятлари тарзида ҳам юзага чиқиши мумкин;

- сиёсий ҳаёт жамият манфаати ва жамоа бошқарувининг ҳаракат майдони (соҳаси) сифатида намоён бўлади. Давлат, партиялар, уюшмалар, ҳаракатлар ва бошқалар доимо куч ишлатувчи ижтимоий институтларнинг асосий қуроли бўлиб ҳокимият, мажбурлаш, таъсир ўтказиш имкониятларига хизмат қилади.

- сиёсатнинг фаол характери инсонларга унинг ёрдами билан ҳаётнинг иқтисодиёт, маданият, фан ва ахлоқ каби соҳаларига таъсир кўрсатиш имкониятини беради;

- сиёсий ҳаётга ҳар доим кенг омма вакиллари: синфлар, этник ва касб жамоалари жалб қилинган бўлиб, сиёсий ҳодисаларнинг йўналтирилганлиги, кўриниши ва самарадорлиги уларнинг фаоллигига боғлиқдир.

- шахс ва давлат ўртасидаги турли кўринишдаги боғлиқликлар сиёсий ҳаётнинг маркази, тугуни ҳисобланади.

8-савол. Сиёсий ҳаётга таъсир этувчи қандай ташқи омиллар мавжуд?

- сиёсий муаммоларни келтириб чиқарувчи ва уларни ҳал қилиш йўллари ҳамда имкониятларини танлашга таъсир кўрсатувчи табиий муҳит элементлари;
- жамиятда ҳукмрон бўлган иқтисодий муносабатлар;
- техника, технологиянинг ривожланиши (ҳарбий жиҳати), маълумот тарқалиш тезлигининг ошиши;
- сиёсий муносабатлар иштирокчиларининг объектив ҳолати (даромади, фаолият тури, таълим даражаси) ва уларнинг жамиятдаги ўз мавқелари тўғрисидаги тасаввурларини ўзида мужассамлаштирувчи жамият ижтимоий тузилишининг мақомига оид характеристикалари:
- этно-миллий бирлашмаларнинг характери;
- диний-конфессионал омил;
- мафкура;
- оммавий ахборот воситалари, улар томонидан тарқатиладиган ва талқин қилинадиган маълумотлар;
- жамоатчилик фикри;
- сиёсий ҳаётда иштирок қилувчиларнинг кайфияти, халқнинг менталитети, лидерлар характерининг хусусиятларида намоён бўлувчи жамиятнинг сиёсий психологияси.

9 - савол. Сиёсий хулқ-атвор нима?

Сиёсий хулқ-атвор тушунчаси сиёсий фаолиятни таҳлил қилишда муҳим аҳамият касб этади. У орқали сиёсий фаолиятнинг структураси, механизмлари, мақсадлари, уларга эришиш воситаларининг характерини англаб олиш, сиёсий фаолиятнинг турли кўринишларини алоҳида рўй берадиган ҳаракатлар, элементларни тизимга бирлаштириш имконияти пайдо бўлади.

Сиёсий хулқ-атворига қараб сиёсатнинг иштирокчилари қуйидаги категорияларга бўлинади:

Лидерлар - сиёсий ҳаракатга раҳбарлик қиладилар, ўзининг обрўси, таъсири билан унинг жипслашишига ва мўлжалланган мақсадларга етишишига кўмаклашади;

Фаоллар - лидерлар ва издошлар ўртасидаги воситачилар бўлиб, ҳаракат қатнашчиларини ташкиллаштирадилар, лидерларга қўлга киритилган натижалар ва қийинчиликлар борасида ахборот бериб борадилар, омманинг стратегик ва тактик хулқ-атворига муҳим ўзгартиришлар киритиб турадилар;

Издошлар - уларнинг хулқ-атвори, ташкилотлардаги иштироки ва фаоллиги

турли даражадалиги билан характерланади;

Фикр лидерлари - ўзларининг интеллектуал фаолиятлари (масалан, публицистика) орқали муаммолар атрофида эмоционал ва интеллектуал кучайиш "майдонларини" вужудга келтирадилар, иштирокчиларнинг хулқ-атвориغا таъсир ўтказмаган ҳолда муаммоларни умумий диққат марказига олиб чиқадиладар.

10-савол. Сиёсий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари қандай?

Сиёсий фаолият - ҳокимият вазифасини бажарувчи индивид ва гуруҳларнинг ўзаро ташкиллаштирилган фаолияти бўлиб, унинг қуйидаги характерли жиҳатлари мавжуд:

- саъй-ҳаракатларнинг умумий муаммоларга ва ижтимоий яхлитликни сақлаш учун йўналтирилгани;
- давлат ва сиёсий институтларнинг бу муаммоларни ҳал қилувчи асосий ташкилотлар сифатида намоён бўлиши;
- сиёсий ҳокимиятдан қўйилган мақсадларга эришишнинг асосий воситаси сифатида фойдаланиш.

Сиёсий фаолиятда асосан қуйидаги ҳолатлар кузатилади:

Сиёсий бегоналашув- инсон саъй-ҳаракатларининг сиёсий ҳаётдан узоқлашиш ва унга зид равишда марказлашиши шароитидаги инсон ва сиёсий ҳокимият ўртасидаги муносабатларнинг ҳолатидир. Бегоналашиш соҳасида сиёсат реал муаммолар ва инсон эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлмаган, балки сиёсий ҳокимият билан ихтиёрсиз мулоқот тарзида кўрилади. Бунда ҳокимият билан мажбуриятлар, солиқлар ва божлар тизими орқали соф мажбурловчи мулоқат йўлга қўйилади.

Сиёсий пассивлик - сиёсий фаолият тури бўлиб, бунда субъект (ижтимоий гуруҳ, индивид) ўз манфаатларини амалга оширмайди, балки бошқа ижтимоий гуруҳнинг сиёсий таъсири остида бўлади. *Пассивлик* - бу ўзига хос фаолият юритиш ва сиёсат кўриниши бўлиб, бунда ижтимоий гуруҳ ўзининг эмас, балки бошқа унга хос бўлмаган сиёсий манфаатларни ҳимоя қилади. *Конформизм*-сиёсий пассивлик тури бўлиб, бунда ижтимоий гуруҳ томонидан унинг ҳаётий манфаатларига мос келмайдиган сиёсий тизим қадриятлари қабул қилинади.

Индивид ёки ижтимоий гуруҳ *сиёсий фаоллигининг кўрсаткичи* ўз манфаатларини амалга ошириш йўлида сиёсий ҳокимиятга таъсир этиш ёки ундан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш ҳисобланади.

Сиёсий фаолликнинг қамрови муаммонинг ўзига хос жиҳатлари, уни юзага чиқарган сабаблар, ечимига йўналтирилган масалаларнинг вужудга келиш вақтлари, шунингдек иштирокчилар таркибига боғлиқ равишда ўзгариб туради.

11-савол. Сиёсий фаолликнинг асосий белгилари қандай?

- фуқароларнинг ноанъанавий сиёсий фаоллиги ва иштироки кўринишларида фаолият юритишга интилишлари, қатъий рўйхатга олинган сиёсий партиялар ўрнига аниқ ифода этилмаган ташкилий тузилмага эга сиёсий оқимларга кўпроқ эътибор берилади;
- фуқаролар одатда муаммонинг ечими эмас, балки унинг атрофида бирлашадилар;
- сиёсатга қизиқувчи фуқаролар сони ортади, лекин бир вақтнинг ўзида партиялар сони қисқаради;
- тобора кўпроқ кишилар мустақил сиёсийлашувга мойил бўладилар, яъни сиёсатдаги иштирокларини у ёки бу амалдаги кучга, тузилмага алоқадорликда ифода этмасдан, балки мустақил ҳаракат қиладилар.

12-савол. Сиёсий тараққиёт нима?

Сиёсий тараққиёт сиёсий муносабатлар ривожининг мукаммаллик сари йўналиши, сиёсий тизимда турли ижтимоий манфаатлар тобора максимал акс этиб боришидир.

Сиёсий тараққиётнинг мезонлари:

- сиёсий муносабатларнинг тузилмавий хилма-хиллик даражаси, функцияларининг турличалиги. Давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига ажратилганлиги ҳам сиёсий ривожланишнинг белгиси ҳисобланади;
- сиёсий фаолиятнинг муайян тараққиёти натижасида унга бўлган ташқи таъсирлар ички ҳолатда ўз аксини топади;
- сиёсий муносабатлар тизими доирасида аниқ ва холис баҳолашга қодир компонент ёки органнинг мавжуд бўлиши. Бу ролни ижтимоий фикр, эркин матбуот ва эркин ноҳукумат ташкилотлари бажаради;
- сиёсий соҳада режалаштириш ва бошқаришда билим, сиёсий функцияларни амалга оширишда эса илмийликнинг ошиб бориши;
- сиёсий онгнинг аста-секин афсонавий қарашлар ва мистик рамзлардан, сиёсий воқеликни диний талқин қилишдан озод бўлиши.

13-савол. Сиёсий иштирок деганда нима тушунилади?

"Сиёсий иштирок" атамаси бевосита ҳокимият ёки давлат аппарати фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, аммо унинг ишига таъсир ўтказишга интиладиган сиёсий фаол шахслар фаолиятининг турли хил шакллари ифода этиш учун ишлатилади

Сиёсий иштирок қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

- Бошқа кишилар ва институтлар томонидан вужудга келувчи ташқи таъсирларга кишиларнинг жавоби тариқасида амалга оширилувчи фаолиятлари;
- Ваколатларнинг берилиши билан боғлиқ бўлган турли сайлов ва сиёсий кампанияларда иштирок этиш;
- Сиёсий ташкилотлар, ҳаракатлар ва партияларда фаолият юритиш;
- Давлат органлари миқёсида сиёсий мажбуриятларнинг бажарилиши, жамиятга унинг функцияларини амалга оширишда ёрдам бериш, жамоатнинг сиёсий институтлар фаолиятини назорат қилиш ишларига жалб этилиши;
- Сиёсий йиғинларда қатнашиш, сиёсий ахборотни қабул қилиш ва етказиш, сиёсий мунозараларда иштирок этиш;
- Митинг, намойиш ёки бойкот каби сиёсий фаолият турлари орқали сиёсий институтлар фаолияти ва ўзгаришига тўғридан-тўғри таъсир этиш;
- Мурожаат, хатлар, сиёсий лидерлар, давлат, сиёсий ташкилот ва ҳаракатлар вакиллари билан учрашувлар орқали сиёсий жараёнларнинг боришига таъсир кўрсатиш.

14-савол. Сиёсий ҳокимиятнинг мазмуни нималарда намоён бўлади?

Ҳокимиятнинг моҳияти унинг кишилар орасидаги муносабатларга маъбуллик, маъқуллик ва тартиб бахш этишидир. Ҳокимият ижтимоий муносабатларни ишонтириш, рағбат, зўравонлик, мажбурлаш, қўрқитиш каби воситалар орқали тартибга солади.

Ҳокимиятнинг қуйидаги турлари мавжуд: сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд, ахборот, ҳарбий, яширин ва бошқалар. Унинг асосий кўринишларидан бири сиёсий ҳокимиятдир. Сабаби, у жамият ва давлат ҳаётини қамраб олади, йўналтиради ва бошқаради, бошқа ҳокимият турлари устидан ҳукмронлик вазифасини бажаради.

Сиёсий ҳокимият бу ўз хоҳиш-иродасини амалга ошириш, инсонларнинг фаолияти, хулқ-атворида обрў-эътибор, ҳуқуқ ва зўрлаш йўли билан ҳал қилувчи таъсир ўтказиш қудрати ва имкониятининг борлигидир.

Сиёсий ҳокимият объектив характерга эга. Ҳокимиятсиз жамиятда тартибсизлик вужудга келиши сабабли, сиёсий ҳокимиятнинг вазифаси жамият ва давлат ҳаёти жараёнини бошқариш ва тартибга солишдир.

Ҳокимиятнинг манбалари сифатида қуйидагилар ажратиб кўрсатилади:

Куч;

Бойлик;

Ижтимоий мавқе;
Ташкиллашганлик;
Билим ва ахборот.

Шунингдек ҳокимиятнинг манбалари сифатида анъаналар, демократик кадриятлар (рационал-ҳуқуқий манбалар) ва табиий истеъдод (харизма) бўлиши мумкин.

Сиёсий амалиётда энг юқори ҳокимиятга, одатда, турли манбаларни ишлатиб етишилади. Улар орасида демократик тамойиллар муҳим аҳамият касб этади.

Ҳокимиятнинг белгилари:

- Ҳукмронлик иродасининг устунлиги;
- Бошқаришнинг ўзига хос аппарати мавжудлиги;
- Жамият ҳаётини қатъий белгилашда (регламентация) монополлик қилиш;
- Жамият ва шахсга нисбатан мажбурлаш ҳуқуқи;
- Легитимлик;
- Суверенитет;

15-савол. Сиёсий ҳокимиятнинг легитимлиги қандай амалга ошади?

Легитимлик латинча “*legitimus*”-қонуний сўздан олинган. Легитимлик - ҳокимият ва унга бўйсунувчилар ўзаро муносабатларининг сифат ҳолати бўлиб, бунда ҳокимиятнинг кадрияти ва унинг бошқариш ҳуқуқи ихтиёрий равишда тан олинади. Легитимлик ҳокимиятнинг мавжуд институтларни шакллантириш ва уларнинг оптималлигини таъминлай олишига бўлган ишончни қўллаб-қувватлаш қобилиятига эга эканлиги билан характерланади.

Ҳокимиятнинг *легитимлиги* ва *қонунийлиги* бир-биридан фарқ қилувчи тушунчалардир. Агар *қонунийлик* ҳокимиятнинг юридик асосланганлиги ва унинг ҳуқуқий меъёрларга мос келишини билдирса (юридик характеристика), *легитимлик* ҳокимиятга бўлган ишонч ва унинг оқланишини англатади (ахлоқий характеристика). Қонун чиқарувчи ва унинг ижросини таъминловчи ҳар қандай ҳокимият, гарчанд, у жуда оммавий бўлмаса ҳам, легитим ҳисобланади. Шу билан бирга, у нолегитим бўлиши ва халқ томонидан қабул қилинмаслиги ҳам мумкин.

Ҳокимият легитимлигининг турлари қуйидагилар:

Анъанавий. Бу тур ҳокимиятга бўйсунуш анъанаси, одати ва ўрнатилган тартибнинг мустаҳкамлигига ишонч асосида қурилган. Ўз навбатида анъанавий ҳокимиятнинг тўрт тури фарқланади:

1. Патриархализм - ҳукмдорларнинг анъаналарга батамом боғлиқ бўлиши. Бу

анъанавий ҳокимиятнинг «соф» тури бўлиб, у уруғдошлик муносабатларига хосдир.

2. Патримониализм - ҳукмдорларнинг анъаналардан маълум бир жиҳатдангина озодлиги. Бу турдаги ҳокимият фақат забт этилган ҳудудларни бошқариш учун армия ва бошқарув аппаратига талаб юзага келганда пайдо бўлади.

3. Султонизм - патримониализмнинг бир кўриниши бўлиб, шарқ мамлакатларига хосдир. Ҳокимият мерос бўйича берилади, ҳукмдор эса деярли патриархал анъаналардан озод бўлади. Аммо, амалда бу ҳол кўпинча мутлақ ҳукмронликка олиб боради.

4. Феодализм - султонизмдан мансабдор шахсларнинг маҳаллий зодагонлардан тайинланиши билан фарқланади. Улар одатда бошқарув вазифаларини бажариш эвазига маошга эҳтиёж сезмайдилар.

Харизматик (юнонча "charisma"-худонинг марҳамати, илоҳий инъом) **ҳокимият.** Ҳокимият дохийнинг буюклиги ва ўзига хос фазилатларга эга эканлигига ишончга асосланади. Агар лидер ўзидан кейин васийини тайинламаса, кўп ҳолларда издошлари ўртасида ҳокимиятни мерос қилиб олиш ҳукуқи учун курашга ва уларнинг жамиятга таъсирларини йўқотишга олиб келадиган инқироз юзага келади.

Легал (қонуний) ҳокимият. Бунда ҳокимият тақсимооти ҳокимият вакилларининг демократик тарзда сайланишини ва фаолият юритишини таъминлайдиган қонунларга асосланади. Бу ҳокимият турининг энг ривожланган шакли рационал давлат бўлиб, унда ҳокимиятга оид муносабатлар ҳуқуқ меъёрлари билан чегараланади. Бундай давлат шаклининг асосий ҳуқуқий ҳужжати аниқ ижтимоий хулқ-атвор қоидалари ўрнатилган, барча фуқаролар, шунингдек, сиёсий раҳбарлар учун ҳам амал қилиниши мажбурий бўлган конституция ҳисобланади. Рационал давлатда қонунлар сиёсатчилар томонидан қабул қилиниб, ижроси давлатнинг мутасадди вакиллари томонидан амалга оширилади.

16-савол. Сиёсий ҳокимиятнинг қандай ресурслари мавжуд?

Ҳокимият ресурслари деб, ҳокимият субъектининг ўз мақсадларига мувофиқ ҳокимият объектига нисбатан таъсир ўтказишида ишлатадиган восита ва услубларнинг йиғиндисига айтилади.

Жамият ривожланиб боргани сари ресурслар ҳам ўзгариб борган. Ибтидоий жамиятларда ҳокимият фақат ҳукмдор авторитетига (лашкарбоши, сардор) таянган. Инсонлар ўртасидаги муносабатлар характерининг ўзгариши,

муносабатларни қон-қариндошчиликдан мулкый муносабатларга ўтиши бойлик ва кучнинг ҳам ҳокимиятнинг асосий ресурслари қаторига қўшилишига сабаб бўлди.

Индустриал жамиятларда ҳокимиятдаги устувор ресурс тўрачилик бюрократияси, партия, ижтимоий ҳаракатлар каби ташкилотлар билан боғлиқ бўлди. Замонавий жамиятда ахборотга эга бўлиш, бошқа ресурслар билан бир қаторда, ҳокимиятни юритишнинг энг муҳим механизми, воситасига айланиб бормокда. Чунки, бугунги кунда зарур ахборотларнинг етишмаслиги кўрқув, ноқулайлик ва бўйсунуш мажбурияти каби ҳиссиётларини юзага келтирмоқда.

Ҳокимият ресурсларининг турлари:

* *иқтисодий ресурслар*: моддий қадриятлар, пул, ҳосилдор ерлар, фойдали қазилмалар;

* *куч ишлатиш ресурслари*: қурол, жисмоний мажбурлаш аппарати;

* *ижтимоий ресурслар*: ҳокимият қўллайдиган турли хил имтиёзлар, кадрлар сиёсати;

* *ахборот ресурслари*: оммавий ахборот воситалари, ўқув муассасалари орқали тарқатиладиган билим ва информация;

* *сиёсий-ҳуқуқий ресурслар*: конституция, қонунлар, сиёсий партияларнинг дастурий ҳужжатлари;

* *демографик ресурслар*: барча ресурсларни яратувчи универсал ресурс - инсон.

17-савол. Сиёсий ҳокимиятнинг тузилиши, шакли ва функциялари.

1. Ҳокимият структураси:

Ҳокимият манбалари –авторитет, куч, маъқе, қонун, бойлик, билим, сир-ахборот, манфаат;

Ҳокимият субъектлари –давлат ва унинг институтлари, сиёсий элита ва лидерлар, сиёсий партиялар;

Ҳокимият объектлари –шахс, ижтимоий гуруҳ, синф, жамият;

Ҳокимият функциялари -Ҳуқмронлик ва назорат қилиш, бошқариш, тартибга солиш, мувофиқлаштириш, ташкиллаштириш, сафарбар этиш;

Ҳокимият ресурслари -мажбурлаш, куч ишлатиш, ишонтириш, рағбатлантириш, ҳуқуқ, анъаналар, қўрқитиш, моддий қадриятлар.

2. Ҳокимиятнинг вазифалари:

- * жамиятни бошқариш бўйича стратегия ишлаб чиқиш;
- * жамият тараққиётининг асосий йўналишлари бўйича аниқ қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;
- * ижтимоий жараёнларни тезкорлик билан бошқариш ва тартибга солиш;
- * жамият барқарорлигининг муҳим кўрсаткичларини ва йўналишларини назорат қилиш;

3. Сиёсий ҳокимият шакллари:

- * демократик
- * авторитар
- * тоталитар

Ҳокимиятни амалга оширишнинг характери ва меъёри:

- * барчага тааллуқли, умумий назорат ва куч ишлатиш;
- * назорат қилиш имкони бўлмаган анклавлар;
- * ҳокимият қонунга мувофиқ ҳолда сайланган фуқаролар вакиллари томонидан амалга оширилади;

Инсонларнинг ҳокимиятга нисбатан муносабатлари:

- * ҳокимият билан қўшилиб кетиши;
- * оддий фуқароларнинг ҳокимиятдан узоқлаштирилиши;
- * ҳокимиятнинг аниқ ташувчиларини (амалга оширувчиларини) танлаш;

Ҳокимият таъқиқлари характери:

- * фақат ҳокимият буюрган нарсаларга рухсат берилиб, қолган барчасининг таъқиқланиши;
- * сиёсатга тааллуқли бўлмаган нарсаларгагина рухсат берилиши;
- * қонун томонидан таъқиқланмаган ва жамият ахлоқ меъёрлари ва манфаатларига зид келмайдиган барча нарсаларга рухсат берилиши.

18-савол. Ҳозирги даврда сиёсий ҳокимият ривожланишида қандай янги тенденциялар кузатилмоқда?

Сўнгги йилларда турли давлатлар ва умуман бутун дунёда сиёсий ҳокимият ривожланишида янги тенденциялар кўзга ташланмоқда. Уларга қуйидагилар мисол бўла олади:

Демократиялашув. Бунга биноан авторитар ва тоталитар ҳокимият шаклларида демократик тузумга ўтилмоқда. Демократия тамойилларининг кучайиши ҳокимият муносабатларига ижтимоий ҳаракатлар ва носиёсий

бирлашмалар таъсирининг ошишида, тузумдан холис бўлган тоталитар давлатларда фуқаролик жамиятининг барпо бўлиши ва ривожланишида намоён бўлади.

Байналмилаллашув тенденциясига кўра глобал муаммоларнинг алоҳида давлатларнинг конкрет сиёсий ҳокимиятига, қонунчилигига таъсири ортиб бормоқда.

Сиёсий ҳокимиятнинг бўлиниши тенденцияси ҳокимият тақсимланиши тизимининг сиёсий ҳокимият фаолиятидаги муҳим босқичига айланиб бораётганини билдиради.

Айрим давлатларда ҳокимиятнинг тармоқлари ўртасидаги негатив характердаги **низолар кучайиши** тенденцияси иқтисодий ва сиёсий барқарорликка салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳокимият тузилмалари аппаратидаги **тўрачиликнинг (бюрократизация) кучайиб бориши**. Тўрачилик аниқ бошқарув вазифаларини амалга оширгани ҳолда, турли манфаатдор гуруҳлар ва алоҳида шахсларнинг ҳам таъсирига учрамоқда.

19-савол. Сиёсий элита нима?

«Элита» сўзи француз тилидаги «elite» сўздан олинган бўлиб, «сара, танланган» каби маъноларни билдиради.

Сиёсий элита - бу ҳокимият тузилмаларида раҳбарлик мавқеларини эгаллаган ва ҳокимиятдан фойдаланиш масалаларига боғлиқ бўлган муҳим қарорларни қабул қилишда бевосита иштирок этадиган имтиёзли гуруҳдир. Элиталар жамият ривожланишининг мақсад ва йўналишларини шакллантиради. Улар стратегик муҳим қарорлар қабул қилади, уларни амалга ошириш учун давлат ҳокимияти ресурсларидан фойдаланади.

Сиёсий элита вазифалари:

* **стратегик вазифаси** - бутун жамият, алоҳида синф ва табақаларнинг манфаатларини акс эттирадиган янги ғояларни ишлаб чиқиш орқали сиёсий дастурларни аниқлаш;

* **коммуникатив вазифаси** - турли ижтимоий гуруҳ ва табақалар эҳтиёж ва манфаатларини сиёсий дастурларда акс эттириш ҳамда уларни амалий ишлар билан ҳаётга тадбиқ қилишни кўзда тутиш;

* **ташкилотчилик вазифаси** - ишлаб чиқилган ғоявий дастурларни амалиётда тадбиқ этиш, сиёсий қарорларни ҳаётга жорий этиш;

* **интегратив вазифаси** - жамият барқарорлиги ва бирдамлигини, унинг

сиёсий ва иқтисодий тизими қатъийлигини мустаҳкамлаш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш ва ҳал этиш.

20-савол. Сиёсий лидерлар қандай касбий фазилатлар ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши зарур?

Лидерларнинг касбий фазилатлари уларнинг таҳлилий тафаккур тарзида, турли шароитларда тез ва аниқ мўлжаллар олиш қобилиятида, бировнинг фикрига асосли қайта фикр билдира олишда, сиёсий доноликда, жавобгарлик масъулиятида, сиёсий қарорлар қабул қилишда, касбий маҳоратда намоён бўлади. Шунингдек, одамларни ўзига жалб этиш қобилияти, нотиклик санъатига эга бўлиши, ҳазил-мутойиба ҳисси, ишонтира олиш ва ўзи ортидан одамларни эргаштира олиш маҳорати ва бошқа хислатлар ҳам лидерларнинг фазилатлари саналади.

Сиёсий лидерларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- Одамларга ёқа олиш ва уларнинг меҳрларини қозона олиш қобилияти.
- Сиёсий ирода, ўз қарорлари натижалари учун жавобгарликни ўз зиммасига олишга тайёрлик.
- Сиёсий сезгирлик, ўткир ақл ва зукколилик.
- Ташкилотчилик ва ширинсуҳанлик маҳорати.
- Аксарият ижтимоий гуруҳлар манфаатларига жавоб берадиган аниқ сиёсий дастурга эга бўлиш ва уни изчиллик ҳамда қатъийлик билан амалга ошириш йўлларини кўрсата олиш.

21-савол. Сиёсий лидерлар қандай функцияларни бажаради?

Лидернинг функцияси унинг фаолиятининг асосий йўналишидир. Функцияларнинг сони қуйидаги омилларга боғлиқ:

- Жамиятда устувор бўлган маданий тизим.
- Сиёсий тартибот.
- Фуқаролик жамиятининг ривожланганлик даражаси.
- Аҳолининг турмуш даражаси.

Шуларга боғлиқ равишда лидерлар қуйидаги функцияларни бажаради:

Интегратив функция. Лидернинг вазифаси турли манфаатлар гуруҳларини ягона мафкура, умумий кадриятлар ва идеаллар асосида мувофиқлаштириш ва бирлаштиришдан иборат бўлади.

Ориентацион функция. Жаҳон ривожланиш тенденцияларини ва жамият турли гуруҳларининг талабларини инобатга оладиган сиёсий курсни ишлаб чиқиш

орқали лидер томонидан ижтимоий манфаатларнинг уйғунлиги ва бутунлигига эришилади.

Инструменталистик функция. Сиёсий лидер сиёсий қарорлар қабул қилиш ва уларни ресурслар билан таъминлаш орқали ўз дастурини амалга ошириш механизмини таклиф этади.

Сафарбарлик функцияси. Бу функция лидер жамиятда туб ислохотларни амалга ошираётган пайтда муҳим аҳамият касб этади. Аҳолини сафарбар этиш – бу халқ иштиёқини лидерга нисбатан бўлган меҳр ва ҳурмат ҳамда иқтисодий рағбат яратиш воситасида жамият олдида турган устувор вазифаларни амалга оширишга йўналтиришдир.

Сиёсий тартиботни **легитимлаштириш функцияси.** Бу функцияни лидер тоталитар ва автолитар давлатларда амалга ошириши мумкин. Мазкур функция мавжуд сиёсий режимнинг қонунийлигини асослашга интилишда ва лидер шахсининг илоҳийлаштиришда намоён бўлади.

22-савол. Сиёсий лидерларнинг қандай турлари мавжуд?

Америкалик политолог Роберт Такер сиёсий лидерларнинг қуйидаги уч турини ажратади:

Консерваторлар. Консерваторларнинг позицияси жамиятни ўзгаришларсиз сақлаб қолишга интилишда намоён бўлади. Уларнинг дастури ва фаолияти жамиятни замонавий кўринишда сақлаб қолиш заруриятини асослашга йўналтирилган бўлади.

Ислохотчилар (реформаторлар). Бундай лидерлар ҳокимият тузилмаларини кенг миқёсдаги ислохотлар ўтказиш орқали жамият тузилишини кескин ўзгартиришга ҳаракат қиладилар.

Инқилобчилар. Улар ўз олдиларига мавжуд тузумни моҳият эътибори билан ўзгартириш ҳамда бошқасига тез, сакраш тарзида (одатда, қуролли куч ишлатиш йўли билан) ўтишни мақсад қиладилар.

Ўз навбатида лидерликнинг яна уч турини ажратиш мумкин:

Анъанавий лидерлик. Лидерликнинг бу тури анъаналар, одатлар ва маросимлар (ритуаллар) механизмига таянади. Бўйсунуш одати анъаналарнинг муқаддаслиги ва ҳокимиятнинг мерос бўйича ўтиши ишончига асосланади. Лидерликнинг бу тури сардорлар, оқсоқоллар, монархлар бошқарувини назарда тутди.

Харизматик лидерлик. Халқнинг доҳий-ҳокимнинг, пайғамбарнинг, ҳарбий саркарданинг ғайритабиий қобилиятига бўлган ишончига таянади. Харизма - бу

одамларни ҳокимият воситаларисиз ўз орқасидан эргаштира олишдир.

Рационал - қонуний лидерлик лидер сайлаш, унга ҳокимиятни бошқариш ҳуқуқларини бериш тартибининг қонунийлиги ва тўғрилиги ҳақидаги фикрларга таянади. Бундай лидерлар сиёсий ҳокимиятни умумий сайлов орқали қўлга киритадилар.

23-савол. Дунёда лидерлик ривожланишининг қандай янги тенденциялари кузатилмоқда?

Бугунги кунга келиб, дунёда лидерлик ривожланишининг бир қанча янги тенденциялари шаклланди:

- * Миллий даражалардаги лидерлар глобал муаммоларга эътиборсиз бўла олмайдилар. Шунинг учун, уларда ички сиёсатга умумжаҳон ва глобал жараённинг бир таркибий қисми сифатида қараш майли кучаймоқда.

- * Ноформал лидерларнинг роли ва таъсирининг ўсиши.

- * Лидерларнинг иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишда фаоллик даражаси кучаймоқда. Бу тенденциянинг ривожланиши сиёсий лидернинг фаоллиги билан боғлиқ равишда миллат фаровонлигининг ошишида намоён бўлмоқда.

- * Сиёсий қаҳрамон-лидерлар ва антиқаҳрамон-лидерлар пайдо бўлиш эҳтимоли камаймоқда.

- * Ҳокимиятлар тақсимланиши тизимининг мукаммаллаштирилиши ва фуқаролик жамияти чегараларини кенгайтириши ҳисобига сиёсий лидерлик ҳокимиятининг чегаралари қисқармоқда.

24-савол. Жамиятнинг сиёсий тизими ўзида нималарни ифода этади?

Жамиятнинг сиёсий тизими - бу ҳуқуқ ва бошқа ижтимоий меъёрлар асосидаги давлат органлари, сиёсий партиялар, ҳаракатлар, ижтимоий ташкилотлар каби тартибланган институтларнинг мажмуидир. Улар доирасида сиёсий ҳаёт ривожланади ва ҳокимият амалга оширилади.

«Сиёсий тизим» тушунчаси сиёсий жараёнларни қай ҳолда тартибга солинишини, сиёсий ҳокимиятнинг шаклланиши ва фаолият юритишини ифодалайди. Бу тушунча нодавлат даражасида давлат ва жамият, турли ижтимоий субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ифодалаш учун фойдаланилади.

Сиёсий институт ва тузилмаларнинг фаолияти, одамларнинг «бошқарувчи» ва «бошқарилувчи» ролини бажаришлари туфайли сиёсий тизим жамият ҳаётининг турли жабҳаларига таъсир кўрсатади.

Сиёсий тизим давлат ҳокимиятидан фойдаланиш, унда иштирок этиш ва

унинг учун курашиш асосида бойликларни ижтимоий бирликлар ўртасида тақсимлашни ва ишлаб чиқаришни тартибга солади.

Америкалик политолог Габриэль Алмонднинг эътироф этишича, сиёсий тизим жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий структураларини, тарихий анъаналари ва қадриятларини, маданий тараққиётининг моҳиятини ўз ичига олади.

Сиёсий тизим категорияси синфлар, ижтимоий гуруҳлар, миллатларнинг сиёсий манфаатларини тушунишга, бу манфаатларни акс эттирувчи сиёсий ҳодисаларнинг ўзаро алоқалари ва ўзаро боғлиқликларини аниқлаштиришга имкон беради.

25- савол. Сиёсий тизим қандай элементлардан ташкил топади?

Меъёрий тизим – жамиятнинг сиёсий ҳаётини тартибга солувчи ва белгиловчи сиёсий меъёрлар ва анъаналар;

Мафкуравий тизим - жамиятнинг сиёсий ҳаётидаги иштирокчиларнинг турли хил ўзига хос сиёсий қарашлар, фикрлар, тушунчалар ва ҳис-туйғулар йиғиндиси;

Институционал тизим – сиёсий ҳокимиятнинг фаолияти билан боғлиқ институтлар (ташкилотлар, бирлашмалар ва х.к.лар) йиғиндиси;

Коммуникатив тизим – синф, ижтимоий гуруҳ, миллат ва индивидлар орасида уларнинг ҳаётда маълум бир сиёсатни ўтказиш муносабати билан сиёсий ҳокимиятни ташкил этиш, амалга ошириш ва ривожлантириш борасидаги муносабатлар ва ўзаро таъсир шакллариининг йиғиндиси;

Маданий тизим – жамиятда кенг тарқалган, ўзига хос қарашлар мажмуаси, юқори мақсадлар, сиёсий ҳуқ-атворларни бирлаштирувчи сиёсий тизимнинг омиллари.

26- савол. Сиёсий тизим қандай функцияларни бажаради?

Сиёсий тизимнинг функциялари қуйидагилардир:

- Жамият ривожининг мақсад, вазифа ва йўллари аниқлаш;
- Жамиятда қабул қилинган мақсад ва дастурларни бажаришга қаратилган фаолиятларни такомиллаштириш;
- Моддий ва маънавий бойликларни тақсимлаш;
- Давлат ва ижтимоий бирлашмаларнинг турли хил манфаатларини мувофиқлаштириш;
- Одамлар ва гуруҳларнинг жамиятдаги ҳуқ-атвори ва ўзини тутишга оид қонун ва қоидаларни ишлаб чиқиш;

- Сиёсий онгни шакллантириш, жамият аъзоларини сиёсий иштирок ва фаолиятларга жалб қилиш;
- Сиёсий тизимнинг ички ва ташқи хавфсизлик ва барқарорлигини таъминлаш;
- Қонун ва қоидаларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш ва сиёсий меъёрларни бузувчи ҳаракатларнинг олдини олиш.

Бу функциялар барқарор ва шаклланган сиёсий тизим учун характерлидир. Агар сиёсий тизим ўтиш даврида бўлса, у ҳолда унинг учун бошқа функциялар характерли ҳисобланади. Бу функциялар асосан сиёсий инқирозларни олдини олишга қаратилган бўлади.

27-савол. Сиёсий тизимнинг қандай турлари мавжуд?

Сиёсий тизим ташқи муҳит билан ўзаро алоқадорлик хусусиятига кўра очик ва ёпиқ тизимларга бўлинади. Ёпиқ сиёсий тизим ташқи муҳит билан кам алоқада бўлади ва бошқа тизимларнинг унга таъсири деярли бўлмайди. Очик сиёсий тизим ташқи муҳит билан фаол алоқада бўлади ва бошқа тизимлар таъсирини ўзлаштириб олади.

Ҳукмрон тузуми бўйича сиёсий тизимлар тоталитар, авторитар ва демократик шаклларда мавжуд бўлади.

Тоталитар сиёсий тизим хусусиятлари:

- Шахснинг эркинлиги ва ҳуқуқлари сезиларли даражада чегараланади ёки инкор этилади, давлат жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кучли назорат ўрнатади;
- Шахсий ва жамоавий, индивидуал ва умумий қирраларининг ўчирилиши;
- Барча ижтимоий муносабатларда тенг кучли автоном сиёсий механизмларни синдирилиши;
- Деярли барча сиёсий масалаларда давлат механизмларидан тўла мустақил равишда индивидларнинг ташаббусини кескин тарзда чеклаш.

Авторитар сиёсий тизим хусусиятлари:

- Сиёсий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда куч воситалари ишлатилади;
- Фуқароларнинг сиёсий эркинликлари чегараланади;
- Бошқарув марказлаштирилади;
- Реал ҳокимият бир киши ёки тор ижтимоий гуруҳ доирасида амалга оширилади.

Демократик тизим хусусиятлари:

- Халқ ҳокимият манбаи бўлади;
- Фикрлар эркинлиги ва ҳокимиятга муҳолифатнинг мавжудлиги;
- Озчилик ҳуқуқларининг сиёсий жараёндаги кафолати;
- Давлат ишларида эркин қатнашиш кафолатининг мавжудлиги, инсон ҳуқуқларининг ҳурмат этилиши ва ҳавфсизлиги.

28-савол. Сиёсий тузум (режим) нимани англатади?

Замонавий политологияда “сиёсий тузум (режим)” (лот. Regimen – бошқарув) сиёсий тизимнинг амалга оширилиш услубини очиб берувчи категориялардан бири ҳисобланади.

Сиёсий тузум бу жамиятнинг сиёсий тизимини амалга ошириш усулидир. Унда мамлакат ҳаётининг характери, сиёсий эркинлик ҳамда ҳокимият органларининг ҳуқуқий меъёрларга нисбатан муносабатлари ифодаланади.

Сиёсий тузум тушунчаси Ғарбий Европа адабиётларида XIX ва XX асрларда тарқала бошлаган. У ҳозирда ҳам назарий баҳсларнинг объекти бўлиб келмоқда.

Сиёсий тузум белгилари қуйидаги ҳолатларга боғлиқ бўлади:

- сиёсий ҳокимиятнинг механизмини амалга оширишда халқнинг иштирок этиш даражаси;
- фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва давлат ҳуқуқлари ўртасидаги фарқ;
- шахснинг ҳуқуқ ва эркинлигининг кафолати;
- жамиятда ҳокимият механизмининг реал тарздаги фаолияти;
- сиёсий ҳокимиятнинг халқ билан бевосита фаолият кўрсатиш даражаси;
- оммавий ахборот воситаларининг мавқеи;
- нодавлат ташкилотларнинг жамиятда тутган ўрни;
- қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги муносабат;
- мансабдор шахслар ва оддий фуқаролар ҳуқуқларининг муносабати;
- сиёсий етакчиликнинг характери;
- сиёсий қарорларни қабул қилишда камчилик манфаатларининг акс этиш даражаси;
- сиёсий ҳокимиятни амалга оширишда маълум бир усулларнинг доминант кучга эга бўлиши;
- қонун устуворлиги;
- ҳокимият ва жамиятнинг ўзаро муносабатларидаги таъмоиллар;
- давлатнинг мажбурловчи кучларининг жамиятда тутган ўрни;

-плюрализм ва кўппартиявийлик;

-мансабдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортишнинг реал механизмлари мавжудлиги.

29-савол. Сиёсий ва давлат тузумлари нима? Сиёсий тузум нимани таъминлашга қаратилган бўлади ва у қандай ҳодисаларда ўз ифодасини топади?

Агар сиёсий тузум давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг умумий услубларини ифодаласа, давлат тузуми сиёсий ҳаётнинг жамиятда амалга оширишдаги шарт ва шароитларини, бошқача айтганда, жамиятдаги мавжуд сиёсий муҳитни ифодалайди. “Сиёсий тузум” “давлат тузуми” тушунчасидан кенгроқ мазмунга эга бўлиб, у нафақат давлат томонидан ҳокимиятни амалга ошириш усул ва воситаларини, айтиш мумкин, вақтда, бу вазифани партиялар, ижтимоий ҳаракатлар ва ташкилотлар томонидан ҳам бажарилишини англатади.

Сиёсий тузум қуйидагиларни таъминлашга қаратилган бўлади:

- сиёсий ҳокимиятнинг барқарорлиги;
- фуқароларнинг бошқаруви;
- сиёсий мақсадларга эришиш, ҳукмрон элиталарнинг манфаатларини ифодалаш;

Сиёсий тузум қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- ижтимоий сиёсий жараёнларнинг чуқурлашиш ва ривожланиш даражасида;
- бошқарувчи элиталарнинг тузилмасида;
- бюрократияга нисбатан муносабатларда;
- ижтимоий –сиёсий анъаналарнинг ривожланганлик даражасида;
- легитимлик даражасида.

30-савол. Демократик тузумнинг ўзига хос хусусиятлари қандай?

Демократия (юнон. “демос” – халқ, “кратос” – ҳокимият) халқ ҳокимиятидир. Демократия – халқ давлат ҳокимияти манбаи, деб тан олинган жамият сиёсий тизимининг амалга ошириш услубини англатади. Демократик тузум шароитида ижтимоий масалалар ва давлат ишларини ҳал этишда қатнашиш ва бошқариш учун фуқароларга кенг имкониятлар, ҳуқуқ ва эркинликлар берилади.

Демократик тузумнинг ўзига хос белгилари қуйидагилардан иборат:

-умумсайлов орқали тўғридан-тўғри, яширин сайлов билан давлат ва ўзини-ўзи бошқариш маҳаллий органларига вакил сайлаш;

- халқ номидан қонун чиқарувчи парламентнинг мавжудлиги;

-ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд каби тармоқларга

бўлинганлиги;

-кўппартиявийлик, конституция асосида давлат сиёсатини ёқлайдиган ва унга муқобил бўлган партияларнинг фаолият олиб бориши;

-камчилик овозини ҳурмат қилган ҳолда кўпчилик овозини қабул қилиш.

Демократик тузум қуйидаги шарт-шароитларнинг бўлишини тақозо этади:

- фуқаролар томонидан давлат ишларини назорат қилиш тизимининг мавжудлиги;

-ҳокимиятга эга бўлишда ортиқча имтиёзларга йўл қўйилмаслик;

- фуқароларнинг ўз вақтида тўлиқ сиёсий маълумотлар билан таъминлаш имкониятларининг мавжуд бўлиши;

- депутатларни чақириб олиш ва мансабдор шахслар алмашинуви жараёнининг содда ва тушунарли бўлиши;

-фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини кафолатлаш ва ҳокимият аъзоларини танқид қилиш ҳуқуқининг мавжудлиги.

Фуқаролар сиёсий ва ҳуқуқий масалаларда мустақил қарорлар чиқариш, давлат ҳокимиятининг уларнинг манфаатларига жавоб бермайдиган хатти-ҳаракатларига нисбатан қарши чиқа олиш ҳуқуқи ва шароитларига эга бўлганда демократик тузум самарали фаолият олиб боради.

31- савол. Демократия нима?

Демократия сиёсий тузумнинг энг мураккаб тури ҳисобланади. "Демократия" атамаси маъносининг ўзгариб бориши инсоният тарихини ўзида акс эттиради. Аввалига демократияга монарх ёки аристократлар бошқарувидан фарқли равишда, тўғридан-тўғри бошқарув шакли сифатида қаралган. Антик даврда демократия бошқарувнинг "энг ёмон" шакли сифатида кўриларди. Демократик режимлар узок давом этмай охлократия (тўда, оломон бошқаруви)га ўтиб кетарди.

Демократия концепцияси ривожда янги босқич буюк француз инқилобидан сўнг бошланди. Ўша даврдан бошлаб демократияга монархия ва элитани рад қилувчи, ижтимоий-сиёсий йўналиш мақсадларини шакллантирувчи ижтимоий фикр йўналиши сифатида қаралади.

32-савол. Ҳозирга кунга келиб, демократиянинг қандай назариялари ишлаб чиқилган?

1. Либерал демократия назарияси англосаксон қадриятларига асосланади.

Бунда демократия масъул ва компонент бошқарув сифатида кўрилади. Ҳокимият манбаи халқ бўлиб, у ўз хоҳиш иродасини ўзи эмас, балки вакиллари орқали ифода этади.

2. *Тўғридан-тўғри демократия назарияси.* Бу назария муаллифларидан француз файласуфи Жан Жак Руссо(1712-1778) вакиллик тамойилига қарши чиқади. Унинг фикрига кўра, демократия ўзининг ягона иродасини ифода эта оладиган халқнинг тўғридан-тўғри бошқарувидир. Бу назарияда бошқарувчилар ва бошқарилувчиларга бўлиниш йўқ. Йиғилишларда ифода этилган халқнинг умумий хоҳиш-иродаси ҳокимият фаолияти ва қонунлар ишлаб чиқишнинг асоси ҳисобланади.

3. *Плюралистик демократия назарияси.* Бу назария тарафдорлари ҳокимият фаолиятининг асоси бўлиб хизмат қилувчи ягона халқ иродаси мавжудлигини инкор этадилар. Уларнинг фикрича, умумий ирода бўлиши мумкин эмас, чунки одамлар ўз фаолиятларда умумий эмас, балки шахсий манфаатларидан келиб чиқади.

4. *Элитар демократия назарияси.* Мазкур назария намоёндаси XX асрнинг йирик иқтисодчиси ва социологи Озер Аллоис, И.Шумпетер фикрича, маълум муддатга сайланган бошқарувчи элита шу вақт давомида фаолият кўрсатишдан маҳрум бўлган кўпчиликнинг манфаатидан келиб чиққан ҳолда сиёсий вакилликнинг функцияларини қабул қилади ва алоҳида сиёсий кучлар халқ овозини олиш учун рақобат курашига киришиб, қарор қабул қилиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

5. *Социал демократия назарияси тарафдорлари индивидуал ва умумий ҳокимият вакилларида фарқли равишда, демократияни синфий бошқарув сифатида талқин этадилар.* Бунда демократик бошқарув талқинининг икки - ортодоксал ва реформистик йўналишларини ажратиш мумкин.

Ортодоксал талқинга кўра, фақат социал демократия халқ ҳокимиятини таъминлайди.

Социал реформаторлар демократияни маълум маънодаги мураса, турли ижтимоий кучларни келиштириш йўли, деб тушунадилар. Жамиятнинг мақсадлари шахснинг яшаш шароити ўзгариши билан ўзгариб боради. Сиёсий тузум сифатида демократия стратегик муаммоларни радикал йўл билан ҳал этишга зид келади, чунки демократия доимо манфаатларни мувофиқлаштиришга ва турли муқобил вариантларни ишлаб чиқишга ҳаракат қилади.

Демократия ҳокимият ва фуқаролар ўзаро муносабатларининг мураккаб тури

сифатида ўзгарувчан, шароитларга мослашувчан даражада шаклланган бўлиши керак.

33-савол. Авторитар тузум деганда нима тушунилади?

Авторитар (лот. "autoritas" - куч, ҳокимият) тузум - сиёсий тузум шакли бўлиб, унда сиёсий ҳокимият маълум бир синф, партия ёки элита томонидан амалга оширилиб, халқнинг иштирокини чегаралайди. Мазкур тузумнинг энг муҳим белгиси бошқарув ҳокимиятининг авторитар кўринишга киришидир.

Авторитар тузумнинг характерли жиҳатлари қуйидагилардир:

- Ҳокимиятнинг сиёсий лидер ёки маълум шахслар қўлида жамланиши;
- Жамият ҳаётига таъсир этувчи механизмларнинг давлат қўлида бўлиши;
- Алоҳида шахслар ҳамда ижтимоий - сиёсий ташкилотларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва сиёсий фаолиятларининг чекланиши;
- Фуқароларга давлат томонидан тақиқланмаган барча ишларга рухсат берилиши;
- Демократиянинг баъзи элементларини мавжудлиги.

Авторитар тузум, одатда маълум ижтимоий тузумда сиёсий кучларнинг тез қутблашаётган, ижтимоий – сиёсий муаммоларни демократик воситалар билан ҳал этиш имконияти йўқ бўлган ҳамда давомли иқтисодий ва сиёсий таназзуллар кузатилаётган давлатларда вужудга келади. XX асрнинг иккинчи ярмида авторитар тузумлар мустамлакачиликдан озод бўлган давлатларда вужудга келди.

34-савол. Тоталитар тузумнинг хусусиятлари нималардан иборат?

Тоталитар тузум - ҳар инсон ва бутун жамият ҳаётининг турли жиҳатлари устидан тўлиқ назорат ўрнатишга интилувчи тузумдир.

"Тоталитаризм" сўзи (лот. totalis) – “ялпи”, “тўлиқ” деган маънони англатади. Бу сиёсий тушунча итальян фашизми мафкурачиси Дж.Джентиле (1875-1994) томонидан XX аср бошида киритилган. 1925 йилда бу атама илк бор Италия парламентида фашистлар лидери Б.Муссолини (1883-1945) томонидан жаранглади. Тоталитар тузум Италияда, кейин СССРда, Гитлер Германиясида қарор топди (1933 й.).

Қуйидагилар тоталитар тузум белгилари ҳисобланади:

- Давлат ижтимоий ҳаётнинг барча жиҳатлари устидан ҳукмронликка интилади.
- Жамият аъзолари сиёсий ҳокимият ишидан мутлақо четлатилади. Сиёсий онгда ҳокимият ва халқнинг “бирлашуви, бирикуви” тўғрисида тушунча ҳосил

қилинади. Давлат иқтисодиёт, ОАВ, маданият ва ҳаттоки, кишилар шахсий ҳаёти устидан монопол равишда назорат қилади.

- Ижтимоий муносабатлар мутлақо ноҳуқуқий тарзда тартибга солинади. Бунда, “тўғридан-тўғри қонун билан рухсат этилган нарсаларнигина амалга ошириш мумкин” тамойилига асосланилади.

- Бошқарувнинг етакчи усули куч ишлатиш, мажбурлаш бўлади.

- Якка партия ҳокимияти тан олинади, муҳолифат инкор этилади.

- Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат формал кўринишига эга бўлади. Уларни амалга ошириш учун кафолатлар таъминланмайди.

- Иқтисодий асос сифатида давлатнинг йирик монопол шакллардаги мулкчилиги намоён бўлади.

- Ягона расмий мафкура мавжуд бўлади, плюрализмга деярли йўл қўйилмайди.

- Ҳокимият кучи диктатор ва унинг атрофида марказлашади.

- Репрессив давлат органлари фаолияти давлатни жамият томонидан бошқариш имкониятини йўқ қилади.

- Давлат ҳокимияти ҳукмрон куч хоҳишига кўра амалга оширилади. Демократиядан фарқли равишда кўпчиликнинг фикри инобатга олинмайди.

35-савол. Авторитар ва тоталитар тузумлар нимаси билан фарқ қилади?

Уларнинг фарқи қуйидагиларда намоён бўлади:

- Уларда тарихий мақсадни белгилаш турлича бўлади. Тоталитаризм ҳаёлий ғояларга таянади. Авторитар тузум эса инқилобий мақсадларни кўзламайди.

- Тоталитар тузумда умумий назорат ва куч ишлатиш йўлга қўйилса, авторитаризм давлат назоратида бўлмаган соҳаларнинг ҳам мавжудлигини англатади. Тоталитар тузумнинг бош тамойили - “тўғридан-тўғри қонун билан рухсат этилган нарсаларгагина рухсат”, сиёсатга алоқаси бўлмаган нарсаларни татбиқ этиш мумкин.

- Тоталитар тузумда рақибларга қарши тизимли равишда террор мавжуд, авторитар тузумда эса муҳолифат вужудга келишини олдини олиш мақсадида “танланган террор” амалга оширилади.

- Тоталитар тузумда ҳокимиятдан ҳамма нарсага қодирлик, фуқаролардан эса бўйсунуш ва соддалик талаб этилади. Авторитар тузумда эса ҳокимиятдан ваколатлилик, одамлардан эса бўйсунуш билан бирга касбий маҳорат, чегараланган миқдорда ташаббус ҳам талаб қилинади.

36–савол. Тоталитаризм ва диктатура бир-бирига қандай алоқадор?

Тоталитаризм XX асрда вужудга келган диктатуранинг ўзига хос кўринишидир. Диктатура (лот. "dictatura"—чексиз ҳокимият) бир шахс ёки лидер бошчилигидаги бир неча кишининг бошқарувини билдиради.

Диктатура анча қадимда вужудга келган ва бир неча шаклларда намоён бўлган. Аввалига Римда (эр.авв. V-I асрларда) "диктатор" деб ташқи хавф ёки ички исённи бостириш учун 6 ойдан кўп бўлмаган муддатга сайланувчи фавкулодда мансабдор шахс(магистрат)га айтилган. Диктатор ўзининг ҳукм юритиш вақтида маълум ҳуқуқлардан фойдаланган.

Тоталитаризм диктатуранинг янги шакли бўлиб, унда давлат ва мафкура муҳим роль ўйнайди. Фашистлар ҳаракатининг мақсадлари кучли давлатни яратиш, ҳокимиятни амалга оширишнинг фақат куч ишлатиш принциpidан фойдаланиш ва барча ижтимоий кучларни иерархия тамойилига бўйсундиришдан иборат эди. Янги сиёсий тартиб сифатидаги тоталитаризм моҳиятини Б.Муссолини қуйидаги тарзда таърифлаган: «Ҳамма нарса давлатда, давлатдан ташқари ва давлатга қарши ҳеч нарса йўқ».

Дж.Джентиле тоталитаризмни қуйидагича таърифлаган: "Фашизмда ҳамма нарса давлатда. Ҳеч қандай инсоний ёки руҳий нарса ўз-ўзича мавжуд бўла олмайди. Давлатдан ташқари бўлганда эса, у нарса ҳеч қандай кадрга эга эмас. Шу маънода фашизм тоталитардир ва барча кадриятлар бирлиги ва умумийлиги бўлган фашист давлати бутун халқ ҳаётини ифода этади, ривожланишига хизмат қилади ва куч беради. Давлатдан ташқарида индивидлар ҳам, гуруҳлар (партиялар, жамиятлар ва синфлар) ҳам бўлиши мумкин эмас".

Тажрибанинг кўрсатишича, тоталитар тузум одатда фавкулодда ҳолатларга тушиб қолган давлатларда юзага келади. Бундай ҳолатларга: жамиятдаги ўсиб бораётган беқарорлик, ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олувчи инқироз ёки давлат учун жуда муҳим бўлган стратегик масалани ечиш зарурияти мисол бўла олади.

Ғарб сиёсатшунослигида тоталитаризмнинг қуйидаги белгилари кўрсатилади:

- Ягона оммавий партия;
- Барча томонидан тан олинган монопол мафкура;
- ОАВ ларга монополия;
- Қуролли кураш воситаларига монополия;

- Сиёсий полиция томонидан ялпи назорат;
- Марказлашган иқтисодий бошқариш ва назорат қилиш тизими.

Диктатура шароитида ҳокимият ҳукмрон партияга таянувчи бошлиқ қўлида тўпланади ва демократик онг даражаси эса паст бўлади.

37-савол. Давлатнинг сиёсий институт сифатидаги моҳияти нималарда намоён бўлади?

Давлат маълум ҳудудда ижтимоий жараёнларни бошқариш учун сиёсий ҳокимият тизими ва маълум структурага эга бўлган ташкилот бўлиб, жамият сиёсий тизимининг энг муҳим бўғини ҳисобланади. Давлатнинг қудрати унда ижтимоий ўзгаришларга самарали ва ҳал қилувчи таъсир кўрсатишга имкон берадиган ҳокимият ва ресурсларнинг максимал жамланганидир.

Давлатнинг турли талқинлари мавжуд. Теологик назарияда – илоҳий қудрат, психологик назарияда - инсон руҳияти омиллари, органик талқинда - биологик омиллар, материалистик талқинда - ижтимоий иқтисодий омиллар, зўравонлик назариясида - ҳарбий-сиёсий каби омиллар давлатнинг вужудга келиши ва ривожланишининг сабаблари сифатида илгари сурилган. Шунингдек, давлатчиликда географик, этник, демографик, ахборот омиллари ҳам алоҳида ўрин тутади. Бироқ, сабаб ва омиллар ичида биронтасини мутлақлаштириш давлатнинг моҳиятига бир ёқлама қарашни келтириб чиқаради.

Давлат ижтимоий-иқтисодий, маданий-мафкуравий ҳаётнинг такомиллашуви натижаси, жамият, гуруҳ, синф, ижтимоий қатлам ва алоҳида шахслар эҳтиёжини ҳамкорликда қондиришни тартибга солиш механизми сифатида жамият тараққиётида катта ўрин тутади.

38-савол. Давлат қандай функцияларни бажаради?

Давлатнинг ўз олдида турган вазифаларни ҳал қилишга қаратилган асосий фаолият йўналишлари унинг функцияларини белгилаб беради. Давлат уни бошқа сиёсий институтлардан фарқловчи бир қатор функцияларни бажаради. Уларнинг ички ва ташқи даражалари мавжуд.

Ички функциялар :

- иқтисодий;
- ижтимоий;
- ташкилотчилик;
- ҳуқуқий;
- сиёсий;

- маърифий;
- маданий-тарбиявий.

Давлатнинг *иқтисодий функцияси* иқтисодий жараёнларни солиқ ва кредит сиёсати ёрдамида бошқариши ва тартибга солиши, иқтисодий ўсишга шароит яратиши ёки санкцияларни амалга оширишида кўринади.

Ижтимоий функция фуқароларнинг иш ва яшаш жойига, саломатлигини тиклашга бўлган эҳтиёжларини қондиришда, қариялар, ногиронлар, ишсизлар ва ёшларга ижтимоий қафолатларни таъминлашда, ҳаёт, мулк ва соғлиқни суғурталашда намоён бўлади.

Ҳуқуқий функция ҳуқуқ - тартиботни таъминлаш, ижтимоий муносабатлар ва фуқароларнинг ўзини тутиши, жамиятга ёт турли бузғунчи ғоялар таъсирларидан ҳимоя қилувчи ҳуқуқий нормаларни ўрнатишдан иборат.

Маданий-тарбиявий функция аҳолининг маданий эҳтиёжларини қондириш учун шароитлар яратиш ва фуқароларни турли мамлакатларнинг маданият дурдоналари билан таништиришга йўналтирилгандир.

Сиёсий функция сиёсий барқарорликни таъминлаш, ҳокимият ҳуқуқ ва ваколатларидан фойдаланиш, аҳолининг кенг қатламлари эҳтиёжларига жавоб берувчи сиёсий курсни ишлаб чиқиш ёки ҳукмрон синфнинг сиёсий ҳокимиятини қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Экологик функцияга биноан қонунчилик ёрдамида давлат табиатдан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқади ва ўз фуқароларига соғлом ва нормал яшаш шароитини таъминлаш вазифасини бажаради.

Ташқи функциялар - ташқи иқтисодий, ижтимоий, технологик, харбий, дипломатик, маданий ва савдо соҳаларидаги ўзаро фойдали ҳамкорлик функциялари ва ташқи хавфлардан ҳимояланишни ўз ичига олади.

39-савол. Давлат белгилари ва структураси нималардан иборат?

Давлатнинг қуйидаги белгилари ажратиб кўрсатилади:

- *Жамиятда сайлаб олинган ва аҳоли сони билан мос тушмайдиган ҳукуматнинг мавжудлиги.* Бу ҳокимият бутун мамлакатда тарқалган ва мажбурловчи ташкилотларга эга. (Давлат бошқарув ва мажбурлаш аппаратига эга бўлади, зеро ҳокимият мансабдор шахслар, армия, полиция, қамоқхоналар ва бошқа имкониятлардан қонунан фойдалана олади.)

- *Солиқлар, йиғимлар ва бож тизими.* Мазкур тизимдан тушган маблағлар иқтисодий, ижтимоий, муҳофаа мақсадларида, шунингдек, давлат аппарати, яъни

моддий бойлик яратмай, фақат бошқариш фаолияти билан шуғулланувчи кишиларни таъминлашга сарфланади.

- *Аҳолининг ҳудудий бўлиниши*. Давлат ўз ҳудудидаги фукароларни уларнинг келиб чиқиши, диний эътиқоди, миллатидан қатъий назар ўз ҳукмронлиги ва ҳимояси остида бирлаштиради.

- *Суверенитет* - давлатга хос бўлган ўз ҳудудидаги устунлик ва халқаро алоқалардаги мустақиллик.

- *Ҳуқуқ*. Давлат ҳуқуқсиз мавжуд эмас, зеро ҳуқуқ давлат ҳокимиятини юридик жиҳатдан тасдиқлайди ҳамда унинг легитимлиги таъминланади, давлат функцияларини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини аниқлайди.

- *Жисмоний мажбурлаш* учун куч ишлатишга қонуний монополлик ҳам фақатгина давлат сиёсати даражасида ҳал этиладиган масалалар сирасига киради. Демократик тамойиллар устуворлашиб бориши билан инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият даражасига кўтарилиб, дунё амалиётида унга нисбатан куч ва босим ўтказиш, мажбурлаш каби жазо чоралари либераллашиб бормоқда.

Давлатнинг структураси куйидаги элементларни ўз ичига олади:

Ҳокимиятнинг тақсимланишига кўра:

- қонун чиқарувчи ташкилотлар
- ижро этувчи органлар
- суд органлари

Бажарувчи функцияларига кўра:

Ички функцияларни амалга оширувчи органлар:

- Ҳуқуқ - тартибот ва тинчликни ҳимоя қилиш (милиция, суд, прокуратура);
- Ижтимоий - иқтисодий тартибга солиш (молиявий-солиқ аппарати, алоқа органлари, коммунал хизмат, транспорт);

- Маънавий ишлаб чиқариш соҳаси (таълим, маданият ва ахборот муассасалари);

Ташқи функцияларни амалга оширувчи органлар:

- Қуролли кучлар;
- Махсус хизмат;
- Давлатлараро муносабатларни амалга оширувчи органлари;

40-савол.Замонавий давлат ривожланишида қандай тенденциялар кўзга ташланмоқда?

Замонавий давлат ривожланишида қуйидаги асосий тенденцияларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

1. Ҳозирги даврда, демократик, ҳуқуқий давлат қуришга интилиш, кўплаб давлатлар, асосан Европа давлатлари ривожланишидаги устувор тенденция ҳисобланади. Бу давлатларда тараққиётнинг демократик йўллари конституцион қоидалар асосида мустаҳкамлаб қўйилган.

2. Давлат суверенитетининг демократик чекланганлиги ҳам муҳим тенденциялар қаторида саналмоқда. Ушбу тамойилга мувофиқ, илгари фақатгина давлатнинг ички иши, деб ҳисобланган баъзи масалаларни ҳал этишда давлат чегаралари нисбий хусусият касб этмоқда. Бунга, глобаллашув, яъни, давлатлараро, халқаро ўзаро таъсир ва боғлиқликнинг кучайиши асосий сабаб бўлмоқда. Шунинг учун, суверенитет билан боғлиқ баъзи ҳолатлар маълум даражада онгли равишда чекланишни тақозо этмоқда.

3. Давлат ҳокимияти фаолиятида кузатилаётган марказдан қочувчи (децентрализация) тенденцияси. Ҳокимият юқори давлат структуралари орасида, маҳаллий доирадаги структуралар фойдасига, уларга қарор қабул қилишда демократик асосдаги катта ваколатларни бермоқда. Бошқача айтганда, давлат ҳокимияти ишлари фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш мақсадида қайта тақсимланмоқда.

4. Ўзининг мафкурасига эга бўлишга интилиш ҳам замонавий давлатчиликка хос ҳодисадир. Зеро, бирлаштирувчи ғоя мавжуд бўлмаса давлат ўзининг интеграцион функциясини йўқотади. Ғоянинг мавжуд бўлиши давлатнинг барқарорлигини таъминлашда мустаҳкамлаш кучига эга бўлишни англатади.

5. Яна бир тенденция - бюрократик бошқарув аппаратини қисқартириш ва уни таъминлашга кетадиган харажатларни камайтиришдан иборатдир. Бюрократларнинг тор доирадаги манфаатларига хизмат қилувчи ушбу ҳодисага қарши кураш демократик жамият қуришда улкан самаралар бериши шубҳасиздир.

Интеграция дунё сиёсатидаги асосий жараён бўлиб қолаётгани билан бир вақтнинг ўзида дезинтеграция жараёнлари ҳам кечмоқда. Улар давлатларнинг парчаланиши, ажралган федерациялар асосида миллий давлатларни тузиш, унитар давлатлар таркибидан автономияларнинг ажралиб чиқиши, уларга кенгроқ, мустақил давлат тузишгача бўлган ваколатларнинг берилиши каби ҳодисаларда ўз ифодасини топмоқда.

41-савол. Давлатнинг қандай шакллари мавжуд?

Давлат шакли - бошқарув, давлат тузилмаси шакллари ва сиёсий режимни қамраб олувчи ҳокимиятни шакллантириш усулидир.

Давлатнинг шакли уни ким ва қандай бошқаришини, унда давлат ҳокимияти тузилмаларининг қандай шакллангани ва амал қилишини, мавжуд ҳудудда аҳолининг қандай тарқалганини, уларнинг турли ҳудудий ва сиёсий тузилмалар орқали давлат билан қай тариқа боғланганини, сиёсий ҳокимиятнинг қандай ва қайси усуллар билан амалга оширилишини англатади.

Жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва давлат институтларининг барқарорлиги ҳам давлатнинг шаклига боғлиқ.

Давлат шаклларининг қуйидаги элементлари мавжуд:

Бошқарув шакли. Юқори давлат ҳокимиятининг шаклланиш ва ташкил этилиши тартибини, уларнинг бир-бири ва аҳоли билан бўладиган муносабатларини ифодалайди.

Давлат тузилиши шакллари. Давлатнинг ҳудудий тузилишини, ҳудудий бирликлар орасидаги муносабатларни ифодалайди. Тузилиши бўйича давлатлар унитар, федератив ва конфедератив давлатларга бўлинади.

Сиёсий режим. Давлат ҳокимиятини амалга ошириш усуллари ва воситалари тизимини намоён этади. Ушбу усулларнинг хусусиятларига қараб сиёсий режимнинг демократик ва ғайридемократик турлари ажратилади.

42-савол. Давлат бошқаруви шакллари нима?

Давлат бошқаруви шакли - давлат шакли элементи бўлиб, юқори давлат ҳокимияти, органларининг ташкил этилишини ва уларнинг аҳоли билан муносабатларини ифодалайди. Давлат раҳбарининг хусусиятига қараб бошқарув шакллари *монархия* ва *республикага* бўлинади.

Монархия - (юнончадан “якка ҳокимлик”) бу шундай бошқарув шаклики, унда ҳокимият тўлалигича ёки қисман ягона давлат ҳокими – монарх (қирол, шох, император) қўлида жамланган бўлади.

Монархиянинг белгилари:

- ҳокимиятнинг мерос сифатида авлоддан-авлодга ўтиши;
- амалга қилиш муддатининг чекланмагани;
- аҳолининг ихтиёрига боғлиқ эмаслиги.

Монархиялар халқнинг ваколатли ташкилотлари мавжуд бўлмаган ва суверенитетининг ягона соҳиби монарх бўлган, чекланмаган монархияга ҳамда монарх билан бир қаторда, унинг ҳокимиятини чекловчи суверенитетнинг бошқа ифодачилари - давлатнинг бошқа юқори органларининг мавжуд бўлиши билан

чекланган монархияларга бўлинади.

Республика (лотинчадан "давлат, жамият ишлари") - бошқарувнинг шундай шаклики, унда давлат бошлиғи сайлов йўли билан аниқланади ва уни алмаштириш имконияти бўлади. Унинг ҳокимияти эса сайловчилар ёки вакилли органнинг хоҳишидан келиб чиқади.

Республика белгилари:

- ҳокимиятга нисбатан танлов имконияти;
- бошқарув муддатининг чекланганлиги;
- сайловчилар ихтиёрига боғлиқлиги.

Бошқарув аппаратини ким шакллантириши, унинг кимга ҳисобот бериши ва бўйсунушига қараб республикалар президент, парламентар ва аралаш турларга бўлинади.

Президентлик республикасида президент парламентга боғлиқ бўлмаган равишда сайловчилар коллегияси ёки халқ томонидан сайланиб, бир вақтнинг ўзида давлат ва ҳукуматнинг бошлиғи ҳисобланади. Президент қонун чиқарувчи органларининг қарорларига қарши вето (таъқиқ) қўйиш ҳуқуқига эга.

Парламентар республикада ҳукумат қонун чиқарувчи орган томонидан шакллантирилади ва давлат олдида масъул бўлади. Парламент овоз бериш орқали бутун ҳукуматга ва унинг бошлиғи бўлган Бош вазирга ишончсизлик вотумини чиқариши мумкин. Давлатнинг расмий бошлиғи парламент ёки сайловчилар коллегияси ёки халқнинг тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан сайланадиган президент ҳисобланади. Унинг мажбуриятлари одатда вакиллик функциялари билан чекланади. Бу конституцион монархиядаги давлат бошлиғи фаолиятларидан айрим жиҳатлари билан фарқланади. Давлатнинг реал бошлиғи ҳукумат бошлиғи ҳисобланади.

Аралаш республиканинг характерли хусусияти ҳукуматнинг ҳам, президентни ҳам парламент олдидаги қўш мажбурияти ҳисобланади. Президент ҳам, парламент ҳам бевосита халқ томонидан сайланади. Давлат бошлиғи президент ҳисобланади. У ҳукумат бошлиғи ва парламентдаги кучлар мутаносиблигини ҳисобга олган ҳолда вазирларни тайинлайди. Давлат бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилади ва унинг қарорларини тасдиқлайди.

Парламент ҳукуматни мамлакатнинг йиллик бюджетини тасдиқлаш йўли орқали, шунингдек, ҳукуматга ишончсизлик вотумини чиқариш воситасида назорат қилиш имкониятига эга.

43– савол. Давлатнинг қандай шакллари мавжуд?

Ҳуқуқий давлат - давлат ҳокимиятининг ташкилий ва фаолият кўрсатиш шаклидир. Унда барча ижтимоий бирликлар, алоҳида индивидлар давлат қонунини ҳурмат қилади ва унга бир хил муносабатда бўлади. Бундай ҳолатда қонун давлат, жамият ва индивиднинг ўзаро алоқалари, усуллари сифатида намоён бўлади. Ҳуқуқий давлатнинг тамойили –барча ҳужжатлар давлатнинг асосий қонуни - Конституцияга мувофиқ бўлишидир.

Ҳуқуқий давлатнинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд:

- Ҳаётнинг барча жабҳаларида ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун устуворлиги асосида ўрнатилади. Қонунда ижтимоий ривожланиш тенденциялари, адолат ва тенг ҳуқуқлилик талаблари эътиборга олинади. Жамиятнинг маънавий кадриятлари муҳофаза қилинади.

- Шахс ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланади. Бу давлатнинг фуқаролик жамияти ишларига аралашмаслик тамойили ва давлатнинг шахс ҳуқуқларини амалга ошириш учун шароит яратиш мажбурияти орқали амалга ошади.

- Шахс ва давлатнинг ўзаро масъулияти. У давлат ва индивиднинг ўз фаолиятлари учун қонун олдида бир хил масъулиятга эга эканини англатади. Давлат ва шахс ўзаро жавобгарлигининг ҳуқуқий характери давлат ва фуқароларнинг қонунга бўйсунishi орқали унинг доирасидан чиқмаслиги ва зиммасига олган мажбуриятларини бузганлиги учун жавобгар бўлиши билан боғлиқ.

- Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши тамойили.

Ижтимоий (социал) давлат ҳокимиятни ташкил этишнинг ўзига хос шакли бўлиб, унга фуқаролар фаровонлиги ҳақида қайғуриш, муносиб турмуш тарзи, уларнинг қобилиятларини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар яратиш каби хусусиятлар хосдир. Бундай давлат инсонлар ўртасида ижтимоий адолат, тенглик ва фуқароларнинг тотувлигига асосланган ижтимоий алоқаларни шакллантиради.

Ижтимоий давлат функциялари кам таъминланган оилаларни, нафақахўрларни, ишсизларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бўлади. У ўз зиммасига фуқаролар ва ижтимоий ҳаётни такомиллаштириш масъулиятини олади. Ривожланган мамлакатларда ижтимоий давлатнинг қарор топиши давлат қурилиши борасидаги янги босқични ифода этади.

44-савол. Қандай жамиятни фуқаролик жамияти дейиш мумкин?

Фуқаролик жамияти бу ривожланаётган демократик давлатларда

шаклланаётган ва ривожланаётган ижтимоий бирлашма бўлиб, у жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ихтиёрий равишда вужудга келган нодавлат тузилмалар (бирлашмалар, ташкилотлар, ассоциациялар, иттифоклар, марказлар, клублар, фондлар) тизими ва иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, диний ва бошқа соҳалардаги нодавлат муносабатлари бирлиги сифатида талқин этилади.

Фуқаролик жамияти қуйидагича тузилмага эга:

- нодавлат ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва институтлар (мулк, меҳнат, тадбиркорлик);
- давлатдан мустақил равишда иш юритувчи ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар ва хусусий мулкдорларнинг биргаликда мавжуд бўлиши;
- жамоат ташкилотлари ва бирлашмалар;
- сиёсий партия ва ҳаракатлар;
- тарбия ва нодавлат таълим соҳаси;
- нодавлат оммавий ахборот воситалари тизими;
- оила;
- диний муассасалар.

Фуқаролик жамияти белгилари:

- инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ таъминлаш;
- ўзини-ўзи бошқариш;
- уни ташкил этувчи тузилмалар ва турли кишилар гуруҳларининг рақобатлашуви;
- эркин шаклланувчи ижтимоий фикр ва плюрализм;
- ахборот билан умумий таъминланганлик ва инсонларга ахборот олиш эркинлигини реал равишда таъминлаш;
- ҳаётий фаолиятнинг мувофиқлик тамойилига асосланиши;
- иқтисодиётнинг кўп укладлилиги;
- ҳокимиятнинг қонун чиқарувчилик ва демократик характерга эгалиги;
- қонун устуворлиги;
- ижтимоий сиёсат.

45-савол. Фуқаролик жамияти вужудга келишининг қандай тарихий сабаблари мавжуд?

Хусусий мулкчилик фуқаролик жамиятининг вужудга келиши, амал қилишига ҳамда кучли ижтимоий тузилмага айланишига хизмат қилган муҳим сабаблардан биридир. Турли кўринишларда намоён бўлувчи хусусий мулк фуқаролик жамияти мавжуд бўлишининг зарурий шартидир. Хусусий корхона, ер, кўчмас мулк, қимматли қоғозлар, молиявий манбалар, интеллектуал мулк (ёзувчилар, бастакорлар, кашфиётчилар, илмий ходимлар ва бошқаларнинг ижод маҳсули) хусусий мулкка мисолдир.

Эркин бозор иқтисодиёти. Демократик жамият бошқа эркинликлар билан бир қаторда ўзининг ички қонуниятлари асосида ривожланадиган хўжалик тизимини ҳам кўзда тутди. Бунга кўра, қонунларга амал қилган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини юритиш, уларнинг турли бирлашмаларини тузиш мумкин.

Давлат фаолиятининг фуқароларнинг эҳтиёж ва манфаатларини максимал равишда таъминлашга қаратилганлиги. Бунда фақат давлатнинг ўз кучи ва имкониятлари билан амалга ошириш мумкин бўлган фуқароларнинг конкрет манфаатларини аниқлаш тизими бўлиши лозим. Бундай зарурият демократик жамиятдаги манфаатларнинг хилма-хиллигидан келиб чиқади.

Фуқаролик жамияти вужудга келиши ва ривожланиши шартлари:

- ижтимоий эркинлик, демократик давлат бошқаруви, сиёсий фаолият ва сиёсий мунозараларнинг оммавий муҳити мавжудлиги;

- фуқароларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги ва бу билан боғлиқ бўлган юқори даражада ахборот билан таъминланганлик. Бу хўжалик конъюнктурасини реал баҳолаш, ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш учун қарорлар қабул қилишга ёрдам беради;

- қонунчилик ва конституцион кафолатларнинг мавжудлиги;

Фуқаролик жамиятининг қуйидаги тарихий турлари мавжуд:

- бирлашма;

- ижтимоий бирликлар (ижтимоий гуруҳ, синф, қатлам);

- давлат фуқаролари бирлиги кўринишидаги жамият;


- фуқароларнинг халқаро ҳамжамяти.

46-савол. Конституционализм деганда нима тушунилади?

Мутлақ монархия тизимидан демократияга ўтиш ҳукумат ва фуқароларнинг жамият ҳуқуқий нормаларига бўйсунити, ягона конституционализм тизимини ташкил этган ҳокимиятнинг бўлиниши принципини тадбиқ этишдан бошланган. Давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатлар, фуқаролар ҳаётига аралашитиш чегараси турли давлатларда конкрет тарихий кўринишларда ўзига хос

тарзда намоён бўлган.

Конституционализмнинг қуйидаги моделларини кўрсатиш мумкин:



Англо-америка модели эркинликни энг муҳим бойлик сифатида қадрлайди ва давлатнинг фуқаролик жамияти ҳаётига аралашувига йўл қўймайди.

Ғарбий Европада ҳокимият ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабат бошқача шаклланган ва конституционализмнинг бошқа – евроконтинентал моделини юзага келтирди.

Конституционализмнинг ҳуқуқий таърифига кўра, у ўзида парламентаризм ва абсолютизм каби бошқарувнинг конкрет шаклини мужассам этади. Абсолютизм – бутун ҳокимият монархнинг қўлида тўпланган давлат шаклидир. Конституционализм абсолютизмга нисбатан (ҳуқуқий давлат шаклидек) давлат ва фуқаролик жамияти шаклида намоён бўлади.

Вакиллик органлари (парламент) ва ҳукумат (ижроия ҳокимияти) ўртасидаги муносабат ҳокимият механизмидаги икки принципдан қайси бири, яъни

парламентаризм ёки конституционализмнинг қанчалик устунлигига боғлиқ бўлади. Парламентаризм ҳукуматнинг парламент қарорларига тобелигини билдирса, конституционализм эса ҳукуматнинг парламент ихтиёридан холи эканини англатади.

Конституционализм расмий-ҳуқуқий томондан, жамиятда асосий қонуннинг мавжудлигини, халқ вакиллик органлари белгилайдиган ҳокимиятнинг турли тармоқларга бўлиниши ва ваколати ҳажми ҳамда фуқаролар ҳуқуқларининг кафолати кабиларни билдиради.

47-Савол. Сиёсий партиялар ташкил топишининг қандай тарихий асослари бор?

Сиёсий партия - ижтимоий гуруҳ ёки синфнинг манфаатини ифодаловчи, ғоявий бирлик орқали боғланган ва сиёсий ҳокимият учун курашувчи ижтимоий гуруҳ ёки синфнинг фаол ва уюшган қисмидир.

"Партия" атамаси латинча сўз бўлиб "қисм", "гуруҳ" деган маънони англатади. Сиёсий партиялар парламентаризм шаклланиши жараёнида (XVIII-XIX аср) вужудга кела бошлаган.

Дастлаб улар парламентда фаолият олиб борувчи элита клублари кўринишида бўлган. Парламентдан ташқарида улар ўзларини фақат сайлов вақтида намоён қилганлар. Партиялар уюшқоқ шаклда расмийлаштирилмаган ва аъзолик тамойили амал қилмаган. XIX асрнинг ўрталарига келиб, миллионлаб кишилар сайлов ҳуқуқини қўлга киритганларидан сўнг, партиялар сиёсий ҳукуматни ағдариш ёки эгаллаш йўлидаги кураш учун ихтисослашган ташкилотлар сифатида вужудга кела бошлади.

Қадимги Грецияда партияларнинг шаклланиши бошқарувчи кучларнинг маълум бир сиёсатни олиб бориш учун аҳолини ўз томонларига жалб қилишга интилишлари билан боғлиқ тарзда рўй берган. Яъни, қадимда партиялар ҳукумат учун кураш ва уни сақлаб қолиш ва жамиятга таъсир этиш воситаси сифатида қаралган.

Замонавий кўринишдаги сиёсий партиялар тарихий асосларга кўра нисбатан яқинда ташкил этила бошлади. Дастлаб Англияда XVII асрнинг 70-80 йилларида тори (консерваторлар) партияси ва виго (либераллар) партияси шаклланди. Улар қирол ҳокимиятига таъсир ўтказиш учун курашда рақобатлашувчи ҳукмрон синфларнинг партиялари эди.

XVIII асрнинг биринчи ярмига келиб сиёсий партиялар Ғарбнинг деярли барча давлатларида тузилган эди. Биринчи навбатда, бу давлатларда ҳукуматни

эгаллаган буржуа партиялари ташкил этилди. XIX асрнинг 20-30 йилларида партияларни тузиш АҚШда ҳам кенг ёйилди. Ўша вақтда буржуазия манфаатини ифодаловчи АҚШда ханузгача энг нуфузли ва кучли бўлган 2 та йирик партия демократ ва республикачилар партиялари ташкил топди.

XIX асрда Европада партиялар шаклланиш жараёнининг ўзига хос томони шуки, аввалига, хукмрон синфларнинг юқорилар партиялари шаклланди, кейин XIX асрнинг иккинчи ярмида меҳнаткаш синфларнинг қуйи партиялари шакллана бошлади.

XIX асрда Европада партия ташкил этишнинг ўзига хос хусусияти, уларнинг деярли барчаси ўз олдида 2 та– парламентда кўп ўринни эгаллаш ва сайловчи овозлари учун кураш вазифасини қўйган.

48-Савол. Партиялар хусусиятлари, вазифалари ва тузилиши нималардан иборат?

Ж.Лапаломбара ва М.Вейнерлар партиянинг бошқа сиёсий кучлардан ажратиб турувчи қуйидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатишган:

- Партия кишиларнинг нисбатан узоқ вақт давомида фаолият олиб боровчи бирлашмасидир. Унинг фаолиятининг узоқ муддатлилиги ташкилотчилар билан бирга вужудга келадиган ва йўқолиб кетадиган фракция, гуруҳ, ижтимоий ҳаракатлардан фарқлашга имконият яратади.

- Миллий ҳукумат билан доимий алоқаларни сақловчи мустаҳкам маҳаллий ташкилотларнинг мавжудлиги.

- Партиянинг мақсади - ҳокимиятни эгаллаш ва амалга ошириш. Ҳокимиятни амалга оширишга интилиши партияни бошқа гуруҳ ва ҳаракатлардан фарқлашга имкон яратади. Агар, партия ҳокимиятни сайловларда эгаллаш, парламент ва ҳукуматда депутатлар орқали уни амалга оширишни мақсад қилса, гуруҳ ва ҳаракатлар ҳокимиятни эгаллашга интилмайдилар, улар ҳокимият доирасидан ташқарида қолиб унга таъсир ўтказишга ҳаракат қиладилар.

- Партиялар сайловлардан бошлаб, то партияга аъзоликкача бўлган жараёнда халқнинг қўллаб-қувватлашига эришишга интилади. Партиялар сайловларда ва парламент фаолиятида қатнашмайдиган сиёсий клублардан фарқ қилади.

Партиянинг вазифалари (функциялари) унинг тури, фаолиятининг конкрет шароитлари ва жамиятнинг сиёсий тизимида тутган ўрнига боғлиқ. Масалан, муҳолиф партия ҳукуматни шакллантириш, давлат органларида кадрларни жойлаштириш (тақсимлаш) каби вазифаларга эга эмас. Унинг учун муҳими

ҳукумат фаолиятини танқид қилиш ва ҳокимиятни эгаллашга тайёрланишдир.

Партиялар фарқланишига қарамай уларнинг барчасига хос бўлган ўхшаш вазифалар ҳам мавжуд. Улар қуйидагилар:

- йирик ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини аниқлаш, шакллантириш ва қондириш;
- одамларнинг маълум бир қисмини сиёсий фаоллаштириш ва бирлаштириш;
- сиёсий ҳокимият ва ундан фойдаланиш учун кураш, доимо ўзгариб турувчи шароитдан келиб чиқиб бу курашнинг шакл, восита ва усуллари аниқлаш;
- юқори ва маҳаллий ҳокимият органларини шакллантириш бўйича сайлов компанияларини тайёрлаш ва ўтказиш, уларда ўз тарафдорларини кўтариш, уларнинг парламентдаги фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш;
- партия ғоясини ишлаб чиқиш, жамиятни ривожлантиришнинг сиёсий дастурини яратиш ва амалга ошириш, тарғибот ишларни олиб бориш ва омма фикрини шакллантириш;
- жамият ёки унинг маълум бир қисмини сиёсий тарбиялаш;
- партия, давлат аппарати ва турли жамоат ташкилотлари учун кадрларни тайёрлаш ва тақдим этиш, ҳукмрон элитани шакллантириш.

Партиялар одатда қуйидаги тузилишга эга бўлади:

- партия аппарати;
- аъзолар (партиявий оммалар);
- партия тарафдорлари.

49-Савол. Партиялар қандай таснифланади?

Партиялар қуйидаги мезонларга кўра таснифланади:

Дастур ва фаолиятининг ижтимоий йўналтирилганлигига кўра.

Партиялар социал-демократик, либерал-демократик, синфий, миллатчилик, фашистик, диний ва бошқа шаклларда бўлади.

Фаолиятининг ғоявий асосларига кўра доктринал (ўз ғоясини ҳимоя қилиш), прагматик (фаолиятнинг амалий мақсадга мувофиқлигига қараб иш тутувчи), харизматик (конкрет сиёсий лидер атрофида бирлашувчи) партиялар мавжуд.

Дастурни амалга ошириш усулига кўра революцион (жамиятни радикал қайта шакллантиришга интилувчи) ва реформатор (ислохотчи, яъни жамият ҳаётини кескин тузилмавий ўзгаришларсиз яхшилашга интилувчи) партиялар мавжуд.

Сиёсий фаолият хусусиятига кўра реакцион, консерватив, мўътадил, радикал, экстремистик партиялар тузилади.

Давлат ҳокимиятининг олий органларида ваколатлари ва расмий сиёсатга алоқадорлигига кўра ҳукмрон ва муҳолифатчи (қонуний, яримқонуний ва ноқонуний) партиялар бор.

Сиёсий спектрдаги ўрнига кўра сўллар, марказий ва ўнг партиялар фаолият кўрсатади.

Лидерлар ва аъзолари орасидаги муносабат усулига кўра демократик, антидемократик характердаги партиялар мавжуд.

Аъзолик хусусиятига кўра кадрли (кам сонлиги, эркин аъзолик ва уюшқоқликнинг бўшлиги билан характерланувчи) ва оммавий (ўз қаторига иложи борида кўпроқ аъзоларни жалб қилиш, улар орасидаги муносабат ва тузилмани мустаҳкамлашга ҳаракат қилади) партиялар ташкил топади.

Ташкилий тузилмасига кўра парламентар (бошланғич тузилма сифатида ҳудудий кўмиталар юзага чиқади), лейбористик (коллектив аъзоликка йўл берувчи парламентар партияларнинг турларини, шу билан бирга, меҳнат жамоаларини ўзида ифодалайдиган), авангард (демократик марказлашув ва аъзоларини ҳудудий ишлаб чиқариш тамойили асосида бирлаштирган) партиялар сиёсий ҳаётда кенг ўрин эгаллаган.

50-савол. Сиёсий амалиётда қандай партиявий тизимлар мавжуд?

Партия тизими – ҳокимиятни эгаллаш ва уни амалга ошириш учун курашда қатнашувчи (ҳукмрон ва муҳолифатчи) партиялар мажмуини англатади.

Партиявий тизим сиёсий партияларнинг жамият сиёсий тизимида тутган ўрни, уларнинг ўзаро таъсири ва сиёсий партияларнинг типлари билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Партиявий тизим муайян мамлакатда фаолият олиб бораётган барча сиёсий партияларнинг йиғиндиси ва уларнинг ўзаро муносабатларини билдиради.

Мамлакатдаги партиявий тизимнинг хусусиятлари қатор омилларга боғлиқ. Аҳоли сиёсий маданиятининг даражаси, тарихий анъаналар, миллий таркиб, диний ва конфессионал шароит ва бошқалар шулар жумласидандир. Партиявий тизим шаклланишига амалдаги қонунчилик, конституция ва сайлов ҳақидаги қонунлар ҳам катта таъсир кўрсатади.

2. Партиявий тизимнинг турлари:

- Сиёсий тизим характерида кўра демократик, авторитар ва тоталитар партиявий тизимлар;
- Ҳокимият учун курашаётган ёки унга таъсир қилувчи партиялар миқдорига кўра якка, икки партиявий ва кўп партиявийлик тизимлар;

- Сиёсий мақомига кўра мажоритар, етакчи ва коалицион партиявий тизимлар.

51-савол. Партиявий тизимлар қандай кўринишларда намоён бўлади?

Партиявий тизимлар миқдор ва сифат жиҳатларига қараб фарқланади. Миқдорига қараб партиялар қуйидагиларга бўлинади:

Монопартиявий тизим. Бунда ягона партия давлат ҳокимиятига монопол эгалик қилади. Бундай ҳолат тоталитар ёки авторитар режимларга хос. Мухолифатнинг йўқлиги ҳокимиятдаги партияни турғунликка, бюрократияга маҳкум қилади.

Икки партиявий тизим. Бир неча партиялардан иборат бўлиб, бунда иккита, таъсири кучли партия устун бўлади. Буюк Британияда – бу, лейбористлар ва консервативлар; АҚШда – республикачилар ва демократлар партиялари. Икки партиявий тизим парламентар кўпчиликни қўллаб-қувватлашга таянувчи барқарор ҳукуматни яратиш имкониятини таъминлайди. Бироқ, бу тизим камчиликларга ҳам эга. Улардан асосийси, навбатдаги сайловларда мухолиф партиянинг ғалабаси натижасида сиёсий курс ва йўналишнинг кескин ўзгариши мумкинлигидир.

Кўппартиявий тизим. Сиёсий ҳаётда икки ёки ундан кўп партияларнинг фаол ролини назарда тутди. Партиялар миқдори социал манфаатларнинг тармоқланган тизимининг мавжудлигини англатади. Бундай тизим келишув ва компромиссларни излашга интилади, чунки ҳеч бир партия аниқ сиёсий етакчиликка эга эмас.

Сиёсий обрўсига кўра, тўрт турдаги партиялар фарқланади:

Мажоритар партиялар - мандатларнинг мутлоқ кўпчилиги ва ўзини сиёсий йўналишини олиб бориш ҳуқуқини олади.

Мажоритар номзодли партиялар – ҳокимиятдаги ўрни алмашинуви ҳолатида, кейинги сайловларда ғалаба ғозониши мумкин партиялар.

Етакчи партиялар - парламентда нисбатан кўп ўринга эга бўлади.

Миноритар партиялар - мандатларнинг минимал миқдорига эга бўлади.

52-савол. Сиёсий ҳаётда “босим гуруҳлари” деганда нимани тушуниш керак?

Босим гуруҳлари - бу сиёсий ҳокимият тузилмасига мақсадга йўналган таъсир кўрсатиш орқали ўз манфаатларини амалга оширишга фаол интилаётган ижтимоий бирлашмалардир.

“Босим гуруҳи” тушунчаси фуқаролик жамиятида пайдо бўлган социал-гуруҳий манфаатларнинг сиёсий омилга айланиши динамикасини очиб беради.

Босим гуруҳлари аниқ акс этган ташкилий тузилмага, қатъий функцияга ва профессионал кадрлар аппаратига эга фуқароларнинг расмий бирлашмасидир.

Босим гуруҳлари мамлакат сиёсий ҳаётига таъсир кўрсатиши мумкин. Бу таъсир кўп ҳолларда сиёсий партиялар таъсиридан катта бўлади.

Босим гуруҳларининг давлат органларига ***таъсир кўрсатиши усуллари:***

- ҳокимиятнинг вакиллик ва ижроия органларига бевосита ўз аъзоларини чиқариши;
- гуруҳ аъзоларининг парламент комиссиялари ишларида қатнашувини таъминлаш;
- парламент, ҳукумат аъзолари билан шахсий алоқаларни қўллаб-қувватлаш.

Босим гуруҳи фаолиятининг самарадорлиги у эга бўлган ресурсларга (мулк, маълумот, малака ва тажриба, маданий таъсир, миллий ва диний алоқаларга) боғлиқ. Профессионал иттифоқлар, тадбиркорлар уюшмаси, кооператорлар иттифоқи, истеъмолчилар иттифоқи, кўнгилли жамиятлар ва бошқа ижтимоий бирлашмалар босим гуруҳлари сифатида чиқиши мумкин.

53-савол. Лоббизмнинг моҳияти нимада ва унинг қандай турлари мавжуд?

Лоббизм - давлат ҳокимияти органларида конкрет шахс ёки кучларнинг сиёсий ва иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш (протекционизм), тарғибот қилишга қаратилган ўзига хос сиёсий вакилликдир. Лоббизм сиёсий ҳокимият билан қатъий боғлиқ. Сиёсий назария ва амалиётда “лоббизм реал ҳокимият мавжуд бўлган жойда кўпроқ мавжуддир. Лоббизм- ҳокимият аломатидир” деган қонуният ҳақида фикрлар мавжуд.

Лоббизмнинг кўринишлари:

- Мавжуд масала, муаммо ҳокимиятнинг қайси бўғинида «ҳал бўлишига» қараб лоббизм қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд лоббизмига ажратилади;
- Қайси бошқарув қарорларда лоббилаш мақсадларига кўра ҳуқуқ яратувчи (қонун чиқарувчи органларда норматив актлар орқали), ҳуқуқни қўлловчи (ҳуқуқни қўллаш актлари орқали) ва ҳуқуқни талқин этувчи (ҳуқуқни изоҳлаш актлари орқали) лоббизм шакллари ажратилади.
- Таъсир ва босим ўтказиш зарур бўлган манфаатнинг характериға кўра сиёсий, социал, иқтисодий, экологик, ҳарбий, аграр, саноат, молиявий лоббизм кўринишлари мавжуд.
- Амал қилиш вақтига қараб «бир марталик» ва доимий.
- Ҳокимиятнинг қайси даражасида амалга ошишига кўра лоббилаш федерал

ва маҳаллий даражаларда намоён бўлади;

“Муаммо” кимнинг фойдасига “ҳал бўлишига” кўра турли социал тузилмалар лоббизмлари ажратилади: ижтимоий ташкилотлар, ҳаракатлар, партиялар, гуруҳлар, қатламлар (касаба уюшмалари, антиҳарбий ва экологик ҳаракатлар, тадбиркорлар иттифоқи); муассасалар лоббизми (вазирлик, муассаса, давлат қўмиталари); минтақавий лоббизм; хорижий лоббизм;

Лоббилаш объекти ва субъектининг ўзаро муносабатига кўра плюралистик (аҳолининг маълум гуруҳлари томонидан пастдан юқорига қараб давлат органларига босим ўтказиш) ва корпоратив (ҳокимиятларнинг қандайдир гуруҳлар билан устунликларни бериш ўрнига давлат органларига содиқлик ва ҳамкорлик кафолатини олиш мақсадида яширин келишуви).

54-савол. Лоббизмнинг устунлик ва камчиликлари нималардан иборат?

Лоббизмнинг устунликлари:

- Бошқарув қарорларига таъсир қилиб, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини «шаклдан чиқмаслик»ка мажбур қилади, маълум маънода улар билан рақобатлашади, уларга катта динамик ва эгилувчанлик тусини беради;

- Бирон бир қонун лойиҳасига ижтимоий қўллаб-қувватлаш ёки муҳолифат яратишга ёрдам берувчи ва сиёсатга таъсир кўрсатувчи фуқаролар жамияти ўзини-ўзи ташкил этиш воситаси сифатида намоён бўлади;

- Камчилик манфаатини таъминлаш имкониятини яратади, чунки у сиёсий плюрализмнинг намоён бўлишининг ўзига хос шакли сифатида чиқади;

- Ўзида нодавлат ижтимоий тизим эркинлиги тамойилини акс эттиради: уюшмалар, ижтимоий ташкилотлар, қатламлар;

- қабул қилинаётган қарорларнинг ахборот ва ташкилий базасини кенгайтиришга хизмат қилиб, эътиборни “зарур” муаммога қаратишга омил бўлади;

- лоббизмни вакиллик ва ижроия ҳокимияти ўзаро таъсирлашувининг қуроли сифатида олиб қараш мумкин;

- лоббизмни, шунингдек, мурасага эришишнинг кенгроқ воситаси, манфаатларни ўзаро мувозанатлаш, келиштириш, ўзаро фойдали ҳамкорликнинг йўли тарзида ҳам тушуниш мумкин.

Лоббизмнинг камчиликлари:

- лоббизм миллий манфаатларнинг зарари ҳисобига хорижий манфаатларни имтиёзли равишда қондиришнинг қуролига айланиши мумкин;

- лоббизм баъзи ҳолларда давлат органларига ноқонуний таъсир кўрсатишда

ўтказгич вазифасини ҳам бажариши, натижада, порахўрлик, коррупция каби ҳокимият кучини емирадиган иллатлар пайдо бўлиши мумкин;

- лоббизм маҳаллийчилик ва миллатчиликнинг ривожланишига йўл очиши, тор доирадаги манфаатларни амалга ошириш воситасига айланиши ҳам мумкин.

- муайян шароитларда лоббистик тадбирлар ижтимоий адолатсизлик шаклида намоён бўлиши мумкин;

- зарур бошқарув қарорларини йўлини тўсади, жамиятдаги реал манфаатлар эмас, мансабдорлар манфаатларини рўёбга чиқаришга омил бўлиши мумкин;

- лоббизмдан, бошқача мақсадлар йўлида, масалан, аҳолининг конкрет гуруҳ ва қатламларини бойитиш мақсадларида ҳам қўлланилиши мумкин.

Умуман олганда, лоббизмдан ижобий мақсадларда фойдаланиш учун муайян шарт-шароит талаб этилади. Демократик меъёр ва институтларнинг реал амал қилиши, иқтисодий ва сиёсий барқарорлик, оммавий ахборот воситалари эркинлиги, барқарор фуқаролик жамияти кабилар шулар жумласидандир.

55-савол. Сиёсий муносабатлар нима?

Сиёсий муносабатлар - бу жамиятни бошқариш ва ташкил этишдаги сиёсий институтлар, шахслар, ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро ҳамкорлигидир. Ўзаро ҳамкорлик ижтимоий муносабатлар ва жараёнларни доимо бошқариб туриш эҳтиёжи туфайли юзага келади ва давлат бунда алоҳида ўрин тутати.

Сиёсий муносабатлар қуйидагича характерланади:

- инсонларнинг фаол, онгли иштирокида юзага келади, сиёсий муносабатлар ижтимоий гуруҳлар, партиялар, давлатларнинг орасидаги фаолиятда, ҳаракатларда, жараёнларда, ўзаро муносабатларда намоён бўлади;

- сиёсий муносабатнинг фаол характери туфайли инсон мавжудлигининг турли ички ва ташқи мезонларига таъсир қилади. Жамиятнинг ижтимоий ҳаётига таъсири иқтисодий ривожланиш қулайликларини ўрнатиш орқали кўринади;

- сиёсий чоралар, давлат таъсири ёрдамида дин, илм-фан, маданият ривожланишини қўллаб-қувватлаш ёки уларга тўсқинлик қилиш, бир соҳани қўллаб иккинчисига тазйиқ ўтказиш кабилар;

- ижтимоий ҳаётнинг турли қирраларига таъсир қилувчи асосий ва ўзига хос сиёсий қурол – бу, бошқариш, мажбурлаш, муассасалар кучини ишлатиш билан таъсир кўрсатиш. Бу муассасаларга маълум бир принципни қўллаб-қувватловчи кўпгина шахслар кучи ва ҳаракатининг бирлашувига асосланган партия, уюшма, давлат, ҳаракат ва институтлар киради.

Сиёсий муносабатлар борлигининг иккита шакли қуйидагилардир:

Сиёсий фаолият. Унда сиёсий муносабатлар динамизми, уларнинг инсонлар ижтимоий хатти-ҳаракатига боғлиқлиги акс этади.

Сиёсий муассасалар. У сиёсий муносабатлар структуравийлигини, уларнинг маълум бир нормалар ва қоидаларга асосланган ҳолда шаклланишини акс эттиради. Бу тур институционал, деб ҳам юритилади.

56-савол. Сиёсий можаролар деганда нима тушунилади?

Сиёсий можаролар – бу, ўзаро қарама-қарши бўлган, бир-бирига мос бўлмаган манфаат ва мақсадларга эга ижтимоий кучларнинг тўқнашувини англатади.

Сиёсий можароларнинг қуйидаги даражалари мавжуд:

- а) шахсларо даражада;
- б) гуруҳларо даражада;
- в) жамиятдаги тизим ости даражаларда;
- г) минтақавий ва глобал даражаларда.

Можароларнинг ижобий функциялари қаторида қуйидагилар кўрсатилади:

- а) мунтазамлаштирувчи ролини ўтайди;
- б) қарама-қаршиликларни ҳал қилишга ва жамиятни янгилашга йўл очади;
- в) кадриятларнинг қайта баҳоланишига олиб келади;
- г) янги тизимларнинг мустаҳкамланиш муддатини тезлаштиради.

Можароларнинг салбий функциялари:

- а) жамиятнинг интеграциялашуви ва барқарорлигига олиб келмаслиги мумкин;
- б) моддий бойликларнинг йўқ қилиниши ва инсонларнинг ўлимига олиб келиши мумкин;
- в) ҳокимият муносабатларида салбий ўзгаришларга сабаб бўлиши мумкин.

57-савол. Сиёсий можароларни ҳал қилиш шартлари мавжудми?

Сиёсий можароларни ҳал қилиш шартлари сифатида қуйидагиларни санаш мумкин:

- можарони очиш;
- можарони таҳлил қилиш;
- ҳал қилиш йўл ва усуллари излаш;
- можаролар манбаини бартараф этиш бўйича фаол мақсадга йўналтирилган ҳаракатлар.

Можаро қуйидаги ҳолларда бутунлай ҳал қилинган бўлади:

- Асосий муаммо-можарога олиб келувчи ижтимоий қарама-қаршиликка чек қўйилса;
- Авваллари қарама-қарши бўлган томонлар ўзаро ишонч асосида ҳамкорлик қилса;
- Томонларнинг ўзаро ҳамкорлигидаги келишувга доимий амал қилинса.

58-савол. Сиёсий плюрализм нима?

Сиёсий плюрализм – бу, мавжуд сиёсий кучларнинг давлат органларида иштирок этиш ва рақобатда бўлишга кўмак берувчи тамойилдир. У турли нуқтаи назар вакиллари орасида манфаат ва мунозараларнинг тўқнашувини назарда тутди.

Сиёсий плюрализм ўзагини жамиятнинг турли хил гуруҳлари манфаатларини намоён этадиган фикрлар, қарашлар, позицияларнинг хилма-хиллиги ташкил қилади. Сиёсий плюрализм жамоат идрокида ва жамиятдаги конкрет тизимларга тўхталадиган сиёсий амалиётда ва турли хил сиёсий институтларда, яъни партиялар, ҳаракатлар, ассоциациялар, фракциялар шу билан бирга, вакиллик органларининг барча даражаларида намоён бўлади.

Сиёсий плюрализмнинг таркибий қисмлари:

- Сиёсий фикрлар ва ташкилий ишлар хилма хиллиги;
- Ягона марказнинг йўқлиги;
- Партия ва бошқа ҳуқуқий органларда шахсларнинг бирлашиш эркинлиги;
- Қарама- қарши ғоялар, қарашларга ҳурмат билан ёндашиш;
- Мухолиф кучларнинг мавжудлиги ва уларнинг чексиз фаолияти;
- Марказий ҳукумат бошқарувини чеклаш, ҳукумат бошқарувини тақсимлаш;
- Ҳукуматда сиёсий тизим ўзгариши эҳтимолининг мавжудлиги.

Сиёсий плюрализмнинг характерли жиҳатлари:

- фикрлар хилма-хиллиги;
- бирон-бир мафкуранинг давлат мафкураси ёки мажбурий ҳукмрон мафкура сифатида ўрнатилишига йўл қўймаслик;
- давлатнинг дунёвий характери;
- сиёсий хилма-хиллик ва кўп партиявийликни тан олиш;
- қонун олдида жамоат уюшмаларининг тенглиги.

Плюрализмнинг ижтимоий аҳамияти шундаки, у индивидларга ўз фикрини билдира олиш қобилиятини, имкониятларнинг тенглиги, жамиятнинг ҳамма гуруҳларга нисбатан сабр билан муносабат қилишини таъминлайди.

Сиёсий плюрализм кўппартиявийлик ва ғоялар рақобати билан боғлиқ ҳамда конституция ва қонунлар доирасида сиёсий кучларнинг инсон онги учун қонуний курашини билдиради, мухолифатлар билан бирга камчиликни ташкил қилувчилар учун ўз тизимларини сақлаб қолишга имкон беради, ўзини қониқтирмайдиган қарорларни ман этиш фаолиятини амалга оширади.

59-савол. Сиёсий маданиятнинг моҳияти нима?

Сиёсий маданият — бу, жамият сиёсий ҳаётининг ривожланишини таъминлайдиган ва сиёсий жараён субъектларининг бевосита фаолиятида намоён бўладиган, тарихан шаклланган, нисбатан мустаҳкам қадриятлар, фикрлар, тасаввур, хатти-ҳаракатлар моделлари тизимидир.

Жамият маданият ичида ўзлигини англайди ва намоён қилади. Жамиятнинг интеллектуал салоҳияти, у томондан муаммоларни англаш ва уларни ечиш даражаси, маънавиятининг ҳолати ва ривожланиши ҳамда маданий қадриятларнинг сифатига боғлиқ бўлади. Маданият ҳеч қачон нисбий ҳаётнинг бир соҳаси билан чекланиб қолмаган, аммо жамият ривожланишининг интеграцион жиҳати ҳисобланади.

Сиёсий маданият тўлалигича маданиятнинг ажралмас қисми ҳисобланади. «Сиёсий маданият» тушунчасида сиёсатнинг бирдамлиги ва унинг умумий идроки ифодаланади.

Сиёсий маданият доираси жамиятнинг сиёсий ҳаёти бўлиб, ҳукмронлик ва бошқарув, одамларнинг сиёсатга аралашуви, шунингдек, чекланган ҳудудлар: сиёсатнинг ҳуқуқ, иқтисод, ахлоқ билан ҳамкорлигини англатади. Бу сиёсий маданиятни ҳар қандай жамият сиёсий тизимининг энг муҳим элементи сифатида, шунингдек, сиёсий тизимни функциялаш жараёнидаги сиёсий муносабатлар тавсифи сифатида кўриб чиқиш имконини беради.

60-савол. Сиёсий маданиятнинг функциялари нималардан иборат?

Сиёсий маданият функцияси унинг мавжудлигидан келиб чиқади ва унинг жамият сиёсий тизимидаги аҳамиятини белгилайди.

Билиш функцияси. У фуқароларда зарур бўлган ижтимоий-сиёсий билимлар, қарашларни шакллантириб, сиёсий билимдонликни кучайтиради.

Интегратив функция. Мавжуд сиёсий тизимда ва жамият томонидан танланган сиёсий тузум доирасида умумий қабул қилинган сиёсий маданий бойлик асосида мутаносибликка эришиш. Сиёсий маданият сиёсий ҳаётни барқарорлаштирадиган асосни шакллантириб, бошқарув самарадорлигининг ошишига ёрдам беради.

Муносабатга киришувчи функция. Сиёсий жараён иштирокчилари ўртасида алоқа пайдо қилишга имкон беради. Шунингдек, сиёсий маданият элементларини авлоддан-авлодга ўтказиш ва сиёсий тажрибани оширади.

Бошқарув функцияси. Жамият онгида сиёсий бойликлар, маслак ва мақсад, сабаб ва ахлоқий меъёрлар тўғрисидаги зарур билимларни шакллантириб, уларни мустаҳкамлаш ишларини амалга оширади.

Тарбияловчи функция. У фуқароликни, шахсни сиёсатнинг тўла субъекти сифатида шакллантириш имконини беради.

61-савол. Сиёсий маданият қандай тузилишга эга?

Сиёсий маданият уч қисмдан иборат: сиёсий онг маданияти, сиёсий хулқ маданияти, сиёсий институтларнинг амал қилиши маданияти. Бу уч қисм ўз навбатида қуйидагиларга ажратилади:

1. Сиёсий онг маданияти:

- Сиёсий тасаввурлар ва ишонч;
- Сиёсий маслак;
- Сиёсий бойлик, анъана, одат, меъёрлар.

2. Сиёсий хулқ маданияти:

- Сиёсий иштирок маданияти;
- Сиёсий фаолият маданияти.

3. Сиёсий институтларнинг амал қилиши маданияти:

- Электорал жараён маданияти;
- Ижтимоий-сиёсий можароларни англаш ва назорат қилиш;
- Сиёсий қарорларни қабул қилиш ва амалга ошириш.

62-савол. Сиёсий маданиятнинг характерли белгилари нималардан иборат?

Сиёсий маданиятнинг ўзига хос белгилари қуйидагиларда намоён бўлади:

- у сиёсий жараёнларнинг элементлари ўртасидаги мустаҳкам ва такрорланадиган муносабатлар ва алоқаларни таъминлайди, сиёсий тажрибанинг барқарор жиҳатларини кучайтиради;
- жамият тарихий ривожининг табиий маҳсули, сиёсий ижоднинг жамоавий натижалари сифатида намоён бўлади;
- тотал характерга эга бўлиб, сиёсий муносабатлар сиёсий маданият билан сингган, тўйинган, озиқланган бўлади;
- аҳоли асосий қисмининг сиёсий онги ва сиёсий ахлоқини характерлайди ва сиёсий субмаданият таркибига кирмайди.

63-савол. Сиёсий маданиятнинг қандай турлари мавжуд?

Сиёсий маданият уч турдаги сиёсий мўлжалларни ўз ичига олади: патриархал, фуқаролик ва фаол иштирок мўлжали. Конкрет жамиятда уларнинг бирортаси доминант позицияда бўлиши мумкин. Мўлжалнинг бу уч идеал турлари сиёсий маданият учта турининг асосидир.

Патриархал сиёсий маданият маҳаллий бойликларга (уруғ, қабила бойликлари) йўналгани билан характерланади. У маҳаллий ватанпарварлик, маҳаллийчилик, коррупция шаклида ҳам намоён бўлиши мумкин. Якка шахс глобал сиёсий маданиятни секин қабул қилади ва аниқ сиёсий фаолиятни амалга оширмайди. Сиёсий маданиятнинг бу тури асосан ёш мустақил давлатларга хос.

Фуқаролик сиёсий маданияти якка шахснинг сиёсий тизимга султ муносабатини билдиради. Бунда шахс анъаналарга таянади, бироқ, у сиёсий жиҳатдан онгли бўлади. Ҳокимиятга бўйсуниб, индивид ундан турли ёрдамларни (ижтимоий ёрдамлар, кафолатлар) кутади ва диктатура хавфидан қўрқиб яшайди.

Иштирок маданияти сиёсий фаоллиги, рационалиги билан ажралиб туради. Фуқаролар қонуний йўл билан (сайлов, намойиш) сиёсат ва ҳокимиятга таъсир ўтказишга ҳаракат қилади.

64-савол. Сиёсий субмаданиятлар деганда нима тушунилади?

Жамиятнинг сиёсий маданияти мутлоқ равишда бир турли бўла олмайди. Барча мамлакатларда мавжуд субмаданиятлар бир-биридан фарқли бўлган сиёсий маданият, жамиятнинг турли хил қарашларини келтириб чиқаради. Сиёсатшуносликда субмаданиятларнинг қўйидаги муҳим турлари ажратилади:

- минтақавий;
- ижтимоий-иқтисодий;
- этнолингвистик;

- диний;
- ёш билан боғлиқ тур.

Минтақавий субмаданият мамлакатдаги алоҳида минтақалар ўртасидаги фарқлар билан характерланади. Об-ҳаво, табиий ресурсларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги минтақанинг иқтисодий ихтисослашганлиги, меҳнат тақсимооти каби омиллар минтақанинг сиёсий маданиятига сезиларли таъсир кўрсатади.

Бу инсонларнинг ҳаётига сиёсий, маданий мавқеига умумий маданият даражасига бўладиган иқтисодий таъсирларни келтириб чиқаради.

Ижтимоий-иқтисодий субмаданият сиёсий ҳаётда муҳим аҳамият касб этадиган жамиятдаги турли хил гуруҳларнинг (сиёсий табақа ва синфлар) иқтисодий мавқеи, ҳаёт тарзи, эҳтиёж ва манфаатлари билан ифодаланади. Тадбиркорлик қатлами учун долзарб сиёсий қадрият - иқтисодий эркинлик ва ижтимоий барқарорлик, давлатнинг жамият фуқаролари томонидан бошқарилиши ва уларнинг қарорлар қабул қилишдаги иштироки шулар жумласидандир.

Этнолингвистик субмаданият ижтимоий гуруҳларнинг тил ва этник хусусиятлари билан боғлиқ. Бу гуруҳларнинг сиёсий маданиятига этник ўзликни англаш ва миллий характернинг хусусиятлари каби омиллар белгиловчи таъсир кўрсатади. Бунда, сиёсий қадриятлар, хоҳиш-истаклар ва маслаклар этник омилга нисбатан иккиламчи бўлади.

Диний субмаданият дин муайян кишилар гуруҳи умумий маданиятининг асосий элементи сифатида чиққанда юзага келади.

Ёшга боғлиқ субмаданият турли авлодлар вакиллариининг сиёсий қадриятлари тизимини акс эттиради. Асосан, бундай маданият сиёсий онги етук жамиятларда мавжуд бўлади. Ёшани яшаб бўлган сиёсий воқелик асосида шаклланган катта авлоднинг сиёсий маданияти замонавий, аввалгилари билан доим ҳам мос келмайдиган ёш авлод қарашларидан кескин фарқ қилади. Барқарор тизимларда ёш категорияси сиёсий маданиятга нисбатан кам таъсир кўрсатади.

65-савол. Мамлакатимизда сиёсий маданият шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?

- Ўзбекистоннинг маданий ривожланиши чуқур илдизларга асосланган бўлиб, мамлакатимиз халқлари дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўшганлар;
- миллий маданият аҳамиятининг ўсиб бориши ва маънавий тикланиш;
- сиёсий маданият демократик моҳиятининг юксалиб бориши ва

инсонлар сиёсий фаоллигининг ошиши;

- сиёсий маданиятнинг диний, ислом маданияти билан чамбарчас боғлиқлиги.

66-савол. Аҳолимиз сиёсий менталитетининг қандай характерли хусусиятлари бор?

Ўзбекистонда турли ижтимоий табақалар ўзига хос сиёсий менталитетига эга бўлсада, лекин жамиятимизнинг аксар қисмига кундалик даражада тааллуқли бўлган умумий тасаввурлар, миллий ва диний қадриятлар ҳамда қарашлар мавжудки, улар қуйидагилардан иборатдир:

- Жамиятимизнинг сиёсий менталитетида давлат ҳокимиятининг етакчилик образининг намоён бўлиши; Халқ ҳокимиятга маълум функцияларни бажаришдан ҳам кўра кўпроқ ўз тақдирини ишониб топширади. Шу маънода, патернализм Ўзбекистон жамиятининг сиёсий менталитетида асосий қадриятлардан бири ҳисобланади.

- Давлат ҳокимиятининг нуфузли эътирофи, унга куч ва ҳукмронлик тимсоли деб қараши. Бундан давлатга ғайритабиий хусусиятларга эга тузилма, деб қарашга, уни ҳаётий воқеликнинг асоси ва негизи деб идрок этишга асосланади.

- Ўзбекистон сиёсий менталитетида давлат катта оилага тенглаштирилади. Бу эса фуқароларнинг давлатнинг ҳал қилувчи мавқеи деб билиши ва улар томонидан қўллаб-қувватланишини англатади.

67-савол. Сиёсий коммуникация нима?

Сиёсий коммуникация сиёсатнинг ўзига хос ижтимоий-ахборот майдонидир. У сиёсий фаолиятни структуравийлигини таъминлаб, унга янги мазмун берадиган, сиёсий ахборотни узатиш ва алмашиш жараёнини ифода этади.

Сиёсий коммуникация элитадан халқ оммасига томон йўналган бир томонлама ахборотларни эмас, балки сиёсатга таъсир кўрсатадиган норасмий коммуникациявий жараёнларнинг тўлиқ диапазонини қамраб олади.

Коммуникация норасмий алоқалар, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар (институтлар), оммавий ахборот воситалари каби учта асосий усулда амалга ошади.

Сиёсий хабарларнинг хусусиятларига кўра уч тури мавжуд:

- таъсирчан (бўйруқ, эътиқод);
- хусусий информатсион (реал ва уйдурма хабарлар);
- фактик хабарлар (сиёсат субъектлари орасида алоқани ўрнатиш ва ушлаб туриш билан боғлиқ маълумотлар).

68-савол. Сиёсий мафкуралар қандай мазмунга эга?

Сиёсий мафкура (грекчадан «idea»- ғоя ва «логос»- билиш) - ғоялар тизими, қарашлар, тасаввурлар, эҳтиёжлар нуқтаи назаридан сиёсий борлиқнинг тафаккурда назарий жиҳатдан намоён бўлиши, эҳтиёж, ижтимоий гуруҳ ва табақаларнинг маълум бир мақсад ва идеаллари, миллий бирлашмаларини ўзида акс эттиради. У нисбатан у ёки бу гуруҳ фуқароларнинг тасаввурлари, уларнинг сиёсий ҳокимият орқали мақсад ва эҳтиёжларини намоён этиши ёки унга таъсир этишининг тизимлашган йиғиндисидир.

“Мафкура” (идеология) атамаси XVII-XVIII асрларда Францияда вужудга келган ва француз тадқиқотчиси Антуан Дестют де Траси (1754-1836) томонидан қўлланилган. Аввал бу атама билан ғоя, фикрнинг табиий вужудга келишини тадқиқ қилиш ва хаёлий фикрларни фош қилишга қаратилган янги фанни ифодалашга ҳаракат қилишган.

Мафкуралар сиёсий-ижтимоий дунёқараш сифатида ўзига хос феномен бўлиб, унинг таркиби ишонч кучига эга бўлган фикрлаш майдонини қамраб олади. Мафкуранинг бошланғич нуқтаси, маълум интеллектуал ҳудудда ривожланувчи, ижтимоий онга таъсир этувчи ва оммавий сиёсий ҳаракатларни вужудга келтирувчи ғоялардир. Сиёсий дунёқараш сифатида ғоя индивидлар ва ижтимоий гуруҳлар фаолиятини зарур қадриятлар доирасида мазмуний бойитиш ва амалиётга киритиш хусусиятига эга.

Мафкуралар XIV асрга келиб буюк тикланиш даври, яъни шахсий ва ижтимоий оннинг диндан озод бўлиши – секуляризация жараёни билан боғлиқ равишда юзага келган.

69- савол. Мафкуранинг хусусиятлари ва функциялари нималардан иборат?

Мафкуранинг роли жамиятда бажарадиган функциялари билан белгиланади. Улар сиёсий ғояларга ишонтириш кучига эга бўлган дунёқараш сифатида намоён бўладиган қадриятларни ўз ичига олади. Бундан келиб чиқиб мафкуранинг қуйидаги функцияларини санаш мумкин:

Ориентацион (мўлжал берувчи) функцияси. Жамиятнинг шаклланишида асос бўлувчи, ижтимоий юксалиш, шахсият, ҳокимият, мафкура, инсоният

фаолиятига фикрлар тизими ва мўлжалларини таклиф этиш билан ифодаланади.

Сафарбарлик функцияси. Комил ва етук жамиятга эришиш мақсадига йўналтиради. Яъни, сиёсий мафкура бевосита сиёсий фаолият мотиви сифатида намоён бўлиб, жамиятни, ижтимоий гуруҳларни унинг амалга ошишига сафарбар қилади.

Интеграция функцияси. Жамиятда мавжуд индивидуал ёки гуруҳ манфаатлари учун умумий йўналиш, мазмун бериш орқали, уларнинг мувофиқлигини, интеграллигини таъминлайди. Шу орқали жамиятда турли хил йирик-йирик сиёсий кучлар вужудга келади. Сиёсий мафкура шахсий манфаатларга қарама-қарши бўлиб, интеграцияловчи омил сифатида намоён бўлади.

Амортизация функцияси биноан, сиёсий мафкуралар сиёсий воқеликни талқин этиш услуби сифатида жамият, гуруҳ, индивид эҳтиёжлари ва уларни қондиришнинг реал имкониятлари ўртасида номувофиқлик туфайли пайдо бўлган ижтимоий кескинликнинг сусайишига хизмат қилади.

Муайян ижтимоий гуруҳ манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш функцияси. Унинг моҳияти шундаки, сиёсий мафкура бирор-бир ижтимоий гуруҳ манфаатлари асосида пайдо бўлиши ва уларнинг бошқа гуруҳ манфаатларига қарши қўйишга қаратилганидан иборат.

Сиёсий мафкура ушбу функцияларни, уни бошқа сиёсий билим шаклларида фарқловчи қуйидаги икки хусусиятга кўра бажаради: бу- тўлиқ аҳамиятга (ёки глобалликка) даъвогарлик ва нормативлик. Ҳар қандай сиёсий мафкура бошқа мафкураларни бостиришга, дунёни ўзгартиришга бўлган қудрати тўғрисида жар солишга ва олдига қўйган ғояни амалга ошириш учун ҳамма нарсани қўллашга интилади. Мафкура ўзи ривожлантираётган қадриятлар ва нормаларга ўзининг тарафдорлари томонидан садоқатни талаб қилади.

70-савол. Мафкураларнинг қандай турлари бор?

Ҳозирги даврда мафкураларнинг бир қанча устувор турлари мавжуд:

- ўнг мафкуралар – мафкуравий жараённинг эркин рақобат, бозор, хусусийлаштириш ва корхоналар очиш каби ҳодисалар билан узвийлигини ифода этади. Бундай мафкуралар ҳам бир хил булмайди, улар бутун сиёсий мафкуралар спектрини, реакция қарашларни (фашизмнинг барча кўринишлари, расизм) қўллаб-қувватловчилардан тортиб, то либерал демократик (либерализм, консерватизм) ғояларни ҳам ўз ичига олади;

- сиёсий спектрнинг сўл йўналишини ташкил этувчи мафкуралар эса, ижтимоий жараёни жамиятнинг тенгликка, ижтимоий адолатга эришиш ва

шахснинг ҳар томонлама шаклланишига шароит яратиб бериш учун доимий қайта шаклланиши сифатида кўрувчи мафкуралардан таркиб топади. Сўл мафкуралар радикал, инқилобий, тадрижий йўлни ёқловчи каби шаклларда намоён бўлади.

71- савол. Либерализм қандай мафкура?

Либерализм - бу давлатнинг фаолият соҳаларини қисқартириб, шахс эркинлиги ва индивиднинг бошқа фуқаролик сиёсий ҳуқуқларини кенгайтириш тарафдори сифатида намоён бўлувчи таълимот ва ижтимоий-сиёсий оқимдир. Либерализм мафкуравий оқим сифатида Англияда XVII аср ўрталарида вужудга келган. Унинг асосчиси Джон Локк (1632-1704). Кейинчалик, буржуа тизимига ўтиш оқибатида либерализм бутун ғарбий Европага тарқалди ва XIX аср ўрталарига келиб бу ерда устувор мафкурага айланди. Шу вақтга келиб, унинг асосий тамойил ва мақсадлари шаклланган:

Асосий тамойиллари:

- Алоҳида шахс, (шунингдек, шахснинг индивидуал эҳтиёжлари ва ҳуқуқлари) бутун жамият ва унинг институтларидан кўра муҳим ва реалдир;
- Ҳар бир шахс индивидуалдир, улар орасидаги ўхшашлик ва алоқалар шартли ва иккинчи даражалидир;
- Инсон ҳамма қонун ва қадриятларни ўзи яратади;
- Инсон индивидуал равишда эркин ва асосида шахсий мулк ётувчи ўз озодлиги олдида масъулдир.

Либерализмнинг мақсадлари:

- парламентар тузум ва парламентчилик анъаналарининг тарафдори бўлиш;
- давлатнинг ўсиб боровчи иқтисодий ва ижтимоий функцияларига салбий муносабатда бўлиш;
- ҳокимиятларнинг бўлиниши, сиёсий плюрализм ва қонун устуворлиги зарурияти;
- фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда инсон шахсиятининг ҳурмати ва қадрини таъминлаш;
- плебисцитар («плебс» - халқ) демократия амалиётини кенг тарқатиш, қонунларни умумхалқ миқёсида муҳокама қилиш, маҳаллий ўзини-ўзи бошқарувни мустаҳкамлаш;
- элитаризмнинг демократик моҳиятини асослаш, элиталар рақобатининг зарурияти;
- муҳим сиёсий муаммоларни ҳал қилишда компромисс (муроса), консенсус (келишув) ва ягона фикрга келишга эришиш.

72- савол. Неолиберализм қандай оқим?

XX асрнинг 30-йилларига келиб, либерал сиёсий доктринани замонавийлаштириш зарурияти пайдо бўлди. Классик либерализм асосида вужудга келган ва ўтган асрнинг 50-60 йилларидан кейинги ривожланишни бошидан кечирган неолиберализм ҳозирда кучли мафкуравий оқим ҳисобланади. Унинг моҳияти шундаки, шахсий мулк, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини таъминлаш билан бир қаторда, жамият манфаатларини амалга оширишда нафақат иқтисодиёт, балки бошқа соҳаларда давлатнинг ҳам ролини ҳисобга олиш зарур.

Давлатнинг ижтимоий функцияларини ва унинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларига аралашуш чегарасини кенгайтириш тўғрисидаги тезис неолиберализмга асос бўлган. Сиёсий тизимнинг энг муҳим қадриятлари сифатида адолат, давлатнинг ҳуқуқий чеклаши, ҳукуматнинг маънавий қадриятлар ва принципларга йўналиши, сиёсий жараёнда оммаларнинг иштирок этиши, элиталар рақобати тан олинган. Неолиберализмнинг асосий маъносини қуйидагича асослаш мумкин: “давлат шахсни бозор иқтисодиёти суистеъмоли ҳамда негатив оқибатларидан чегаралаши зарур”.

73-савол. Консерватизм қандай тамойил ва ғояларга таянади?

Консерватизм - бу тарихда вужудга келган давлат ва ижтимоий ҳаёт, хусусан унинг оила, миллий хусусиятлар, дин ва мулкӣ муносабатларга асосланган шакллариини сақлаб қолиш ва қўллаб-қувватлашга асосланган мафкуравий сиёсий таълимот ва оқимдир. Консерватизм XVIII аср охири ва XIX аср охирида янги синфлар мафкураси эмас, балки тарихий саҳнадан кетаётган гуруҳларнинг янги шароитларга муносабати сифатида вужудга келди.

Консерватизмнинг асосий тамойиллари:

- жамиятнинг ўз тарихий илдизларига эга меъёр, анъана, урф-одатлар ва институтлар тизими экани;
- амал қилаётган институт исталган назарий схемадан кўра афзалроқ бўлиши;
- давлат авторитетига таяниш;
- шахс табиатини баҳолашда пессимизм, инсон онгига бўлган муносабатда скептицизм устуворлиги;
- инсонлар орасида ижтимоий тенглик имконияти;
- шахсий мулк - шахсий эркинлик ва ижтимоий тартиб кафолати;

Консерватизмнинг асосий ғоялари:

- индивиднинг ижтимоий борлиғи анъаналар асосида қурилиши лозим;
- миллий буюклик ғояси;
- жамиятга ижтимоий тенгсизлик ва сиёсий рақобатнинг хослиги;
- ижтимоий ҳаётга фаол сиёсий аралашувдан воз кечиш;
- ҳокимиятнинг сайланган институтлари ва парламентаризмга интилиш.

74-савол. Неоконсерватизмнинг тамойиллари ва ғоялари нималардан иборат?

Неоконсерватизм бу мумтоз консерватизм ва либерализм ғояларини мужассамлаштирган мафкурадир. Неоконсерватизм XX асрда анъанавий консерватизм, либерализм ва технократизм ғоялари синтези сифатида вужудга келган. Унинг намоёндалари: назарияда- Ф.Хайек, сиёсатда - Р.Рейган, М.Тетчер, Ж.Шираклар ҳисобланади.

Неоконсерваторлар давлатга нисбатан ўзига хос муносабат билдириб, унинг жамият бошқарувидаги аҳамиятини тан оладилар. Лекин, бу чекланган бўлиши лозим, деб ҳисоблайдилар. Неоконсерватизмга кўра, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг сиёсий услублари кам самара бериши сабаб, бу муаммоларнинг ижтимоий эмас, балки шахсий табиатга эгалигидир. Шунинг учун, улар индивиднинг ҳаракати ва фаолияти натижасида самаралироқ ҳал этилади.

Неоконсерватизмнинг асосий ғоялари:

- Жамият ва инсонни реал ривожланишининг асосий омили фақат бозор муносабатларидир;
- Эркинлик ва тенглик зид тушунчалардир;
- Классик демократияни амалга ошириб бўлмайди, чунки у зарарли. Демократия ва элиталар ҳокимиятини уйғунлаштириш керак;
- Шахснинг асосий ҳуқуқи мулкка эгалик қилиш ва уни эркин тасарруф этишдан иборат.

75-савол. Социал демократизм асосида қандай ғоялар мавжуд?

Социал демократизм – бу социалистлар сиёсий таълимоти ва оқими бўлиб, тадрижий ривожланиш, демократик социализмга босқичма-босқич, ислохотлар орқали ўтишга йўналтирилган оқимдир.

Социал демократизмнинг хусусиятлари:

- Жамият ҳаётининг материалистик талқини;
- Ижтимоий ҳодисалар таҳлилига меҳнаткашлар, бутун халқ нуқтаи назаридан ёндашиш;
- Мавжуд ва истиқболдаги мақсадларнинг инсонпарварлик хусусияти;

- жамоавийлик;
- Тарихий оптимизм.

Социал демократизмнинг асосий ғоялари:

- Сиёсий ҳокимият шакли сифатида ҳар қандай диктатурани рад этиш;
- Демократик парламентаризм принципига содиқлик;
- Муҳим муаммоларни ечишда сиёсий плюрализмга ва консенсусга таяниш;
- Иқтисодиёт ва бозор механизмнинг ривожланишини давлат томонидан бошқариш;
- ижтимоий ҳимоя концепциясига содиқлик;
- Турли давлатларнинг тинч-тотувлиги ва уларни етарли даражада хавфсизлигини таъминлашга йўналганлик.

Ғоявий моҳияти жиҳатидан социал демократизм ўзига хосдир. Иккинчи Жаҳон урушидан кейин, баъзи Европа мамлакатларида (хусусан Скандинавия мамлакатларида) ўзларининг назариялари тўғрилигини исботлаб, социал демократлар парламент механизми орқали ҳокимият тепасига келди ва ислохотларни амалга оширди. Шу орқали, тарихан социал демократизм ва бошқа оқимлар ўртасидаги 100 йилдан буён ривожланиб келаётган тортишувлар социал демократлар фойдасига ҳал бўлди деб, ҳисобланади.

76-савол. Анархизм нима?

Анархизм - бу сиёсий жараёнларга сезиларли таъсир кўрсатадиган турли хил сиёсий оқим, кайфият ва йўналишлар мажмуидир. М.Штирнер, Михаил Бакунин (1814-1876), Петр Кропоткин (1842-1921), Ж.Сорел кабилар анархизм асосчилари ҳисобланади. Анархизмнинг барча шаклларига хос бўлган умумий жиҳат, бу давлатни ёвузликнинг асосий манбаи сифатида кўриш, унинг йўқ бўлишини эса, ижтимоий муносабатларнинг асосий шароити деб билишдан иборат. Анархистлар, шунингдек, давлат ҳокимиятига таъсир кўрсатиш ва уни бошқариш билан боғлиқ ҳодисалар бўлгани сабаб, партия ва ташкилотлар фаолиятига ҳам қарши турадилар.

Анархизм қуйидаги хусусиятларига кўра дунё амалиётида қадрланмайди:

- Анархистлар ўта мавҳум келажак манзараси сари оммани орқаларидан эргаштириб борадилар;
- Яхши тузилма ва бошқарувга эга бўлмагани натижасида, анархистлар ўз ҳаракат усулларини ўзгариб бораётган шароитларга мослай олмайдилар;
- Анархистик оқимлар ичида тактик ва стратегик масалалар, ягона мақсадни амалга ошириш имконини бермайдиган келишмовчиликлар мавжуд.

77-савол. Технократизм қандай мафкура?

Технократизм – бу, сиёсий муаммоларни ечиш ва талқин қилиш усулларига асосланган назариялар мажмуи. Унинг асосида сиёсий тизимларнинг конкрет манзарасига айнан, техника ва унинг тадрижий ривожланиши ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши ҳақидаги ғоя ётади. Бундай ёндашувга биноан, сиёсий ва техник соҳалар уйғунлиги содир бўлади, техник тизимларни яратиш ва бошқариш билан машғул инсонлар ижтимоий ва сиёсий янгиликларни таъминлашда асосий роль ўйнаши эътироф этилади. Сиёсий йўналиш сифатида технократизм тадрижий ривожланишнинг бир қатор босқичларидан ўтган.

Биринчи босқич америкалик иқтисодчи, социолог Т.Веблен номи билан боғлиқ. У “муҳандислар инқилоби” деган ғояни илгари сурди. Унга мувофиқ, муҳандислар нафақат ишлаб чиқаришда, балки сиёсатни техноҳокимиятга айлантирган ҳолда, жамиятда ҳам ҳокимиятга эга бўлишлари керак.

Ягона индустриал жамият ва конвергенция назарияси XX асрнинг 60-йилларида кенг тарқалди. Замонавий ривожланган мамлакатларнинг индустриал технологиялар, ишлаб чиқаришни бошқарув тизимлари, ижтимоий тузилма ва маданиятини кўпгина жиҳатларининг ўхшашлиги сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш усулларида ҳам умумийликнинг ошиб боришини таъминлади. Бошқача айтганда, капиталистик ва социалистик тизимлар ўртасидаги принципиал фарқларнинг йўқлиги ҳамда уларнинг тадрижий ривожланишини умумий сифатлар томон шаклланиб бориши содир бўлди.

XX асрнинг 70-йилларида пайдо бўлган **«технотрон постиндустриал жамият назарияси»** компьютер тизими ва технологияларни, электрон техникаларни ишлаб чиқариш маиший ҳаёт, бошқарув, алоқа ва маориф соҳаларида фаол ишлатишга эътиборини қаратади.

Постиндустриал жамият назарияси технократизмнинг анъанавий қоидаларидан анча узоқ бўлиб, унинг тадрижий ривожланиши сиёсий жараёнларни белгилайдиган маданият, маориф, ахборот ва ҳуқуқ каби омилларнинг ролини тан олишга қаратилган.

78-савол. Ҳозирги даврда дунёда яна қандай сиёсий мафкуралар мавжуд?

Ҳозирги даврда, юқорида номлари санаб ўтилган сиёсий мафкуралардан ташқари, этносиёсий, сиёсий экологик, сиёсий диний ва турли экстремистик мафкуралар ҳам дунё сиёсий маконида намоён бўлмоқда.

Этносиёсий мафкуралар охириги 10 йил ичида нафақат ривожланаётган, балки ривожланган (Англия, Испания, Белгия) давлатларда ҳам кенг тарқалган.

Этносиёсий мафкуралар айниқса, собиқ Югославия, Чехословакия ва МДХ нинг баъзи республикаларида кенг кўламда тарқалди. Бу эса, мазкур давлатларни парчаланишига омил бўлди. Бу мафкуранинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, халқлар, айниқса, кам сонли халқлар ўз давлатчилигига эришишга ва бу билан ўзига хос хусусиятлари, яъни тили, маданияти, анъаналарини сақлаб қолиш учун қулай шароит яратишга интилади.

Экологосиёсий ғоялар урушдан кейинги ўн йилликда вужудга келди ва 70-80 йилларда тез ривожланди. Бунга ривожланган мамлакатлардаги оғир экологик вазиятлар сабаб бўлди. Шунинг учун, бу ғоявий оқим инсон яшайдиган атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, бу борада зарур қонунлар ва ҳукумат қарорларини қабул қилиниши учун ўз ҳукуматларига ва қонун чиқарувчи органларига таъсир этиш орқали экологияни яхшилашни ўз олдига мақсад қилиб олган. Ҳозирда бу оқимлар кўпгина мамлакатлар ҳукуматида ва парламентларида ўз вакилларига эга.

Диний-сиёсий мафкуралар юқоридагилардан фарқли равишда, анча олдин пайдо бўлган. Ғояларнинг бу тури диний ақидаларга таянади. Уларнинг асосий мақсадлари нафақат, давлатга таъсир ўтказиш, балки мумкин бўлган жойларда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш ҳамдир. Баъзи мамлакатларда, айниқса, Яқин Шарқ ва Осиёда, диний оқимлар давлат бошқарувига эришган (Эрон, Покистон, Афғонистон, Саудия Арабистони).

Экстремистик ғоялар – неофашизм, экстремистик терроризм. Уларнинг мақсадлари сиёсий ҳокимиятда барқарорликни бузиш, уни қўлга киритиш ва ўз шахсий ниятларига эришишдан иборат.

79-савол. Замонавий сайлов тизимларининг қандай шакллари бор?

Сайлов тизими – сиёсий ҳокимият ваколатли органларининг қонуний шаклланишини таъминловчи ва назорат қилувчи қоидалар, усуллар ва жараёнларнинг мажмуидир. Ҳар бир давлатда сайлов тизими мамлакат конституциясида қайд этилган қоидалар асосида амал қилади. Қонунчиликда номзодларни кўрсатиш тартиби, уларга бўлган талаблар, сайлаш жараёни ва овозларни ҳисоблаш, оммавий ахборот воситалари хизматидан фойдаланиш усуллари ҳамда молиялаштириш манбалари ҳақида қоидалар келтирилади.

Сайлов тизимлари узоқ тарихий тадрижий ривожланишга эга. Уч асрлик ривожланиш натижасида ваколатли демократия маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув ва давлат бошқарув органларининг шаклланишида фуқароларнинг иштирок этишининг иккита асосий тизимини ишлаб чиқди: мажоритар ва пропорционал сайлов тизимлари. Замонавий шароитларда улар асосида аралаш шакллар ҳам

қўлланилади.

Мажоритар сайлов тизими – бу шундай тизимки, унга кўра ғолиб этиб сайловларда қатнашган (баъзи ҳолларда эса рўйхатдаги) сайловчиларнинг 50 фоиз овози ва яна 1 овозни қўлга киритган номзод эълон қилинади.

Мажоритар тизимда номзод ва сайловчилар ўртасида бевосита мулоқот юзага келади ва мустаҳкамланади. Номзодлар ўз сайлов округларидаги ишларнинг боришидан, сайловчиларнинг қизиқиш ва манфаатларидан яхши хабардор бўлишади, уларнинг фаол вакиллари билан шахсан танишишади.

Шу билан бирга, сайловчилар ҳам ўзларининг манфаатларини давлат органларида ҳимоя қилишни кимга ишонаётганлари ҳақида тасаввурга эга бўладилар. Мажоритар тизимда мамлакатнинг нисбатан кучли сиёсий оқимлари вакиллари сайловда ғолиб чиқадиладар. Бу, ўз навбатида, аҳамиятига кўра кичик ёки ўрта партияларнинг давлат органлари ва парламентдан сиқиб чиқарилишига олиб келади. Мажоритар тизим, у қўлланилаётган мамлакатларда икки ёки ундан кўп партияли тизимнинг шаклланиш йўналишини яратиб, мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Мажоритар тизимнинг устунлик жиҳати шундаки, унда самарали ишлайдиган ва барқарор ҳукуматни шакллантириш имкониятлари мавжуд. У йирик, яхши ташкил этилган партияларга сайловларда осон ғалаба қозонишга ва бир партияли ҳукумат тузишга имкон беради.

Мажоритар тизим камчиликлари:

- Мажоритар тизимда парламент мандатларини тақсимлашда номзод томонидан нисбатан кўп овоз йиғиши асос қилиб олинади. Бошқа номзодларга берилган овозлар эътиборга олинмайди;
- мамлакатдаги сайловчилар катта қисмининг давлат органларида манфаатлари ҳимояланмай қолади;
- сайловларда рақибларига нисбатан камроқ овоз тўплаган партия парламентда кўпроқ депутатлик ўринларига эга бўлиши мумкин;
- бир хил ёки бир-бирига яқин миқдорда овоз йиққан икки партия давлат органларига бир хил миқдорда номзод киритмайди.

80-савол. Пропорционал ва аралаш сайлов тизимларининг ўзига хос хусусиятлари нималарда намоён бўлади?

Пропорционал тизим партия рўйхатларига кўра сайловларни, депутатлик мандатларини у ёки бу партия томонидан сайловларда йиғилган овозлар сонига пропорционал нисбатда тақсимланишини билдиради. Шунингдек, қарийб барча

қонунчиликларда партия қонун чиқарувчи органда қатнашиши учун енгиб ўтиши керак бўлган тўсиқ мавжуд (одатда бу сайловчиларнинг камида 5 фоиз овозини тўплаш дегани).

Пропорционал тизим икки хилда бўлади:

- умумдават даражасидаги пропорционал сайлов тизими. Бунда, сайловчилар бутун мамлакат миқёсида сиёсий партияларга овоз берадилар, сайлов округлари ажратилмайди;
- кўп мандатли округларга асосланган пропорционал сайлов тизими. Бу ҳолда депутатлик мандатлари сиёсий партияларнинг сайлов округларига таъсир ўтказа олишига қараб тақсимланади.

Пропорционал сайлов тизимининг устунлик жиҳати шуки, унинг ёрдамида шаклланган давлат органлари сиёсий кучларнинг ўрнини, ҳақиқатга яқин бўлган жамиятнинг сиёсий ҳаётини акс эттиради. У ҳукумат ва фуқаролик жамияти ташкилотлари ўртасида акс мулоқот тизимини таъминлайди ва натижада, сиёсий плюрализм ва кўп партиявийликнинг ривожланишига хизмат қилади.

Тизимнинг камчиликлари:

- пропорционал сайлов тизимида ҳукумат шаклланиши билан боғлиқ қийинчиликлар вужудга келади. Сабаблари: аниқ ва кучли дастурга эга етакчи партиянинг йўқлиги; ўз олдига турли мақсад ва вазифаларни қўйган партияларни ўз ичига олган кўп партиявий коалицияларнинг яратилиши;
- пропорционал сайлов тизими шунга олиб келадики, бутун мамлакат миқёсида тарафдорларга эга бўлмаган сиёсий кучлар давлат бошқарув органларида вакилликларига бўлишлари мумкин;
- сайловлар яқка номзод учун эмас, балки партия учун бўлаётгани учун депутатлар ва сайловчилар ўртасида бевосита алоқа суи бўлади;
- пропорционал сайлов тизимида сайловлар партия учун бўлганлиги сабабли депутатлар ўз партиялари ва унинг раҳбарларига боғланиб қоладилар. Бу ҳолат уларнинг қўлларини боғлаб қўяди ҳамда муҳим қонунчилик актларини муҳокама қилиш ва қабул қилиш жараёнига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Аралаш сайлов тизими юқоридаги иккала тизимнинг ҳам унсурларини ўз ичига олади. Масалан, ҳозир кўп мамлакатлаода депутатларнинг ярмини пропорционалликка, қолганини мажоритарликка асосланиб сайлайдилар.

Бу тизимнинг моҳияти шундаки, депутатлик мандатларининг бир қисми мажоритар тизим принципларига асосланиб тақсимланади. Бу мустаҳкам ҳукумат шаклланишига кўмаклашади. Мандатларнинг қолган қисми эса пропорционал

сайлов тизими принципларига кўра тақсимланади.

81-савол. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида сайлов тизимида қандай ўзгаришлар рўй берди ва унинг асосий хусусиятлари нимадан иборат?

Мустақиллик даврида мамлакатимизда миллий давлатчилигимиз мустаҳкамланди ва демократик анъаналар сезиларли даражада ривожланди. Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз фуқароларининг сиёсий жараёнларда, давлат ва жамиятни бошқаришда иштирок этишининг ҳуқуқий негизлари ва механизмлари мунтазам равишда такомиллаштирилиб борилди. Ўзбекистонда нафақат сайлов қонунчилиги янгиланди, балки сайловларга ёндашув фалсафаси ўзгарди.

Ўзбекистондаги мавжуд сайлов ҳуқуқининг асосий тамойиллари – умумий, тенг, тўғридан- тўғри ва яширин овоз бериш каби тамойиллардан иборат.

- *Умумий сайлов ҳуқуқи.* Бу ҳуқуқ Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга кирган ҳар бир фуқароси сайлов ҳуқуқига эгалигида, сайловчилар рўйхатига, сайлов участкаси ҳудудида сайловчилар рўйхати тузилаётган пайтда муқим ёки вақтинча яшаб турган барча фуқаролар киритилишида, ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкинлигида, барча фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган сайлов ҳуқуқлари давлат муҳофазасига олинганлигида намоён бўлади;

- *Тенг сайлов ҳуқуқи тамойилининг* маъноси шуки, Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси бир овоз бериш ҳуқуқига эга, бундан ташқари, сайловда ҳамма тенг асосларда қатнашади – аёллар ва эркеклар тенг сайлов ҳуқуқларига эга.

- *Тўғридан – тўғри сайлов ҳуқуқи* ҳокимият вакиллик органларига сайлов тўғридан-тўғри ўтказилишини билдиради. Сайловчиларнинг хоҳиш-иродаларини билдиришларига четдан таъсир кўрсатиш ва уларни назорат этишга йўл қўйилмайди.

- *Яширин овоз бериш тамойили.* Бу тамойил сайловчилар ўз иродаларини билдиришлари устидан назорат қилишга йўл қўйилмаслигини назарда тутди. Сайловчиларга участка сайлов комиссиясининг биносидан сайловчилар рўйхати билан олдиндан танишиб чиқиш имконияти берилган.

Сайлов жараёнларида фақат овоз бериш яширин бўлиб, қолган ҳаммаси очик ошкора ёки транспарентдир.

82-савол. Ижтимоийлашув (социализация) нима?

Ижтимоийлашув (социализация) (лотинча «socialist» ижтимоий) – индивид томонидан, унга жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида фаолият олиб бориши учун керак бўлган билим, норма ва қадриятлар тизимини ўзлаштирилишидир.

Сиёсий ижтимоийлашув жамият аъзоларининг, унинг қадриятлари ва ижтимоий фаолият шаклларига бирлашишидир. Ижтимоийлашув инсоннинг бутун ҳаёти давомида содир бўлади. У яширин ёки очик тажриба алмашиш орқали кечиши мумкин. Очик алмашиш ўз ичига маълумот, ҳис-туйғу ёки объектив сиёсат қадриятларининг кўчишини олади.

Сиёсий ижтимоийлашувнинг омиллари – бу, оила, мактаб, оммавий ахборот воситалари, сиёсий ташкилотлар фаолиятида ва сиёсий ҳодисалардаги иштирокдир. Сиёсий ижтимоийлашувнинг характери ва хусусиятига, у амалга оширилаётган мамлакатнинг минтақавий ва тарихий жиҳатлари сезиларли таъсир кўрсатади.

Сиёсий ижтимоийлашув тарихий тажриба орқали амалга ошади. Шу орқали унинг нисбатан мустаҳкам ва самарали элементлари жамланади.

Тарихий амалиётнинг авлоддан-авлодга ўтишининг воситаси урф - одатлар бўлиб, сиёсий жараёнларнинг ташкил қилиш шакллари ворисийлигини таъминлайди. Урф - одатлар таъсири хулқ-атворнинг аниқ стратегияларида акс этади, турли шароитлардан келиб чиқади.

Сиёсий ижтимоийлашув сиёсатнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги билан боғлиқ мақсадга мувофиқ элементларнинг мос келишини таъминлайди.

Сиёсий ижтимоийлашувнинг вазифалари:

- сиёсий ҳамжамятнинг янги аъзоларига ўзининг сиёсий маданияти янги элементларини узатиш;
- бу элементларнинг баъзиларини жамият ўзгаришининг зарур шароитлари асосида қайта шакллантириш;
- зарур шароитларда масалан, янги мустақил давлатнинг вужудга келишида янги сиёсий маданиятни яратиш.

83-савол. Сиёсий ижтимоийлашувнинг қандай турлари бор?

Сиёсий ижтимоийлашув турлари ўз ичига индивид ва ҳукумат ўзаро муносабатларининг намуналари ва стандартларининг энг характерлисини олади.

Натижада, сиёсий ривожланишнинг авлоддан авлодга ўтиши амалга оширилади.

Сиёсий ижтимоийлашувнинг гармоник тури индивид ва ҳокимиятнинг диалогини таъминловчи фуқаролик жамияти, етук демократик урф-одатларни, ягона негизга эга маданий муҳитни тақозо этади. Бундай маданият британо-американ маданиятига тўғри келади, бунга биноан, янги авлодни сиёсий ҳаётга қийинчиликларсиз кириб боришини таъминловчи индивид ва ҳокимият умумқабул қилинган идеал ва нормаларга асосланади.

Гарбий Европада **плюралистик сиёсий ижтимоийлашув**нинг шахс ва ҳокимият ўзаро таъсирлашувига асосланган турлари устувордир. Турли субмаданиятларнинг мавжудлиги индивиднинг ўз этник-маданий гуруҳидаги идеал ва қадриятлар чегарасидаги илк сиёсий ижтимоийлашувни англатади. Плюралистик сиёсий ижтимоийлашув чегарасида умумий демократия учта динамик мувозанатда бўлган шартларга асосланган. Булар, ривожланган фуқаролик жамияти, ҳокимиятнинг конституцион чекланиши ва шахснинг индивидуал эркинликларидир.

Нодемократик жамиятларга **зиддиятли сиёсий ижтимоийлашув** тури хосдир. Қашшоқлик, индивиднинг уруғ аймоқчиликка ўта даражада боғлиқлиги шахслар ўртасида мулоқотни мураккаблаштиради. Маданиятларнинг турличалиги бу жамиятда сиёсий зўравонликка асос бўлади. Индивиднинг маҳаллийчилик қадриятлари ва сиёсий нормаларни ўзлаштириши барча ҳолларда ўзга сиёсий субмаданият ташувчилари билан қаттиқ кураш орқали кечган.

Гарб муаллифлари **сиёсий ижтимоийлашувнинг гегемонистик турини** ажратиб кўрсатишади. Бу тур шахснинг сиёсатга фақат ва фақат муайян бир гуруҳ қадриятлари, маълум бир дин ёки сиёсий ғоялар орқали кириб келишини тақозо этади. Бундай сиёсий ижтимоийлашув тури кўпроқ ёпиқ сиёсий тизимларга хос.

84-савол. Сиёсий ривожланиш нимани англатади?

Сиёсий ривожланиш - жамиятнинг одатий, эскирган сиёсий тизимдан янги сиёсий тизимга ўтишини англатади. Сиёсий ривожланишни белгилаб берувчи омилларга аввало, иқтисодий ривожланиш даражаси киради. Иқтисоднинг юксак ривожини сиёсий эркинликка мос келади. Лотин Америкаси, Осиё ва Африка, яъни ривожланишнинг ўрта ва қолоқ даражасига тўғри келадиган минтақаларга авторитаризм хосдир.

Сиёсий ривожланишнинг қонунияти – жамиятнинг иқтисодий аҳволи билан бевосита боғлиқлигидир.

Сиёсий ривожланиш омилларидан бири, тенг ҳуқуқчиликка интилиш

тенденциясидир. У куйидаги белгилар билан характерланади:

- бевосита ёки демократик институтлар орқали сиёсий ҳаракатларда иштирок этиш;
- қонунларни умумийлаштириш, жамиятнинг барча аъзоларини уларнинг олдида тенглигини таъминлаш.

85-савол. Сиёсий жараён нима?

Сиёсий жараён – бу, сиёсий воқеа, ҳодисаларнинг кетма-кетликка асосланган, ўзаро ички боғланишга эга занжирдир. Шунингдек, у сиёсий ҳокимиятдан фойдаланиш, уни мустаҳкамлаш, ушлаб туриш, қўлга киритишга қаратилган турли сиёсат субъектлари хатти-ҳаракатларининг мажмуи ҳамдир.

“Жараён” атамаси (лотинча “processus” - олдинга интилиш, ҳаракат) одатда, ўз йўналишига эга бўлган муайян ҳаракат, қандайдир қадам, ҳаракат тартиби, ҳолат, босқич, ҳодисаларнинг кетма-кет алмашинуви, қандайдир мақсадга эришишдаги кетма-кетлик асосидаги хатти-ҳаракатлар давомийлиги тарзида талқин этилади.

Сиёсий жараёнларнинг асосий кўринишлари:

- сиёсий тизим органларини шакллантириш: бу жараёнда аввал мавжуд бўлмаган сиёсий ташкилотлар тузилади ва улар орасида маълум меъёрлар асосида бошқариладиган муносабатлар жорий қилинади;
- сиёсий тизим амал қилиши жараёнида унинг унсурлари ва хусусиятларини янгилаш: сиёсий ҳаёт фақатгина тўхтовсиз янгиланишлар, илгари мавжуд бўлмаган сиёсий муносабатлар ва институтларнинг вужудга келишидан иборат бўлмасдан, балки, расмий қоида, юридик ва ғоявий фикрлар, урф-одат каби механизмларни тадбиқ қилиш орқали бу муносабатларни барқарор сақлашга қаратилган фаолиятларни қамраб олади;
- сиёсий фаолият йўналиши ва сиёсий мақсадларга эришиш воситалари танлови борасидаги масалалар ва уларнинг ечимини белгилаб берувчи сиёсий қарорлар чиқариш ва уларни ижро қилиш;

Бу жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги доимийлик, сиёсий муносабатлар, улар ўзгариб туришининг устуворлиги, бу муносабатларнинг динамик бўлиши ва янгиланишига қаратилган мураккаб фаолиятлар тизимини вужудга келтиради.

86-савол. Сиёсий жараёнларнинг қандай турлари мавжуд?

Сиёсий ўзгаришларнинг маълум кетма-кетлигини тақозо этадиган сиёсий тизимнинг шаклланиш жараёнида, бу тизимнинг динамик мувозанатига эришиш йўллари бўйича 3 хил сиёсий жараённи ажратиш мумкин:

- технологик;
- идеократик;
- харизматик.

Бу таснифлаш назарий фараз, сиёсий амалиётда бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган баъзи турларнинг ажратиб кўрсатилиши натижасидир.

1. **Технологик турдаги сиёсий жараён.** Сиёсий ўзгариш омиллари ичида сиёсий технология ва жараёнлар: одатлар, нормалар, сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнлари, ҳокимиятни легитим тақсимлаш усуллари ва шу кабилар устувор ҳисобланади. Иштирокчилар қатъий равишда фақат ўзларига сиёсий анъана (одат) ва қонунчилик томонидан буюрилган сиёсий роль ва функцияларни бажарадилар.

Бу тип маданий муҳит нисбатан бир хил бўлган, асосан, англосаксон мамлакатларида учрайди. Аксарият аҳолининг урф-одатларга мойиллиги сиёсий тизимнинг барқарорлиги, унинг сиёсий институтларининг юқори самарадорлигини таъминлайди. Чунки, ҳар бир институт вакили ўз манфаатларини ҳимоячиси сифатида фаолият юритади.

2. **Идеократик турдаги сиёсий жараён.** Шахс мустақиллиги тушунчаси йўқ бўлган, янгиланишнинг бошланғич босқичида бўлган сиёсий роль ва функцияларнинг дифференциацияси асосида шаклланган анъанавий жамиятларга хос. Ирқий-маданий ва иқтисодий-ижтимоий нуқтаи назардан жамиятни умумижтимоий ғоя асосида интеграциялаш мумкин.

3. **Харизматик турдаги сиёсий жараён.** Бу тип шарқий маданият одатларига хос бўлиб, унда сиёсий лидернинг ўрни ва аҳамияти мутлақлаштирилади, кўп ҳолларда уни дохий даражасига кўтаришади. Лекин сиёсий лидер доим ҳам лавозим бўйича энг устун бўлавермайди. У норасмий раҳнамо ҳам бўлиши мумкин. Харизматик турдаги сиёсий ўзгаришлар фақатгина идеократик ва технократик сиёсий жараёнлар билан бирга амалга ошганда самарали ҳисобланади. Фуқаролик жамиятининг ва сиёсий инфратузилманинг етук бўлмаганлиги, ҳуқуқий маданиятнинг пастлиги ҳамда жамият шакли ва хусусиятлари тўғрисида умуммиллий келишувнинг йўқлигида, яна бир кишига таянишга тўғри келади. У эса бир амалдор ёки оддий шахс бўлиши ҳам мумкин.

Лидернинг харизмаси ё унинг мансабига, ё мавжуд ҳолатга норозилик билдириб, уни тезда тузатишга ваъда бериш орқали жамиятнинг кўпчилилик аъзолари орзу умидларини ифода эта олишига асосланади.

87-савол. Сиёсий инқироз нима?

Сиёсий инқироз – бу, сиёсий тизимнинг шундай ҳолати, унда келишмовчиликлар даражаси ўзининг кульминацион нуқтасига етади ва унинг ўз шаклини ўзгартириши заруриятга айланади. Бундай ҳолда, мавжуд ижтимоий тартибни сақлаш, можароларни ҳал қилиш воситалари номақбул ҳисобланиб, уларни қўллаш янада ҳам салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Ҳукумат тузилмалари қарорлари ва хатти-ҳаракатларига қарамасдан, аҳоли фаоллигини уйғотувчи жамиятдаги асосий муаммолар ечилмай қолади.

Бир қатор *сиёсатдан ташқаридаги муаммолар* ҳам борки, уларни ҳал қилмаслик инқирозни чуқурлаштиради. Узоқ муддатли иқтисодий муаммолар, экологик фалокатлар ва ҳарбий мағлубиятлар шулар жумласидандир. Буларнинг ҳаммаси сиёсий тизим институтларининг мавжуд сиёсий ҳолат эҳтиёжларини қондиrolмаслиги, турли декларациялар, мақсадлар ва уларнинг натижаси бўлган реал амаллар ўртасидаги тафовутларнинг ошиб боришида ўз аксини топади.

Инқироз натижасида икки хил вариантда сифат ҳолати вужудга келиши таъкидланади: у ёки бу йўл орқали уни тартибга солиш ёки сиёсий тизимнинг кишилар эҳтиёжларини қондиrolмаслиги, шунингдек, сиёсий тизим органлари фаолиятининг бузилиши кабиларда намоён бўлувчи ижтимоий фалокат. Бу органлар ҳаракатларидаги мувофиқлик тобора йўқолиб боради, улар на ижтимоий бошқарув ва на фуқароларни ҳимоя қилишни таъминлай оладилар.

88-савол. Сиёсий қарор деганда нима тушунилади?

Сиёсий қарор – бу, якка ёки жамоа бўлиб амалга ошириладиган сиёсий фаолият масалаларини, уларни ҳал этиш босқичлари ва усулларини, ҳокимиятни амалга ошириш билан алоқадорлигини аниқлаш жараёнидир.

Сиёсий қарор функциялари:

- мувофиқлаштириш - доимий равишда ўзгариб турувчи муҳитда фаолият олиб боровчи турли инсонлар хатти-ҳаракатларини мувофиқлаштириш;
- корреляция - янги шарт-шароит, янги фаолият муҳити, қўйилган масалани амалга оширишни оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи шароитлар вужудга келганда фаолият йўналишига ўзгартиришлар киритиш;
- дастурлаштириш - сиёсий жараёнда фаолиятнинг энг тўғри вариантини излаш сифатида намоён бўладиган, мақсад ва воситаларнинг энг самарали мутаносиблигини танлаш. Мақсадларни амалга ошириш имконияти вужудга келади, улар баҳоланади, ресурслардан самарали фойдаланилади.

Қабул қилинган қарор аниқлаштирилиб, сиёсий жараёни режалаштириш

актига киритилади. Бу акт қуйидагилардан иборат:

- Мавжуд сиёсий жараёнга жалб қилинган сиёсий институт ва ҳаракатларнинг мақсадлари ва фаолият босқичларини мувофиқлаштириш;
- Сиёсий жараённинг фаолият дастури иштирокчиларини иложи борича кўпайтириш;
- Сиёсий фаолият амалга оширилиши кўзланган шароитни баҳолаб, унинг асосий доминантларини, ихтилоф ва манфаатлар алоқадорликларини белгилаш. Кўзланган сиёсий фаолиятнинг муваффақиятли бўлиши шуларга таъсир ўтказишга боғлиқ;
- Сиёсий жараён иштирокчилари кўзланган мақсадни амалга оширишларига кўмаклашадиган, илҳомлантирадиган маълум психологик ёндашув ишлаб чиқиш бўйича чоралар кўриш.

Сиёсий қарор қабул қилингандан ва уни амалга ошириш дастурини ишлаб чиқилгандан кейин, одатда ҳолат ўзгаради. Янги шарт-шароитлар ҳосил бўлиб, ҳам қарорнинг ўзи, ҳам унинг амалиёт дастурига зарур ўзгартиришлар киритиш керак бўлади. Бу эса, мақсадларни янгилаш ва уларга эришиш вақтини ўзгартириш, стратегик масалаларни ҳал қилиш усул ва воситаларини аниқлаштиришни тақозо этади. Қарор ва фаолият йўналишига ўзгартириш киритиш жараёни доимий равишда мавжуд бўлиб, уни махсус ваколатга эга бўлган сиёсий тизим институтлари амалга оширишлари лозим.

89-савол. Сиёсий тартиб қандай ўрнатилади?

Сиёсий тартиб – бу, жамият сиёсий тизимининг ривож, самарали ва мақсадга мувофиқ фаолияти учун етарли шароитлар яратиб берувчи тадбирлар мажмуаси, бошқача айтганда, сиёсий жараёнларнинг маълум тартибга киритилиши демакдир. Сиёсий тартиб сиёсий тизимнинг ҳолатини, унинг фаоллашув ва режалаштирилган тадбирларни амалга ошира олиш қобилиятини ифодалайди.

Сиёсий тартиб қуйидагиларни тақозо этади:

- Сиёсий тизим фаолияти низоми, яъни унинг асосий қадриятлари ва масалаларини амалга ошириш фаолиятларининг кетма-кетлиги;
- Бошқарув тизими қисмлари фаолиятининг мувофиқлиги;
- Ҳимоянинг барча унсурларини амалга оширишнинг самарали кафолати ва воситаларининг (ҳарбий, ҳуқуқий, экологик, технологик, иқтисодий) мавжудлиги;
- Жамиятнинг тасодифий ва деструктив шарт-шароитлардан батамом эркинлиги, шахс ҳаётининг енгиллашуви.

Тартиб йўқлигида турли хил тасодифий омил ва фаолият мотивларининг пайдо бўлиш эҳтимоли ортади, шахсий хавфсизлик даражаси пасаяди, давлат обрўси тушади, жамиятда бебошлик ва танглик кучаяди. Бунинг натижасида, сиёсий тизим сиёсий жараёнларга ўзининг тартиблаштирувчи таъсир қилиш кучидан маҳрум бўлади.

90-савол. Сиёсий башорат нима?

Сиёсий башорат – бу, келажакда юз бериши мумкин бўлган сиёсий жараёнларнинг ривож, уни амалга оширишнинг муқобил йўллари ва муддатлари тўғрисидаги илмий асосланган мулоҳазани ишлаб чиқиш, шунингдек, мавжуд шароитда амалий фаолият учун конкрет кўрсатмаларни аниқлаш жараёнидир.

Муддати бўйича башоратлар оператив (1 йилгача), қисқа муддатли (5 йилгача), ўрта муддатли (5 йилдан 15 йилгача) ва узоқ муддатли (30 йилгача)га бўлинади. Муддатнинг ошиши билан башорат қилинаётган жараёнлар эҳтимоллик даражаси пасаяди.

Қуйидагилар сиёсий башоратнинг манбалари бўлиб ҳисобланади:

1. Статистик ахборот турлари;
2. Социологик тадқиқотлар ва ижтимоий сўровлар натижалари;
3. Оммавий ахборот воситалари маълумотлари;
4. Разведка маълумотлари;
5. Тарихий;
6. Психологик;
7. Иқтисодий;
8. Этнографик тадқиқотлар.

Башорат механизмлари (иш воситалари) – бу, юқори даражадаги башоратни таъминловчи ташкилий-техник унсурлар тизимидир. Унга ҳар хил турдаги анкеталаш, ижтимоий сўровларни сон ва сифат жиҳатдан баҳолаш усуллари, башорат қилишнинг махсус тизимлари киради.

Сиёсий башорат босқичлари:

- Сиёсий тизимнинг таркибий таҳлили, унинг унсурларини ажратиш, улар ўртасидаги алоқадорликлар хусусиятини, боғлиқликларни аниқлаш;
- Асосий омилларни танлаш, рақамларда ифодалаш, уларни таққослаш;
- Тизимда амалга ошаётган жараёнларнинг асосий тамойилларини ва ривожланиш йўналишларини аниқлаш;
- Бу жараёнлар экстраполяцияси (истикболдаги ҳолати);

- Бу траекторияларни ўзаро боғлиқликда синтез қилиш;
- Сиёсий тизим ривожининг башорат мажмуасини (комплексли башоратини)

жамлаш.

91-савол. Сиёсий башоратнинг усуллари қандай?

Сиёсий башорат қуйидаги усулларга таянган ҳолда амалга оширилади:

Экстраполяция усули. Бу усул, аксарият сиёсий жараёнлар, яъни муайян вақт давом этадиган ва ўз ҳаракат траекториясига эга бўлган ҳодисаларни, ўтмишда ва ҳозирда кечаётган воқеалар занжирини билган ҳолда аниқлашни ифода этади.

Таҳлил усули. Ўтмишда бўлиб ўтган ва ҳозирда кузатилаётган жараёнлар шартларининг ўхшашлиги асосида келажакда юз бериши мумкин бўлган ҳодисани аниқлаш. Бу усул ҳодисалар ва аҳолининг сиёсий феноменларини башорат қилишда қўлланилади.

Сценарий усули. Бутун дунё ёки минтакаларда келажакда кечиши мумкин бўлган ҳодисаларни тасвирлашни ифода этади. Бу усул жанжал, низоли ҳолатлар ривожини тасвирлаш, яқин ёки узоқ келажак учун мўлжалланган сиёсий қарорларни башорат қилишда қўлланилади. Сценарий тузиш ҳодисаларнинг ривожланиш сурати баҳолагига боғлиқ, баҳолар эса, муайян феноменга бўлган муносабатларда акс этади.

Эксперт баҳолаш усули. Бу усул, катта амалиётга эга бўлган, билими бошқаларникидан устун бўлган ва умумий тан олинган мутахассислар томонидан амалга ошади. Мутахассислар фикри сўров орқали ёки амалий ўйин орқали билинади. Бунда ўйин гуруҳ томонидан белгиланган ёки ишлаб чиқилган сценарий асосида олиб борилади.

Моделлаштириш усули. Бу усул келажак ҳақида билимнинг, объектнинг шартли образи яратилиши орқали амалга ошади.

92-савол. Халқаро муносабатлар қандай тамойилларга асосланади?

Халқаро муносабатлар давлатлараро, миллатлараро мулоқот соҳаси бўлиб, бу соҳада манфаатдор давлатлар ва миллатлар ўртасида ўзаро дипломатик, иқтисодий, ижтимоий, маданий ахборот муносабатлари шаклланади.

Халқаро муносабатлар қуйидаги тенденциялар асосида ривожланади:

Жамият ҳаёти барча соҳаларининг интернационаллашуви. Бу ҳодиса инсонлар, халқлар ўртасидаги алоқалар, ўзаро алмашинув ва таъсирларнинг, иқтисодиёт, таълим, маданият, фан, соғлиқни сақлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорликнинг ўсишида ўз аксини топади.

Глобал муаммоларнинг шаклланиши. Ер юзида яшовчи барча халқлар ҳаётига дахлдор муаммолар – глобал муаммолар деб юритилади. Булар, тинчликни сақлаш, ҳарбий агрессияга барҳам бериш, атроф муҳитни сақлаш, эпидемик хасталиклар билан кураш, жиноятчилик ва терроризмга қарши кураш кабилардир.

Демилитаризация ва демократиялашув жараёнлари. Ҳарбий соҳада келиб чиққан муаммоларни ҳал қилишда куч ишлатишдан босқичма-босқич воз кечиш. Бунда, қанчалик кичик бўлишига қарамай субъектларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш.

Халқаро муносабатларга қуйидаги омиллар таъсир қилади:

- глобал иқтисодий аҳвол;
- ҳарбий стратегик вазият;
- алоҳида давлатларнинг таъсири;
- хом-ашё ва табиий ресурслар, уларнинг тақсимооти.

Халқаро муносабатларнинг асосий субъектлари қуйидагилар:

- халқлар;
- давлатлар;
- давлатлараро бирлашмалар.
- глобал, минтақавий, сиёсий, ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари.

93-савол. Дунё сиёсати деганда нима тушунилади?

Дунё сиёсати миллатлараро алоқалар тизимининг бир қисми бўлиб, миллатлараро соҳада вужудга келадиган муаммоларни ҳал қилишда ўз манфаатларини таъминлашга қаратилади.

Дунё сиёсати қуйидаги тузилишга эга:

- Суверен, мустақил миллий давлатларнинг ташқи сиёсат фаолияти;
- Давлатлар ва халқлар томонидан масъул қилинган БМТ ва бошқа ташкилотлар даражасидаги фаолият;
- Минтақавий давлатлараро умумдават тузилмалар, гуруҳлар ва иттифоқларнинг сиёсий актлари.

Дунё сиёсатига қуйидаги ғоя ва мақсадлар асос бўлади:

- Уруш ва тинчлик;
- Умумхавфсизлик;
- Атроф-муҳит муҳофазаси;
- Қашшоқлик ва қолоқликни бартараф қилиш.

94-савол. Халқаро сиёсат қандай хусусиятларга эга?

Халқаро сиёсат халқаро муносабатларнинг муҳим қисми бўлиб, тараққиёт ва

ривожланишни таъминлашга хизмат қилади. Халқаро сиёсат глобал миқёсда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий барқарорликни таъминлашга, инсоният тарихида бошидан кечирган урушларнинг такрорланмаслигига, давлатлар ички ва ташқи сиёсатининг моҳиятини англашга қаратилади.

Ташқи ва ички сиёсатнинг ўзаро муносабати тўғрисида уч хил нуқтаи назар мавжуд. Биринчи нуқтаи назар Чикаго университети профессори Г.Моргенродга тегишли бўлиб, унинг фикрича, халқаро сиёсатнинг моҳияти ички сиёсатдан келиб чиқади. Ички сиёсат – ички ва халқаро жабҳаларда қарор топган турли шароитлар билан шартланган ҳукмронлик учун курашдир.

Иккинчи нуқтаи назарни австралиялик олим Л.Гумилович билдирган. У ташқи сиёсат ички сиёсатни белгилайди, деб ҳисоблаган. Яшаш учун курашни тан олиш асосида Гумилович ижтимоий ҳаёт омили сифатида халқаро сиёсат қонунини ишлаб чиқди. Унга кўра, чегаралар дахлсизлиги учун қўшни давлатлар ҳар доим кураш олиб боради. Ҳар бир давлат қўшниси кучайиб кетишига қаршилик кўрсатиши керак ва сиёсий тенгликни сақлаши керак. Ички ва ташқи сиёсат мувофиқлиги муаммоси ҳақида учинчи фикр ҳам мавжуд. Унга кўра ташқи сиёсатни ички сиёсат белгилайди ва у жамият муносабатларининг давоми ва акси ҳисобланади.

Халқаро сиёсатнинг мақсади халқаро ҳамжамят мавжуд бўлган конкрет тарихий шароитлардан келиб чиқади. Ташқи омиллар конкрет давлатлар ҳаётига таъсир кўрсатгани каби, халқаро сиёсат мазмунини ҳам белгилаб беради.

95-савол. Халқаро сиёсатнинг мазмуни нималардан иборат ва қандай таъминчиларга асосланади?

Халқаро сиёсатнинг мазмуни миллий манфаатлар таҳлили орқали очилади. Сиёсатда ҳар доим умумий ёки гуруҳий манфаатлар акс этади. Халқаро сиёсатда эса, кўпроқ миллий манфаатлар ўз ифодасини топади.

Миллий манфаатларга миллий давлатлар етакчилари томонидан яхши англаб етилган, фаолиятида ўз аксини топган аҳолининг туб эҳтиёжлари асос бўлади. Бу эҳтиёжлар миллий хавфсизликни ҳамда жамият барқарорлиги ва ривожланишини таъминлашда акс этади. "Миллий манфаат" концепцияси америкалик сиёсатшунос Ганс Моргентау(1904-1982) томонидан ишлаб чиқилган. Унга кўра, миллий манфаат уч элементдан ташкил топган:

- муҳофаза қилиниши зарур бўлган манфаатнинг табиати;
- манфаат амал қиладиган сиёсий муҳит;
- халқаро сиёсатнинг барча субъектлари учун мақсад ва воситаларни чекловчи

рационал заруриятлар.

Миллий манфаатларини амалга ошираётган давлат бошқа давлатлар манфаатларини ҳам назарда тутиши лозим. Шундагина, у нафақат ўз хавфсизлигини таъминлайди, балки бошқа давлатлар хавфсизлигини ҳам бузмайди. Миллий хавфсизлик шахс, давлат ва жамият ҳаётий муҳим манфаатларини ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш, ўз суверенитети, ҳудудий яхлитлигини сақлаш ва халқаро ҳуқуқнинг тенг субъекти сифатида иштирок қилишни англатади.

Шахс, жамият ва давлат хавфсизлиги тушунчалари айнан бир мазмунга эга эмас. Шахснинг хавфсизлиги унинг ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши бўлса, жамият хавфсизлиги, унинг моддий ва маънавий қадриятларини ривожлантиришдан иборат. Миллат хавфсизлиги давлатга хос бўлиб, у ички барқарорликни ишончли мудофаа, суверенитет, мустақиллик, ҳудудий яхлитлик каби омиллар билан белгиланишини англатади.

Ядро уруши хавфи сақланиб турган бир пайтда, миллат хавфсизлиги умумий хавфсизликнинг ажралмас қисмидир. Аксарият даврларда, асосан "кўрқитиш йўли билан ушлаб туриш" тамойилига асосланиб келинди. Аслида, умумий хавфсизликка у ёки бу давлат манфаатларини камситиш орқали эришиб бўлмайди, балки, бунга ҳамкорлик тамойилларига асосланиб эришиш мумкин.

96-савол. Мустақил Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат концепцияси қайси тамойилларга асосланади?

Ўзбекистон мустақилликка эришиши билан ўз ташқи сиёсатининг тамойиллари ва услубий асосларини мустақил ишлаб чиқиш, ижтимоий-сиёсий ривожланишининг йўллари аниқлаш ҳамда давлатлараро муносабатларнинг устувор йўналишлари белгилаб олиш учун реал имкониятлар очилди.

1996 йилда давлатнинг ташқи сиёсати тамойилларини белгилаб берувчи конституциявий қоидаларга амал қилган ҳолда “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти асосий тамойиллари ҳақида”ги Қонун қабул қилинди.

Мустақил Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий концепцияси қуйидаги тамойилларга асосланади:

- ўз миллий манфаатларини устун қўйган ҳолда, жаҳон миқёсида ўзаро манфаатларни эътиборга олиш;

- тинчлик ва хавфсизликни мустақкамлаш; можароларни тинч йўллар билан ҳал қилиш; инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш; баҳсли масалаларни ҳал қилишда куч ишлатиш ва таҳдид солишдан воз кечиш;
- тенг ҳуқуқлилиқ, ўзаро манфаатдорлик ва бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- ташқи сиёсатда очиқлик, мафкуравий қарашлардан хоилиқ тамойили;
- халқаро ҳуқуқ нормалари давлатнинг ички ҳуқуқи нормаларидан устунлигини тан олиш;
- икки томонлама ва кўп томонлама алоқалар ўрнатиш ҳамда уларни ривожлантириш.

97-савол. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари нимадан иборат?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Давлатимиз ташқи сиёсатининг бош мақсади ва моҳияти – Ўзбекистоннинг ва яна бир бор Ўзбекистоннинг манфаатидир” деган шиориға тўлиқ амал қилган ҳолда, мамлакатимиз ўз миллий манфаатларига мос келадиган дунё ва минтақанинг барча мамлакатлари билан тенг ҳуқуқлилиқ тамойиллари асосида фаол ҳамкорлик олиб боришга интилади. Шу билан бирға, муаммолар ва халқаро ҳаётнинг турли масалаларига нисбатан мавжуд тафовутли қарашларни очиқ мулоқотлар ва бошқа дипломатик усуллар билан ҳал этиш тарафдоридир.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг қуйидаги устувор йўналишларини санаб ўтиш мумкин:

- Ўзбекистон сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, республикада ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ислохотларнинг муваффақиятли амалға ошириш учун зарур шароитларни яратиш;

- бутун дунё ва минтақада хавфсизлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлашға асосланган сиёсатни изчиллик билан ва оғишмай олиб бориш;

- минтақада хавфсизликни таъминлаш манфаатларидан келиб чиқиб, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва уни мустақкамлаш, бу вазифанинг ажралмас қисми Афғонистондаги сиёсий-ижтимоий вазиятни

барқарорлаштириш ва мамлакатни қайта тиклашга самарали кўмаклашиш;

- Халқаро терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши кураш. Республикамиз ислом динини сиёсатга айлантиришга, ёвузлик ва террорчилик мафкурасини ёшлар онгига сингдиришга ҳамда радикал ва экстремистик фаолиятни жаҳон мамлакатларига кенг ёйишга уринишларнинг олдини олишга кескин ва аёвсиз кураш олиб бориш тарафдори;

- ядро ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуроллари тарқатмаслик, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний ишлаб чиқариш ва айланишига қарши кураш.

Ўзбекистон Республикаси бу йўналишда ҳам аниқ натижаларга эришиш учун самарали фаолият олиб бормоқда.

98-савол. Иқтисодий тизимнинг сиёсий тизимга таъсири қандай?

Иқтисодий тизимнинг сиёсатга таъсирида қуйидаги жиҳатлар ажратиб кўрсатилади:

Биринчидан. Ҳокимиятга партия ёки бирор шахснинг келиши, улар зиммасига олган иқтисодий тадбирлар дастурида белгиланган бўлади. Давлатнинг иқтисодий юксалиши, халқ фаровонлигини ваъда қиладиган катта дастурлар сайловчиларнинг улар учун овоз беришига ундайди. Замонавий демократик давлатларда бошлиқлар сайлов олди кампанияларда қилган ваъдаларни бажариши керак ва бунга интилади. Уларга реал дастур сифатида қарайди.

Иккинчидан. Сиёсий ҳокимиятни нафақат қўлга киритиш ва ушлаб туриш муҳим, балки бунда ҳокимиятдаги сиёсий куч мақсадларини амалга ошириш ҳам аҳамиятлидир. Гап, сиёсий ҳокимиятни эркинлаштириш халқ томонидан тан олинган, аҳоли томонидан қўллаб-қувватланиши ҳақида бормоқда. Бунда кўп нарса сиёсий ҳокимият томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсатга боғлиқ.

Учинчидан. Сиёсий жараёнларнинг ривожда иқтисодий тизимнинг муҳимлиги яна шундаки, барча йирик қўламдаги сиёсий қарорлар иқтисодий заминга эга бўлиши керак.

Тўртинчидан. Иқтисодий тизимнинг аҳволи ислохотлар, қайта қуришлар каби барча сиёсий жараёнлар ва тадбирларни амалга оширишга ташаббус уйғотади. Давлатнинг иқтисодий ўсиш даражаси пастлиги, иқтисоднинг танг аҳволи, ундан чиқишга йўналтирилган сиёсий чора- тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо этади. Давлатнинг юқори иқтисодий даражаси ҳам сиёсатни сиқиб

чиқармайди. Бундай шароитларда сиёсий ҳокимиятнинг ягона вазифаси сиёсий-иқтисодий барқарорликни сақлаб қолишдан иборат бўлади.

Сиёсий элита ҳам сиёсий барқарорликни таъминлашга интилади. Бунда, бозор иқтисодиётига асосланган жамият иқтисодий тизими субъектлари - маҳаллий тадбиркорлар, чет эл инвесторлари, ҳиссадорлик жамиятлари, кичик ва ўрта бизнес, банклар ва ишчилар манфаатдор бўлади. Барқарорликни таъминлаш – серқирра, мураккаб жараён. Унинг асосий омилларидан бири, иқтисодий ривожланган давлатларда бир маромдаги ривожланиш ва ўрта қатламни қўллаб-қувватлашдир. Жамиятда ўзига тўқ ва мустақил фуқароларнинг кўпайиши ҳукумат барқарорлигини таъминлашга қаратилган тадбирларини қўллаб-қувватловчилар сонининг кўпайишига олиб келади. Замонавий шароитларда барча ҳукуматлар кичик ва ўрта бизнес ва мулкдорлар синфини ривожлантиришдан манфаатдордир.

Сиёсий тизимнинг иқтисодий тизимга тобелиги объектив зарур характерга эга. Ўз навбатида, иқтисодий тизимнинг ривожига ҳам сиёсий тизим самарадорлигига боғлиқ бўлади.

99-савол. Иқтисодий сиёсат нима?

Иқтисодий сиёсат у ёки бу давлат иқтисодий ва сиёсий тизимларининг ўзаро таъсирлашув воситаси ҳисобланади. Америкалик иқтисодчилар К.Макконелл ва С.Брюлар унга қуйидагича таъриф беради: Иқтисодий сиёсат – бу, иқтисодий муаммони тузатиш ёки унинг юзага келишини олдини олиш мақсадига қаратилган хатти-ҳаракатлар йўналишидир.

Сиёсий ҳокимият, сиёсий тузилмалар иқтисодий сиёсатнинг субъекти сифатида намоён бўлади. Иқтисодий сиёсатнинг таъсир кўрсатиш объекти сифатида иқтисодий тизим ёки унинг барча бўғинлари чиқади.

Иқтисодий сиёсатнинг мураккаблиги шундаки, бу сиёсат молия, кредит, пул муомаласи, солиқ, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, инвестиция, ташқи иқтисодий сиёсат каби кўплаб соҳаларга таъсир қилади.

Бу соҳаларда молиявий бюджет сифатида, пул кредити сифатида, солиқ сифатида иқтисодий сиёсат амалга ошади. Бу йўналишлар умумий иқтисодий сиёсатга ёрдамчи тизим сифатида намоён бўлади.

Иқтисодий сиёсатнинг асосий мақсадларидан бири – бу, иқтисодиётни барқарорлаштиришдир.

Иқтисодий сиёсат ҳокимият тузилмалари томонидан икки йўл билан амалга оширилади:

Биринчи йўл - иқтисодий соҳаларда бўлаётган ўзгаришларга қонун воситасида

таъсир қилиш;

Иккинчи йўл - иқтисодийётни молия, кредит, солиқ каби иқтисодий чоралар орқали ўнглаш.

Бундай ўзига хос “тандем” воситаларини қўллаш давлат учун қуйидаги имкониятларни вужудга келтиради:

- чуқур инқирозли орқага кетишларни бир босқичда бартараф этиш, уларнинг кўтарилишини бошқа босқичда таъминлаш;

- бузғунчи кучга айланиб кетиши мумкин бўлган муҳим иқтисодий жараёнлар (инфляциянинг ўсиши, ишсизлик, бюджет танқислиги) ни назорат қилиш;

- иқтисодийётдаги янги соҳаларни ривожлантиришни рағбатлантириш, тузилмавий ислохотлар олиб бориш, иқтисодийётда кичик ва ўрта бизнеснинг салмоқли улушга эга бўлишини қўллаб-қувватлаш.

100-савол. Иқтисодий ва сиёсий ҳокимият деганда нималарни тушуниш зарур?

Сиёсий ҳокимият тўғрисида гап кетганда, парламент, президентлик бошқаруви, вазирлар маҳкамаси, олий суд каби конкрет сиёсий институтлар назарда тутилади.

Иқтисодий ҳокимият – бу, бойлик, капитал ҳокимияти, яъни, йирик мулк эгаларининг сиёсий қарорларга, умуман давлат сиёсатига таъсир қила олиш қобилиятидир. Капитални кўп фойда топиш учун ишлатиш мақсадида, улар турли йўллар билан ҳукуматга таъсир ўтказди. Шу тариқа, иқтисодий ҳокимият сиёсий ҳокимиятга айланади.

Иқтисодий ҳокимиятни амалга оширишнинг ёки сиёсий ҳокимиятга айлантиришнинг энг кўп тарқалган йўли, бу катта бизнес соҳибларини ўз манфаатига хизмат қиладиган депутатларни парламентга сайлашни уюштиришидир.

Иқтисодий соҳа сиёсатчиларнинг карьераларини молиявий таъминлайди, улар эса, ўз навбатида, капиталнинг янада кўпайишига ҳисса қўшадилар. Масалан, 70-80 йилларда АҚШдаги нефт компаниялари, бошқа компаниялар 40 фоиз тўлаганда, улар 7-8 фоиз солиқ тўлашарди.

Сайлов кампанияларини молиявий таъминлаш - иқтисодий ҳокимиятнинг сиёсий ҳокимиятга айланишини бир кўриниши. Бунинг яна бошқа йўли тадбиркор ва ишбилармонларни сиёсатга, сиёсатчиларнинг савдо-сотиқ ишларига ўтиши ҳисобланади.

М у н д а р и ж а

1-савол. Сиёсат ва сиёсатшунослик нима?.....	3
2-савол. Сиёсат тизим сифатида қандай элементлардан ташкил топган?.....	3
3-савол. Сиёсатнинг функциялари ва хусусиятлари нималарда намоён бўлади?....	4
4-савол. Сиёсатшуносликнинг объекти, предмети, услублари ҳамда функциялари нималардан иборат?.....	5
5 - савол. Сиёсатшунослик қандай услублар асосида ривожланади?.....	6
6-савол. Сиёсатшуносликнинг асосий ривожланиш босқичларини санаб беринг?7	
7-савол. Сиёсий ҳаёт деганда нимани тушуниш керак?.....	8
8-савол. Сиёсий ҳаётга таъсир этувчи қандай ташқи омиллар мавжуд?.....	9
9 - савол. Сиёсий ҳуқ-атвор нима?.....	9
10-савол. Сиёсий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари қандай?.....	10
11-савол.Сиёсий фаолликнинг асосий белгилари қандай?.....	11
12-савол. Сиёсий тараққиёт нима?.....	11
13-савол. Сиёсий иштирок деганда нима тушунилади?.....	11
14-савол. Сиёсий ҳокимиятнинг мазмуни нималарда намоён бўлади?.....	12
15-савол. Сиёсий ҳокимиятнинг легитимлиги қандай амалга ошади?.....	13
16-савол. Сиёсий ҳокимиятнинг қандай ресурслари мавжуд?.....	14
17-савол. Сиёсий ҳокимиятнинг тузилиши, шакли ва функциялари.....	15
18-савол. Ҳозирги даврда сиёсий ҳокимият ривожланишида қандай янги тенденциялар кузатилмоқда?.....	16
19-савол. Сиёсий элита нима?.....	17
20-савол. Сиёсий лидерлар қандай касбий фазилатлар ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши зарур?.....	18
21-савол. Сиёсий лидерлар қандай функцияларни бажаради?.....	18
22-савол. Сиёсий лидерларнинг қандай турлари мавжуд?.....	19
23-савол. Дунёда лидерлик ривожланишининг қандай янги тенденциялари кузатилмоқда?.....	20
24-савол. Жамиятнинг сиёсий тизими ўзида нималарни ифода этади?.....	20

25- савол. Сиёсий тизим қандай элементлардан ташкил топади?.....	21
26- савол. Сиёсий тизим қандай функцияларни бажаради?.....	21
27-савол. Сиёсий тизимнинг қандай турлари мавжуд?.....	22
28-савол. Сиёсий тузум (режим) нимани англатади?.....	23
29-савол. Сиёсий ва давлат тузумлари нима? Сиёсий тузум нимани таъминлашга қаратилган бўлади ва у қандай ҳодисаларда ўз ифодасини топади?.....	24
30-савол. Демократик тузумнинг ўзига хос хусусиятлари қандай?.....	24
31- савол. Демократия нима?.....	25
32-савол. Ҳозирга кунга келиб, демократиянинг қандай назариялари ишлаб чиқилган?.....	26
33-савол. Авторитар тузум деганда нима тушунилади?.....	27
34-савол. Тоталитар тузумнинг хусусиятлари нималардан иборат?.....	27
35-савол. Авторитар ва тоталитар тузумлар нимаси билан фарқ қилади?.....	28
36–савол. Тоталитаризм ва диктатура бир-бирига қандай алоқадор?.....	29
37-савол. Давлатнинг сиёсий институт сифатидаги моҳияти нималарда намоён бўлади?.....	30
38-савол. Давлат қандай функцияларни бажаради?.....	30
39-савол. Давлат белгилари ва структураси нималардан иборат?.....	31
40-савол.Замонавий давлат ривожланишида қандай тенденциялар кўзга ташланмоқда?.....	33
41-савол. Давлатнинг қандай шакллари мавжуд?.....	34
42-савол. Давлат бошқаруви шакллари нима?.....	34
43– савол. Давлатнинг қандай шакллари мавжуд?.....	36
44-савол. Қандай жамиятни фуқаролик жамияти дейиш мумкин?.....	37
45-савол. Фуқаролик жамияти вужудга келишининг қандай тарихий сабаблари мавжуд?.....	38
46-савол. Конституционализм деганда нима тушунилади?.....	38
47-Савол. Сиёсий партиялар ташкил топишининг қандай тарихий асослари бор?.....	40
48-Савол. Партиялар хусусиятлари, вазифалари ва тузилиши нималардан иборат?.....	41
49-Савол. Партиялар қандай таснифланади?.....	42
50-савол. Сиёсий амалиётда қандай партиявий тизимлар мавжуд?.....	43
51-савол. Партиявий тизимлар қандай кўринишларда намоён бўлади?.....	44

52-савол. Сиёсий ҳаётда “босим гуруҳлари” деганда нимани тушуниш керак?.....	44
53-савол. Лоббизмнинг моҳияти нимада ва унинг қандай турлари мавжуд?.....	45
54-савол. Лоббизмнинг устунлик ва камчиликлари нималардан иборат?.....	46
55-савол. Сиёсий муносабатлар нима?.....	47
56-савол. Сиёсий можаролар деганда нима тушунилади?.....	48
57-савол. Сиёсий можароларни ҳал қилиш шартлари мавжудми?.....	48
58-савол. Сиёсий плюрализм нима?.....	49
59-савол. Сиёсий маданиятнинг моҳияти нима?.....	50
60-савол. Сиёсий маданиятнинг функциялари нималардан иборат?.....	50
61-савол. Сиёсий маданият қандай тузилишга эга?	51
62-савол. Сиёсий маданиятнинг характерли белгилари нималардан иборат?.....	51
63-савол. Сиёсий маданиятнинг қандай турлари мавжуд?.....	52
64-савол. Сиёсий субмаданиятлар деганда нима тушунилади?.....	52
65-савол. Мамлакатимизда сиёсий маданият шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?.....	53
66-савол. Аҳолимиз сиёсий менталитетининг қандай характерли хусусиятлари бор?.....	53
67-савол. Сиёсий коммуникация нима?.....	54
68-савол. Сиёсий мафкуралар қандай мазмунга эга?.....	54
69- савол. Мафкуранинг хусусиятлари ва функциялари нималардан иборат?.....	55
70-савол. Мафкураларнинг қандай турлари бор?.....	56
71- савол. Либерализм қандай мафкура?.....	56
72- савол. Неолиберализм қандай оқим?.....	57
73-савол. Консерватизм қандай тамойил ва ғояларга таянади?.....	58
74-савол. Неоконсерватизмнинг тамойиллари ва ғоялари нималардан иборат?.....	58
75-савол. Социал демократизм асосида қандай ғоялар мавжуд?.....	59
76-савол. Анархизм нима?.....	60
77-савол. Технократизм қандай мафкура?.....	60
78-савол. Ҳозирги даврда дунёда яна қандай сиёсий мафкуралар мавжуд?.....	61

79-савол. Замонавий сайлов тизимларининг қандай шакллари бор?.....	62
80-савол. Пропорционал ва аралаш сайлов тизимларининг ўзига хос хусусиятлари нималарда намоён бўлади?.....	63
81-савол. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида сайлов тизимида қандай ўзгаришлар рўй берди ва унинг асосий хусусиятлари нимадан иборат?.....	64
82-савол. Ижтимоийлашув (социализация) нима?.....	65
83-савол. Сиёсий ижтимоийлашувнинг қандай турлари бор?.....	66
84-савол. Сиёсий ривожланиш нимани англатади?.....	67
85-савол. Сиёсий жараён нима?.....	67
86-савол. Сиёсий жараёнларнинг қандай турлари мавжуд?.....	68
87-савол. Сиёсий инқироз нима?.....	69
88-савол. Сиёсий қарор деганда нима тушунилади?.....	70
89-савол. Сиёсий тартиб қандай ўрнатилади?.....	71
90-савол. Сиёсий башорат нима?.....	71
91-савол. Сиёсий башоратнинг усуллари қандай?.....	72
92-савол. Халқаро муносабатлар қандай тамойилларга асосланади?.....	73
93-савол. Дунё сиёсати деганда нима тушунилади?.....	74
94-савол. Халқаро сиёсат қандай хусусиятларга эга?.....	74
95-савол. Халқаро сиёсатнинг мазмуни нималардан иборат ва қандай тамойилларга асосланади?.....	75
96-савол. Мустақил Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат концепцияси қайси тамойилларга асосланади?.....	76
97-савол. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари нималардан иборат?.....	77
98-савол. Иқтисодий тизимнинг сиёсий тизимга таъсири қандай?.....	78
99-савол. Иқтисодий сиёсат нима?.....	79
100-савол. Иқтисодий ва сиёсий ҳокимият деганда нималарни тушуниш зарур?.....	80